**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

# Бошланғич таълимда психологик – педагогика назарияси ва технологияси

фанидан

## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**2013-2014 ўқув йили учун**

Тошкент

# 1-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ

**Режа:**

1. Педагогик психология фани ҳақида умумий тушунча.
2. Педагогик психология фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.
3. Педагогик психология фанининг методлари.

***Ўқув машғулотининг мақсади:***Талабаларда курс ҳақида дастлабки тушунчаларни шакллантириш.

***Ўқув фаолиятининг натижаси***: Талабаларга фаннинг предмети, фанлар тизимида тутган ўрни назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, аудиторияда муаммоли топшириқларни муҳокама этиш орқали фаннинг амалий фаолиятдаги аҳамияти асослаб берилади.

## Бошланғич таълимда психологик-педагогика назарияси ва технологияси фани ҳақида умумий тушунча

Маълумки, қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да шахс камолоти энг асосий масала қилиб олинган. Республикамизда уларда кўрсатиб ўтилган вазифаларни рўёбга чиқариш бўйича жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Педагогик психология психология фанининг муҳим тармоқларидан биридир. Педагогик психология мураккаб тузилишига эга бўлиб, инсон ҳаётининг барча соҳаларининг, айниқса, таълим ва тарбиявий томонларини ўз ичига қамраб олади.

Педагогик психология курсининг мақсади - талабаларга таълим ва тарбиянинг мазмуни, ундаги психологик қонуниятлар, инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти, педагогик психологиянинг методлари билан таништиришдан иборатдир.

Педагогик психология фанининг асосий вазифаларига бакалаврларни ижтимоий фаолиятининг таълим ва тарбия каби йўналишларида ўқитувчи шахси меҳнатини ташкил этиш, педагогик жамоаларда ишни ташкил этиш омиллари, механизмлари ва шарт-шароитлари билан таништириш, таълим фаолият мотивларини мукаммал ўзлаштириш, ўқувчиларнинг таълимдаги қобилият ва иктидорини ўстириш йўллари ҳамда уларни ривожлантириш омилларига ўргатиш, бу борада ижтимоий-психологик ҳодисалар табиати ва моҳиятини тушунишга кўмаклашишдан иборатдир.

## Бошланғич таълимда психологик-педагогика назарияси ва технологияси фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

Бошланғич таълимда психологик-педагогика назарияси ва технологияси – психология илмининг тармоғи сифатида, таълим ва тарбиянинг шахсга самарали таъсир этувчи омиллари, қонуниятлари ва механизмларини ўрганувчи фандир.

Таълим-тарбия муассасаларидаги фаолият ва ҳатти-ҳаракатларининг психологик қонуниятларини ўрганувчи педагогик психология икки фанни, яъни психология ва педагогика фанларининг туташган жойидан ўрин эгаллагандир. Педагогик психологиянинг предмети ўқув муассасаларида билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш қонуниятларини, бу жараёнларда содир бўладиган индивидуал тафовутларни, ўқувчиларда фаол, мустақил ва ижодий тафаккурни таркиб топтириш қонуниятларини тадқиқ этишдир. Шунингдек, педагогик психология - таълим-тарбиянинг таъсири окибатида ўқувчилар психикасида содир бўладиган ўзгаришларни, ўқув материалларининг ўқувчиларнинг ёш даврларига мос келишини, турли таълим методларининг психологик жиҳатдан самарадорлигини, дарсликларининг тартибига нисбатан бўлган психологик талаблар каби муаммоларни ҳам ўрганади.

Педагогик психология ўқитиш ва тарбиянинг психологик асослари ҳақидаги фандир. Бунинг маъноси шуки, педагогик психология ўқувчилар томонидан билим, иқтидор ва малакаларни ўзлаштиришнинг психологик қонуниятларини ва шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар шахсининг таркиб топишини ўрганадиган фандир.

Педагогик психологиянинг вазифасига, шунингдек, ўқувчилар ва ўқитувчилар, тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабати, ўқитувчи шахсига нисбатан қўйиладиган талабларни ўрганиш, ўқитувчилик қобилиятининг мазмунини ва унинг таркиб топишини очиб бериш ва бошқа масалаларни ҳам ўрганиш киради. Педагогик психология таълим муассасаларида ўқитиш жараёнида ўқувчилар томонидан билим ва малакаларни эгаллашнинг қонуниятларини ва тарбия жараёнида бола шахсининг таркиб топишини ўрганади.

Ўқитиш ва тарбиялашнинг психологик қонуниятларини ўрганиш педагогик психологиянинг предметини ташкил қилади. Бу фан ўқувчилар ва тарбияланувчилар тафаккурининг шаклланишини текширади; ўзлаштириш жараёнининг идора қилиш, ақлий фаолият усуллари ва малакаларининг таркиб топиш муаммоларини ўрганади, ўқитиш жараёнининг, ўқувчи ва ўқитувчи, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги муносабатларнинг, таълим

олувчилар жамоасидаги ўзаро муносабатларнинг муваффақиятли бўлишига таъсир қиладиган психологик омилларни аниқлайди; ўқувчиларнинг индивидуал-психологак тафовутини, болалар билан олиб бориладиган ўқув-тарбия ишларининг психологик хусусиятларини ўрганади.

Педагогик психологиянинг предмети таълим тарбиянинг психологик қонуниятларини ўрганади. Педагогик психология таълим жараёнини бошқаришнинг психологик масалаларини ўрганади. Билиш жараёнларининг ривожланишини текширади. Ақлий тараққиётнинг ишончли мезонларини излайди. Тарбиячилар ва тарбияланувчилар орасидаги ўзаро масалаларни ўрганади. Бундан ташкари педагогик психология болаларга индивидуал ёндашув масалаларини ҳам ўрганади.

## Педагогик психология фанининг методлари

Педагогик-психологияда бир неча методлар мавжуд:

Тажрибада қўлланиладиган методлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Кузатиш методи.
2. Эксперимент методи.
3. Психологик-педагогик эксперимент - ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини табиий шароитда махсус усуллар ёрдамида ўрганишдир.
4. Анкета методи.
5. Сухбат методи.
6. Тест методи.
7. Биографик (таржимаи ҳол) методи.
8. Социометрик метод.

## Савол ва топшириқлар:

1. Абу Наср Форобийнинг «Бахт-саодатга эришув» асарини мутоала қилинг ва алломанинг қуйидаги қарашларини ёзма баён этинг:

а) инсоний камолотга эришувда ақлий билишнинг аҳамияти.

б) иродавий фазилатларни шакллантириш ва одатга айлантиришда инсон қудрати, таълим ва тарбиянинг кучи ҳақида.

в) ёшларнинг касб-ҳунар ва иш-тажрибани эгаллаши тўғрисида.

2. Педагогик психология фанининг вужудга келиш сабабларини кўрсатинг.

3. Турли даврларда психик ривожланиш ҳақидаги талқинларнинг моҳиятини ёритиб беринг.

4. Фаннинг предмети, амалий вазифалари нималардан иборат? Унинг истиқболи ҳақида нима дея оласиз?
5. Педагогик психологияда тадқиқотларни ташкил этиш ва илмий методлари ҳақида маълумот беринг.
6. Таълимда психологик кўмакни ташкил этиш.
7. Педагогик психология фанининг ривожланиш тарихи.

## 2-МАВЗУ: ПЕДАГОГИКАНИНГ АСОСИЙ ҚЎЗҒАТУВЧИ МОТИВЛАРИ.

### РЕЖА:

1. Мотив ҳақида тушунча
2. Муваффақият мотивацияси ва омадсизлик қўрқуви мотивацияси Профессионал мотивация.
3. Ўйин мотивлари ва ўйинни ташкил қилиш

Мотивация шахс фаоллиги, хулқи ва фаолиятини тартибга солувчи муҳим омил сифатида барча инсонларда қизиқиш уйғотади. Шу маънода мотивация психологияси меҳнат объэкти бўлиб инсон турадиган (шифокор, педагог, менежер ва бошқарувчилар каби) социоэкономик тип касб вакиллари учун алоҳида аҳамият касб этади. Аслини олганда, инсон мотивацияни ҳисобга олмасдан туриб ҳеч қандай самарали ижтимоий муносабат (шунингдек болалар, ўсмир ва ёшлар билан боғлиқ бўлган ижтимоий-педагогик муносабатлар ҳам) ўрнатиб бўлмайди. Объэктив равишда инсоннинг бир хил ҳатти-ҳаракатлари остида умуман турли хил сабаблар ётиши мумкин. Яъни ушбу ҳатти-ҳаракатларга ундовчи асослар, уларнинг мотивацияси умуман ҳар хил бўлиши мумкин.

Лекин, аниқ фактлар ва қонуниятларни муҳокама қилишдан аввал, биздан асосий тушунчага таърифа бериш талаб этилади. Ҳозирги замон психологиясида мотив тушунчасини талқин қилиш бўйича умумий ёндашув бўлиш билан биргаликда, ушбу тушунча таърифига оид айрим аниқлик борасида фикрлар уйғунлиги мавжуд эмас. Шу билан биргаликда, айнан "мотив" тушунчасининг ўзи маълум бир илмий муаммони келтириб чиқаради деб айтиш мумкин. Айрим олимлар, жумладан К.К. Платонов мотивга ҳаракатга ундовчи руҳий воқелик деб таъриф берса, бошқалар эса шахснинг ҳатти-ҳаракати асосида ётувчи англанган сабаб деб карайдилар. Шунингдек, баъзи олимлар мотив деганда инсоннинг онгида акс этиб, уни фаолиятга ундовчи, аниқ бир талабни қондиришга йўналтирувчи куч сифатида талкин

қиладилар. Шу билан бир қаторда улар мотив сифатида талабнинг ўзини эмас, балки талаб предметини алоҳида кўрсатадилар.

**Мотив - малум бир талабни қондириш билан боғлиқ бўлган шахснинг у ёки бу фаолият тури (муомала, хулқ-атвор) га ундовчи ички истагидир.**

Мотив ва "талаб" категорияси ўртасидаги алоқа борасида умумий ҳолат кўп ҳолларда мунозарали бўлмаса ҳамки, айрим ҳолларда бу ерда бир-бирига зид фикрлар мавжуд. Шу маънода бир карашда радикал бўлиб қабул қилинадиган - талабнинг мотив эмаслиги тўғрисидаги фикр саналади. Лекин ушбу тезисни очиб бериш давомида, кўпгина олимлар одатда мотив бўлиб талаблар эмас, балки объэктив фаолият предмети ва воқеликлари ҳисобланиши тўғрисидаги фикрни тан олиш кераклигини таъкидлайдилар. Ушбу ҳолат энди радикал деб ҳисобланмайди. Бизнинг (рус) психология мактабимиз мотивация назариясига кўра мотив тўғрисида гап кетганда айнан аниқ бир талабни кўзда тутиш қабул қилинган. Демак, "талаб" ва "предмет" категорияларини бир-бирига зид қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Фаолият психологик қонцепцияси муаллифи А.Н. Леонтев фикрига кўра фаолият предмети мотив бўлиши билан бирга моддий ва идеал бўлиши мумкин ва энг муҳими унинг оркасида ҳар доим талаб туради ва шу билан бирга у ёки бу талаб га жавоб беради.

Бирмунча зерикарли бўлган таъриф масалалари муҳокамасига тезроқ аниқлик киритиш мақсадида оддий иш таърифини ифодалаймиз. Демак, мотив деганда биз маълум бир талабни қондириш билан боғлиқ бўлган шахснинг у ёки бу фаолият (иш, муомала, феъл-атвор)га ундовчи ички интилишини тушунамиз.

Мотив сифатида идеаллар, шахс манфаатлари, ишонч, ижтимоий қурилмалар ва қадриятлар хизмат килади деб қабул қиламиз. Шу билан бирга, юқоридаги барча сабаблар оркасида барибир шахснинг турли хил талаблари (ҳаётий ва биологик талablardan тортиб то олий ижтимоий талабларгача) туради деб ҳисоблаймиз.

Мотивация категориясига оид ҳозирги замон психологик тушунчалари (В.К. Вилнюс, В.И. Ковалёв, Е.С. Кузмин, Б.Ф.Ломов, К.К. Платонов ва бошқалар)дан келиб чиққан ҳолда, биз шахснинг мотивацион доираси деганда аник бир иерархияга эга бўлган ва шахснинг йўналишини акс эттирадиган мустаҳкам мотивлар мажмуасини тушунамиз.

**Шахснинг мотивацион доираси - аник бир иерархияга эга бўлган ва шахснинг йўналганлигини намоён этувчи мустаҳкам мотивлар мажумуаси.**

Таникли америкалик психолог А. Маслоу мотивациянинг позитив назариясини ишлаб чиқиб, уни яратиш давомида клиник ва тажриба ёрдамида олинган эмпирик маълумотлар фойдаланган. Маслоунинг фикрига кўра, ушбу назария Джемс ва Дюиларнинг функционалистик анъанасини давом эттириб, ўз ичига Вертхаймер ва Голдштейннинг холизми ва Фрейд, Фромм, Хорни, Райха, Юнгаи Адлерларнинг динамик ёндашувини барча яхши томонларини мужассам этган. Айнан шунинг учун ушбу назария холистик - динамик назария деб ҳам аталади.

Маслоу ўзининг назариясида бешта асосий талабларни кўрсатади (расмга қаранг). Улар орасида аниқ иерархия ўрнатилади. Айтиб ўтиш жоизки, бундан ташқари Маслоу ўрни унчалик аниқ кўрсатилмаган яна иккита талаб борасида тўхталган бўлиб, бу ҳолат баъзи олимлар (Хекхаузен, 1986; Илин Е.П., 2000; Квин, 2000) учун уларни иерархиянинг турли хил поғоналарига ўрнатиш асосини беради. Расм.

1. Ўзининг муҳимлилигини сезишга бўлган талаб: салоҳиятни амалга ошириш

2. Тан олинишга бўлган талаб: аҳамият ва компетенция

3. Тегишлилик ва муҳаббатга бўлган талаб: қўшилиш ва қабул қилиш

4. Хавфсизиликка бўлган талаб: узоқ муддатли яшаб қолиш ва барқарорлик.

5.Физиологик талаблар: очлик, ташналик ва бошқалар.

*Физиологик талаблар.* А. Маслоу физиологик талабларни ажратиб кўрсатишда гомеостаз назариясига асосланади. Ушбу назарияга кўра, организм маълум бир ички доимийликни сақлаб туришга қаратилган аниқ бир фаолиятни амалга оширади. Ушбу доимийлик эса уз навбатида организмдаги туз, оксил, кислота-ишқор балансини ва бадан харорати доимийлигини ушлаб туриш билан боғлиқ бўлади. Албатта ушбу рўйхатни гормонлар, витаминлар ва бошқалар ёрдамида давом эттириш мумкин. Шундай қилиб, физиологик талаблар озуқа, сув талаби, ҳарорат балансини ушлаб туриш, сексуал талабларни қондириш билан боғлиқдир. Назария муаллифи фикрига кўра, физиологик талаблар барча талаблар ичида энг кучли ва керакли бўлиб, улар қондирилмагунча бошқа юқори даражадаги ижтимоий талаблар долзарблиги пайдо бўлмайди.

*Хавфсизликка бўлган талаб.* Физиологик талаблар қондирилгандан сўнг биринчи ўринга хавфсизликка бўлган талаб чиқади. Хавфсизликка бўлган талаб бу қўрқув, хавотир ва хаосдан озодлик; бу барқарорлик ва ҳимояга, тизим, тартиб ва конунга бўлган талаб. Хавфсизликка бўлган талаб долзарблиги пайдо бўлганда, унинг аниқ бир босқичда устунлиги, шахснинг барча ҳаракатлари айнан ушбу талабни қондиришга қаратилган бўлишини

англатади. Физиологик талаблар билан боғлиқ ҳолдаги каби хавфсизликни таъминлашда барча нарсалар инструмент бўлиб хизмат қилади: ақл-идрок хотира ва бошқалар ушбу мақсадга етишишга қаратилади.

Одатий жамиятда инсондаги хавфсизликка бўлган талаб камдан - кам фаол куч сифатида намоён бўлади. Ушбу талаб фақатгина мушкул ва экстремал вазиятлар, яъни уруш, табиий офатлар, ижтимомий кризис, жиноятчилик кескин ўсиши кузатилганда устунлик қилади. Юқоридаги экстремал шароитлар йўқлиги ва воқеаларни оддий кечиши давомида хавфсиззилкка бўлган талаб фақат енгил шаклда намоён бўлади. Бунга мисол қилиб йирик ва барқарор муассасага ишга жойлашиш истаги ёки "қора кун" га пул йиғиб қўйишни келтириш мумкин.

*Тегишлилик ва муҳаббатга бўлган талаб.* Юкоридаги иккита даражадаги талаблар кондирилгандан сўнг, тегишлилик, муҳаббат ва боғлиқликка бўлган талаб долзарблиги ошади. Булар муомалага интилиш, ижтимоий гуруҳга тегишлилик, дўстона муносабатлар ва муҳаббатга бўлган истакларни ўз ичига олади.

*Тан олишига бўлган талаб.* Ушбу талаб "этишиш" тушунчаси билан боғлиқ бўлган ният, интилиш ва ўзгалар ҳурматига эришиш (аниқ бир статус, тан олиниш, обрў-эътиборни қўлга киритиш)ни ўзи ичига олади. Бу талабни қондириш орқали шахсда ўз-ўзига ишонч, ўзининг муҳимлилиги, куч, ҳаётда ўзининг кераклиги ва фойдалилиги ҳиссини пайдо қилади. Уз навбатида бу талабни қондирилмаслиги шахсда кучсизлик, ожизлик, камситилганлик ҳиссини келтириб чиқаради. Натижада эса компенсатор ва невротик механизмлар ишга тушади. Бу талабни амалга оширилмаслиги шу билан биргаликда асоциал ва делинквент хулқ-атвор келиб чиқишининг механизмларидан бири ҳисобланади (Шур Э., 1977; Реан А.А., 1999).

*Ўзининг муҳимлигини сезишга бўлган талаб.* Ушбу концепция доирасида ўзининг муҳимлигини сезишга бўлган талаб ва инсоннинг ичидаги салоҳиятни сифатида кўриб чиқилади. Бу интилишни ўзига хосликка (идентичност) бўлган интилиш деб хам атаса бўлади. Уни деярли афоризм шаклида қуйидагича ифодалаш мумкин (Маслоу, 1999): инсон ким бўлиши мумкин бўлса шу бўлиши керак; инсон ўз табиатига тўғри келиши кераклигини ҳис қилади. Бундан кўриниб турибдики, ўзининг муҳимлигини сезишга бўлган талаб турли хил одамларда турли хил намоён бўлиши мумкин. Бир инсон ҳақиқий (идеал) ота-она бўлишни, бошқаси эса спортда улкан муваффақиятларга эришиш, учинчиси эса илмий ёки бадиий ижод ва бошқаларда ўз ўрнини топишни истайди. Умумий тенденция шундан иборатки инсон қуйи даражада турувчи талабларни қондиргандан сўнггина ўзининг муҳимлигини сезишга бўлган талабни сезишни бошлайди.

Таклиф этилган беш босқичли талаб моделидан кейин ва ўзининг муҳимлигини сезишга бўлган талабни баён қилгандан сўнг, Маслоу яна иккита талабни кўрсатади: тадаббур этиш ва тушунишга бўлган талаб ва эстетик талаблар. У ушбу иккита талабни асосий, фундаментал талаблар қаторига қўшади. Юқорида биз бу иккита талаб макомини унчалик аник баён қилинмагани тўғрисида тўхталгандик. Ўзининг муҳимлигини сезишга бўлган талабдан кейин баён килинса-да, ўз иерархияда жойлашув маъносига кўра улар бу талабдан олдинги ўринни эгаллайди. Баъзи муаллифлар фикрича тадаббур этиш ва тушунишга бўлган талаб ўзининг муҳимлигини сезишга бўлган талаб таркибига киритилади.

*Тадаббур этиш ва тушунишга бўлган талаб.* Тадаббур этиш ва тушунишга интилиш инсоннинг когнитив талаби ҳисобланади. Бу талаб ҳақиқатга интилиш, англаб етилмаган, сирли ва тушунтириб бўлмас нарса ва ҳодисаларга қизикиш билан боғлиқ ҳисобланади. Когнитив талабни қондириш фақатгина янги информация олишга тақалиб қолмайди. Шу билан бирга инсон фактларни бир тизимга солиш, таҳлил қилиш ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни очиш, маълум бир қадриятлар тизимини шакллантиришга интилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган икки интилиш иерархияга асосланади, яъни тадаббур этишга интилиш ҳар доим тушунишга бўлган талабдан аввал келади (Маслоw, 1970). Когнитив талаб инсоннинг асос талабига қаторига киради. Буни турли тадқиқотлар натижаси ва клиник маълумотлар бевосита ва билвосита тасдиқламоқда. Когнитив талабларни қондирилмаслиги жиддий психопатологияни келириб чиқариши мумкин. (Маслоw, 1968,1970)

*Эстетик талаблар.* Ушбу гуруҳ талабларни баён қилиш илгариги гуруҳларга нисбатан бирмунча ноаниқлик билан фарк қилади. Бу фикрни концепция муаллифи ҳам тан олиб, эстетик талаблар конатив ва когнитив талаблар билан чамбарчас боғлиқлиги ва улар ўртасида аниқ дифференицациа мумкин эмаслигини таъкидлайди (Маслоу, 1970). Маслоунинг фикрича, эстетик талаблар деярли барча соғлом бола ва катта кишиларда кузатилади. Ушбу талабларнинг мавжудлиги далили сифатида барча маданиятлар, инсоният тараққиётининг ибтидоий қабила давридан бошлаб исталган босқичида топиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги замон тадқиқотлари ушбу гуруҳ талаблари тўгрисида аниқ ва батафсилроқ тўхталиш имконини бермоқда. Биз уларнинг мавжудлиги исботи сифатида нафақат психологик ва клиник - психологик, балки биологик даражадаги тадқиқотларга асосланган далилларни келтиришимиз мумкин. (Левй, 1995; Сиегфриед, 1995; Турнер, Поппел, 1995:

Симонов П.В., 1989). Бироқ шу мавзудаги аниқ ва конкрет фактологик материални кўриб чиқиш ҳозир бизнинг вазифамизга кирмайди.

**Муваффақият мотивацияси ва омадсизлик қўрқуви мотивацияси.** Фаолиятга бир хил равишда ҳам муваффақиятга эришиш истаги ва омадсизликдан қўрқиш туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин. Демак, биз мотивациянинг иккита муҳим тип - муваффақият мотивацияси ва омадсизлик қўрқуви мотивация сига чизгилар чиздик. Муваффақият мотивацияси, шубҳасиз ижобий характерга эга. Бундай мотивацияда инсон ҳаракати конструктив, ижобий натижаларга эришишга йўналтирилади. Бу ерда шахснинг фаоллиги муваффақиятга эришиш талабига боғлиқ.

Омадсизлик қўрқуви мотивацияси салбий доирага тегишли. Мотивациянинг ушбу типида инсон авваламбор танбеҳ ва жазодан қочишга ҳаракат қилади. Айнан кўнгилсиз оқибатларни кутиш инсон фаолиятини белгилаб беради. Хали хеч нарса қилмай туриб, инсон эҳтимолли омадсизликдан ҳадиксирай бошлайди ва муваффақиятга қандай эришишни эмас, балки омадсизликни кандай қилиб четлаб ўтишни ўйлай бошлайди.

Ушбу муаммога оид бир катор тажрибалар тегишли равишда муваффақиятга ва омадсизликка йўналтирилган мотивациянинг икки типининг умумлаштирилган чизгисини чизишга имконият беради.

*Муваффақият мотивацияси.* Бундай типга оид шахслар одатда фаол ва ташаббускор бўлишади. Агар олдиларида тўсиқлар пайдо бўлса, уларни енгиб ўтиш йўлларини қидирадилар. Фаолият самарадорлиги ва унинг фаоллиги даражаси ташқи назоратга боғлиқ бўлмайди. Мақсадга эришиш йўлида қатъийлик билан ажралиб туради. Уз келажакларини узоқ муддатли даврга режалаштиришга мойилдирлар.

Қийинчилиги бўйича ўртача ёки бирмунча юқори даражадаги лекин бажариладиган мажбуриятларни ўз бўйинларига олишни афзал биладилар. Ўз олдиларига чинакамига етишса бўладиган мақсад қўяадилар. Таваккал қилсалар барча нарсани ҳисобга оладилар. Одатда бундай сифатлар умумий муваффақиятни таъминлаб, пасайтирилган шароитдаги озгина ютуқдан ва юқори даражадаги тасодифий омаддан катта фарқ қилади.

Бу типда юқори даражада (қарама-қарши типдан фарқли ўларок) Зейгарник эффекти акс этган. Эришилган муваффақиятлар олдида ўз омадсизликларини жуда ошириб кўрсатишга мойиллик мавжуд. Муаммоли топшириқларни бажариш давомида ва шунингдек вақт тиғизлиги шароитида иш самарадорлиги одатда яхшиланади. Вақтни "мақсадга йўналирилган ва тез кечувчи" этиб идрок қилишга мойил бўладилар.

Вазифа жозибадорлиги унинг мушкуллигига нисбатан пропорционал равишда ошиб боради. Хусусан, бу юқоридан берилган эмас, балки ихтиёрий

вазифалар мисолида намоён бўлади. "Мажбурий равишда" топширилган вазифани қониқарсиз амалга оширилса ҳам унинг жозибаси илгариги даражада сакланиб колади.

*Омадсизлик қўрқуви мотивацияси.* Ташаббус кам кўрсатадилар. Маъсулиятли вазифадан ўзларини олиб қочиб, уни рад этишга сабаб қидирадилар. Ўз олдиларига асоссиз юқори мақсадлар қўядилар, ўз имкониятларини тўғри баҳолай олмайдилар. Бошқа ҳолатларда, бунга қарама-қарши равишда кўп куч талаб қилмайдиган енгил вазифаларни танлайдилар.

Зейгарник эффекти муваффақиятга интилганларга қараганда кам даражада намоён бўлади. Бундай шахслар омадсизликлари олдида эришилган муваффақиятларини жуда ошириб кўрсатишга мойил бўладилар. Кўриниб турибдики бу ҳолат орзу-умид назорати эффекти билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Вақт тиғизлиги шароитида ва муаммоли характердаги топшириқларни бажаришда иш самарадорлиги пасаяди. Мақсадга эришишда камроқ

Тугалланмаган ҳаракат эффекти, К. Левин шогирди, кейинчалик МГУ (МДУ) профессори бўлган Б.В.Зейгарник томонидан аникланган. Қонуниятнинг асосий маъносига шундаки, тугалланмаган ҳаракатлар тугалланганларга қараганда яхшироқ эсда қолади. Қатъийлик билан ажралиб турадилар (лекин бундан истиснолар ҳам бўлиши мумкин).

Вақтни "мақсадсиз кечувчи" сифатида идрок қилишга мойилдирлар ("Вақт - бу тўхтовсиз кечувчи оқим"). Ўз келажакларини узоқ бўлмаган даврга режалаштирадилар.

Маълум бир топшириқни бажаришда омадсизликка учраш, шу топшириқнинг жозибадорлигини пасайишига олиб келади. Шу билан бирга ушбу ҳолат "мажбурий равишда" топширилгани ёки шу субъэктнинг шахсан ўзи томонидан танланганига боғлик бўлмайди. Ваҳоланки, топширик жозибадорлигини миқдор нисбати иккинчи ҳолатда (ўзи танлагани) биринчи ҳолатга (бошқа инсон томонидан топширилган) қараганда камроқ намоён бўлиши мумкин.

Муваффақият мотивацияси ва омадсизилик қўрқуви мотивацияси диагностикаси тўғрисида гапирадиган бўлсак, энг оптимал метод бу кузатиш ҳисобланади. Чунки педагогда ўқувчининг ўзини тутиши ва ишини турли хил ҳаётий ва таълим ҳолатларида кузатиш имконияти мавжуд бўлади. Бундан ташқари, у ўқувчининг шахсияти, фаолияти ва ўзини тутиши устидаги ўз кузатишларини сермулоҳазали ва чуқур психологик анализ қилишга имкон беради.

Ҳозирги замон психодиагностика қуроллари ичида, кўрилаётган шахс мотивацияси типлари диагностикасини амалга оширишга ёрдам берадиган кўплаб махсус методикалар мавжуд.

Умуман олганда сифатли методикаларни ишлаб чиқиш жуда қийин вазифадир. Чунки, шахснинг ядросини ташкил қилувчи фаолият ва феъл - атвор мотивлари анализ учун "ёпиқ" ҳисобланиб, онгли ва онг ости орқали ҳар доим шахснинг ўзи томонидан ўзгалар тушуниб етишидан пухта ҳимоя қилинадиган зонани ташкил қилади. Шунинг учун шахснинг мотивацион доираси одатда проектив тип деб номланувчи мураккаб методикалар ёрдамида тадқиқ қилинади. Проектив методикалар кўп меҳнат ва бундан ташқари мутахассисдан юқори малакани талаб қилади. Проектив методикалар билан бир қаторда МУ (муваффақиятга умид) ва ОҚ (омадсизлик қўрқуви) мотивацияларини ўлчаш учун А. Мехрабиан ТМД сўровномаси (М.Ш. Мухаммад - Эминов модификациясидаги ҳам) ва А. Реан сўровнамаси каби тест - сўровнамалари ҳам қўлланилади.

**Профессионал мотивация.**

Энди профЭессионал мотивация борасида тўхталамиз. Ҳозирги тадқиқотчиларда ўқувчилар ўзлаштириши нафақат табиий кобилиятларга, балки асосан таълим мотивацияси ривожланишига хам боғлиқлиги шубҳа уйғотмаяпти. Ушбу икки омил ўртасида мураккаб ўзаро муносабат тизими мавжуд. Маълум бир шароитларда (хусусан, шахснинг аниқ бир иш фаолиятига юқори даражадаги қизиқишида) компЭенсатор мЭеханизм ишга тушиши мумкин. Қобилият етишмаслиги мотивацион доира (прЭедмЭетга бўлган қизиқиш, танланган касбни англаб тиш ва бошқалар) нинг ривожаланиши билан тўлдирилиши натижасида, ўқувчи-талаба юқори натижаларга Ээришиши мумкин.

Аммо муаммо қобилият ва мотивациянинг диалектик бирликда жойлашиши ва уларнинг ҳар бири ўзлаштириш даражасига маълум бир равишда таъсир этишида эмас. Олий таълим муассасаларида ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики аълочи ва суст талабалар интеллектуал кўрсаткичлар билан эмас, балки уларда профессионал мотивациянинг қай даражада ривожлангани билан фаркданади. Албатта, бундан қобилиятлар таълим жараёнида муҳим омил деб саналмайди деган хулосага келиш керак эмас. Шунга ўхшаш фактларни олий таълим муассасаларга конкурс орқали қабул қилиш мавжуд тизими абитуриентларни умумий интеллектуал қобилиятлар асосида танлаб олиши билан тушунтириш мумкин. Синовдан ўтиб биринчи курс талабасига айланганлар, умуман олганда деярли бир хил кобилиятга эга бўлишади. Бу вазиятда эса биринчи ўринга профессионал мотивация чиқади; "аълочи" ва "крникарли" талабалар

шаклланишида шахснинг олий таълим муассасида билим олиш жараёнига бўлган ички интилиш тизими асосий рол ўйнашни бошлайди. Профессионал мотивация доираси ичида эса касбга нисбатан ижобий ёндашиш муҳим рол ўйнайди, чунки бу мотив таълимнинг туб мақсадлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Агарда талаба қандай касб танлаганини англаб етиб, уни жамият учун муносиб ва муҳим деб ҳисобласа, бу шубҳасиз унинг таълими қандай кечишига таъсир қилади. Бошланғич касб таълими тизими ва олий мактабларда ўтказилган тадқиқотлар ушбу ҳолатни тўлиқ тасдиқлайди.

Турли олий таълим муассасалари материаллари асосидаги тажрибалар ёрдамида танланган касбларидан биринчи курс талабалари қониқиши аниқланди. Лекин таълим жараёнининг барча йиллари давомида ушбу кўрсаткич бешинчи курсгача узлуксиз равишда пасайиб боради. Шу билан бирга олий таълим муассасасини тугатишдан бироз вақт қолганда касбдан қониқиш энг паст даражада бўлишига қарамасдан, касбга бўлган муносабат ижобий бўлиб қолаверади. Ўқиш билан қониқиш аниқ бир институтдаги таълим бериш паст даражаси билан боғлаш мантиққа яқин бўларди. Лекин шундай бўлса-да, ўқишнинг биринчи йилидаги касбдан максимал қониқишни ортиқча баҳолаш мақсадга мувофиқ эмас. Биринчи курс талабалари одатда келажакдаги касблари тўғрисидаги идеал тасаввурларига асосланадилар, лекин ҳақиқатга дучга келганда эса бу ўйлар катта ўзгаришларга учрайди, Аммо шу ўринда бошқа бир жиҳат мухимдир. "Нима сабабдан сизга танланган касбингиз ёқади?" деган саволга жавоб тарикасида асосий сабаб қилиб бўлажак касбий фаолиятнинг ижодий таркиби тўгрисидаги тасаввур кўрсатилган. Масалан, "камолотга етишиш ", "ижод билан шуғулланиш" имконияти ва бошкаларни таъкидлаб ўтадилар. Ҳақиқий ўқув жараёнига келадиган бўлсак, тадқиқотлар кўрсатишича, хусусан махсус фанларни ўрганишда биринчи курс талабаларининг фақатгина озгина қисми (30% дан ками) таълимнинг ижодий методларига эътибор бериши аниқланди.

Бир томондан қараганда, бизнинг олдимизда - касбдан юқори даражада қониқиш ва олий таълим муассасасини тугатгандан сўнг ижодий иш билан шуғулланишга интилиш, бошқа томондан эса - касб маҳоратлари асосларини асосан репродуктив ўқиш фаолияти жараёни давомида эгаллаш нияти намоён бўлмокда. Психологик жиҳатдан ушбу позициялар бир-бирига зид, чунки ижодий туртки фақатгина тегишли ижодий, хусусан таълим муҳитида шаклланиши мумкин. Бундан кўриниб турибди-ки, бўлажак касб ва уни эгаллаш усуллари тўғрисидаги реал тасаввурлар биринчи курсдан бошлаб шаклланиши даркор.

Юқори профессионал мактаблар талабалари сафидан чиқариш муаммосига бағишланган комплекс тадқиқотлар шуни кўрсатдики, энг талабалар уч предмет: математика, физика ва хорижий тил имтиҳонларидан ўта олмаганлар. Шу билан бир қаторда бунга сабаб қилиб юқорида қайд этилган фанларнинг объэктив кийинлигида эмаслиги аникланди. Булардан ташқари, талабанинг бўлажак касбий фаолиятида бу фанларнинг ўрнини яхши тасаввур этмаслиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Талабанинг ушбу фанлар бўйича ўзлаштириш унинг тор мутахассислик малакасига ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ деб ҳисоблайди. (Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда хорижий тилга бўлган муносабат ўзгарди.) Демак, талабада бўлажак касб фаолияти тўғрисида ҳақиқий тасаввур шакллантириш жараёнида битирувчиларнинг аниқ бир амалий фаолияти учун у ёки бу умумий фанларнинг аҳамиятини асослар билан тушунтириш хам муҳимдир.

Шундай қилиб, талабаларнинг таълим ўзлаштиришини оширишда касбга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бироқ, агарда ижобий муносабат касб тўғрисида тўлиқ тасаввур билан мустаҳкамланмаса (шунингдек, алоҳида фанларнинг ролини англаб етиш ҳам) ва уни эгаллаш усуллари билан боғлиқ бўлмаса, у ўз-ўзидан катта аҳамиятга эга бўлмаслиги ҳам мумкин.

Кўриниб турибдики, талабаларнинг ўзлари танлаган касбга нисбатан муносабатларини тадкиқ қилиш билан боглиқ муаммолар доирасига, яна бир қатор саволларни киритиш лозим. Булар:

1) касбдан қониқиш;
2) курсдан курсга ўтишда қоникиш динамикаси;
3) қониқишнинг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар: ижтимоий - психологик, психологик - педагогик, дифференциал - психологик ва ёш - жинс омиллари;
4) профессионал мотивация муаммолари ёки бошқа сўзлар билан айтганда танланган касбга нисбатан ижобий ёки салбий муносабатни тақозо этадиган мотивлар тизими ва иерархияси.

Ушбу айрим жиҳатлар ва умуман олганда касбга бўлган муносабат талабалар таълим фаолияти самарадорлигига таъсир қилади. Хусусан, улар профессионал тайёргарликнинг умумий даражасига таъсир ўтказади ва шунинг учун ҳам ушбу муаммо педагогик ва ижтимоий - педагогик психология масалалари қаторига киради. Лекин шу билан бирга тескари боғлиқлик ҳам мавжуд: касбга бўлган муносабатга шубҳасиз турли хил стратегия, технология, таълим методлари; шунингдек ижтимоий гуруҳлар ҳам таъсир қилади.

Касбга бўлган муносабатни диагностика қилиш психологик вазифадир. Аммо касбга бўлган муносабатни шакллантириш эса кўпинча педагогик масала ҳисобланади.

Касбдан қониқиш интегратив кўрсатикич ҳисобланиб, субъэктнинг танлаган касбига бўлган муносабатини акс эттиради. У айнан умумлаширилган характеристика сифатида жуда зарур ва муҳимдир. Касбдан қониқиш паст даражаси кўп ҳолларда кадрларнинг ишдан кетишига сабаб бўлиб, бу ўз навбатида салбий иқисодий кўрсаткичларга олиб келади. Бундан ташқари, танланган касбидан қониқишдан инсоннинг руҳий соғлиги ҳам боғлиқ бўлади. Унинг сакланишига профессионализмнинг юқори даражаси психологик стресни енгиб ўтишда муҳим омил ҳисобланади.

Шундай қилиб, касбдан қониқиш муаммоси, унинг касбий таълим жараёнига таъсирини тадқиқ этиш, бу соҳада аник бир қонуниятларни очиб бериш - буларнинг барчаси педагогика ва психологиянинг долзарб вазифалари саналади.

Касбдан қониқиш В.А.Ядов томонидан ишлаб чиқилган махсус методика ёрдамида аникланиши ва касбдан қониқиш индекси кўринишида миқдорий жиҳатдан кўрсатилиш мумкин. Ушбу индекс шундай берилганки, у -1 дан +1 гача ўзгариб, берилган чегарада исталган кўрсаткич тақдим этиши мумкин. -1 га тенг бўлган кўрсаткич очиқ - ойдин қониқмаслик ва +1 эса тўлиқ қониқиш тўғрисида хабар беради. Қоникиш коеффицентини аниқлаш учун бир неча ўзаро боғлиқ бўлган саволлар ишлатилади. Респондент уларни бир-бири билан солиштирмаслиги учун сўровноманинг турли саҳифаларида жойлаштирилади.

Бироқ касбдан қониқишнинг умумий даражасини аниқлаш, қониқиш ёки қониқмасликнинг сабаблари тўғрисида ҳеч қандай маълумот бермайди. Ушбу сабабларни очиб бериш учун тадқиқотчилар касб жозибадорлиги омилларини ўрганишга каратилган бошқа методикадан фойдаланадилар.

**Ўйин мотивлари ва ўйинни ташкил қилиш**

Таълимнинг ўйин шакллари бошқа технологиялар каби турли йўналишдаги мотивларни қўллашни тақозо этади.

1. Мулоқот мотивлари

- Ўқувчилар ўйинда интирок этиш жараёнида биргаликда маълум масалаларни ечадилар, ўртоқлари фикрини инобатга оладилар;
- Жамоа бўлиб муаммоларни ҳал этишда ўқувчиларнинг имкониятлари турли даражадалигини ҳисобга олиш керак;
- Ўйин жараёнида биргаликда ҳис этилган ҳиссиётлар ёрдамида шахслараро муносабатлар мустаҳкамланади.

2. Одоб-ахлок мотивлари:

Ўйин жараёнида ҳар бир ўқувчи ўзининг билими, малакаси, ўз характери, иродавий сифатлари, ўзларининг фаолиятга ва кишиларга муносабатини намоён қиладилар.

3. Таълимий мотивлар:

- Ҳар бир ўйин тез натижасини кўрсатади (ўйиннинг якуни), ўқувчиларни мақсадга, ғалабага етишга ва максадга етишнинг йўли (бошқалардан кўпроқ билиш кераклигини);

- Ўйинда барча гуруҳлар ва алоҳида ўқувчилар тенг (аълочилар, ўзлаштирмовчилар йўқ, ўйин иштирокчилари бор).

Натижа ўйин иштирокчисига унинг қобилияти, чидамлиги, малакаси, характери, тайёргарлигига боғлиқ.

- Ўқувчилар ижтимоий ниқобларни тақиб кўрадилар, тарихий воқеликка сингиб кетадилар ва уларнинг бир қисми сифатида ҳис этадилар;

- Ғалаба вазияти таълимий ривожланишида ижобий ҳиссиётни пайдо қилади. Муваффақияцизлик шахсий енгилиш сифатида эмас, ўйин сифатида қаралади ва таълимий фаолиятга ундайди;

- Мусобақа-ўйиннинг ажралмас қисми - у болаларни ўзига жалб қилади;

- Ўйинда доимо сирлилик бор. Жавоб излаш жараёни ўкувчини фикрлашни фаоллаштиришга ундайди;

- Фикр таълимий масалаларни ечиш жараёнида юзага чиқади. Болалар ўйинлари ташкил этишда педагогик муносабатда, бизнин

фикримизча, қуйидаги қатор вазиятларни ҳисобга олишимиз керак.

<u>Ўйинни танлаш.</u>

Ўйинни танлаш аввало, боланинг қанақалиги, унга нима зарурлиги ва қандай тарбиявий масалаларни ечишга қаратилганлигига боғлиқ.

Агар ўйин жамоавий бўлса, ўйин иштирокчиларининг таркиби, уларнинг интеллектуал ривожланиши, жисмоний тайёргарлиги, ёш хусусиятлари, қизиқишлари, мулоқот даражалари ва бошқаларни ҳисобга олиш керак.

Ўйинни танлаш, ўтказиш ўйин вақтига иқлимий-табиий шароитига, вақт сарфланишига, ўйин ўтказиш куни ва ойи, ўйин анжомларининг мавжудлиги, болалар жамоасидаги вазиятни баҳолашга боғлиқ. Ўйиннинг мақсади ўйин вазиятида анча олисда бўлиб, ўйиннинг натижаси ташки предмет ва маҳсулотлар (моделлар, макетлар, ўйинчоқлар, қўғирчоқлар ва бошқалар) кўринишидаги ижод, янги билим маъсулотларидан иборат бўлиши мумкин.

Ўйин маълум нарсага эга бўлиш шаклида намоён бўлиши мумкин, ўйиннинг фаоллик манбаи иштирокчилар ихтиёрий ўз устиларига олган

масалалар, ўйин ижодкорлиги ва мусобақалашиш руҳи ҳисобланади. Ўйинда бола томонидан турли даражадаги ўзаро боғлиқ бўлган бир неча мақсадлар амалга оширилади.

1-мақсад - ўйин жараёнидан қониқиш ҳисси. Бу мақсадда қувонч келтирувчи ҳар қандай фаолликка тайёрлик мужассамлашган.

2-даражадаги мақсад - функционаллик, бу ўйин қоидаларини бажариш, сюжет ва ролларнинг тақсимланишида акс этади.

3-даражадаги мақсад - ўйиннинг ижодий топшириқлари - топиш, ўрганиш, чигалликларни ечиш, натижага эришиш ва бошқалар.

Болаларга ўйинни таклиф қилиш.

Болаларга ўйинни таклиф қилишдаги бош масала ўйинга кизиқиш уйғотиш, яъни тарбия мақсадлари ва гўдакнинг хоҳиши муштарак бўлишида.

Ўйинни таклиф қилишга унинг қоидаларини ва бажариш техникасини тушунтириш киради. Ўйинни тушунтириш жуда муҳим вазиятдир. Ўйинни қисқа ва аниқ тарзда, унинг бошланишидан олдин тушунтириш керак. Ўйинни тушунтиришга, ўйиннинг номи, унинг мазмуни, асосий ва иккинчи даражали қоидалари, шу билан бирга ўйин иштирокчиларининг таркиби, ўйин анжомларининг аҳамиятини тушунтириш киради.

Ўйин майдончаси архитектураси, безатилиши ва жиҳозланиши.

Ўйин ўтказиш жойи ўйин сюжетига, мазмунига мос бўлиши, ўйин иштирокчилари сонига мос ўлчамга эга бўлиши, хавфсиз, гигиеник нормативларга мос, болалар учун қулай бўлиши, чалғитувчи фактор бўлмаслиги керак.

Ҳовлида мактабда ўтказиладиган болаларнинг ёш хусусияти, талабларига мос ёрқин, бепоён, романтик, эртакнамо, ихтиёрий ўйин аритектура ва мазмун ечимига эгаликни талаб этади.

Командаларга, гуруҳларга бўлиниш, ўйинда ролларнинг тақсимоти.

Ўйин ўтказиш учун тузилган болалар жамоаси ўйинчилар жамоаси деб аталади. Болаларнинг ўйин иштирокчиларининг микроколлектив саноқ ёки қуръа ташлаш ёрдамида бўлинишида тўпланган демократик усуллари мавжуд.

Болалар ўйинларининг муҳим қисми роллар тақсимотидир. Улар фаол ва пассив, асосий ва иккинчи даражали бўлиши мумкин.

Тақсимот боланинг жинси, ёши, жисмоний имкониятига боғлиқ бўлмаган ҳолда олиб борилиши керак.

Болага қайси рол асосан фойдали эканлигига қараб, тарбиячи қуйидаги усулларни қўллайди:

- Роль бевосита тарбиячи томонидан таксимланади;
- Роль бошқарувчи (капитан, бошловчи) томонидан тақсимланади;

- Конкурс ва танловлар натижасига кўра роллар тақсимланади (энг яхши лойиҳа, либос, сценарий муаллифи каби);

- Боланинг хоҳишига кўра ихтиёрий рол танлаш;

- Ролни навбатма-навбат бажариш.

Буйруқ бериш билан боғлиқ ролларда ўзига ишончи йўқларда ўзига ишонч уйғотиш, фаол эмаслар фаолликка эришишларига, интизомсизларни ташкилотчи бўлишга, баъзи болаларнинг обрў-эътиборини тиклашга, янги ўқувчиларга, болалар коллективидан четда бўлган болаларга ўзларини кўрсатиш, бошқалар билан дўстлашиш имконияти яратилади.

Ўйин муҳитини ривожлантириш

Ривожлантиришда ўйин иштирокчилари ўрнини алмаштириш, ўйин қоидаларини мураккаблаштириш, муҳитни ўзгартириш, ўйин жараёнини ҳиссий бойитиш тушунилади. Ўйин иштирокчилари ижтимоий фаол бўлиб, ўйин сўнгигача ўйин вазифаларини билмайдилар.

Ўйинчиларнинг ўйиндан қизиқиш ва қониқиш механизми такриб топади.

Ўйинни ташкил қилишнинг асосий тамойиллари:

- турли кўринишдаги тазқийларни ўйин жараёнида бўлмаслиги;
- ўйин динамикасининг ривожланиш тамойили;
- ўйин атмосфера сақлаш тамойили;
- ўйин ва ўйиндан ташқари фаолият боғлиқлиги тамойили;
- ўйин шаклида оддийдан мураккабга ўтиш тамойили.

Шуниси аниқки, интеллектуал ўйин - тарбиявий, таълимий қиймат, унда иштирок этган педагогларга боғлиқ бўлади.

Ўқитувчи олдидаги вазифа:

- ёш хусусияти натижаларига таяниши;

- аниқ даврнинг потенциал имкониятларини мобилизациясига интилиш;

- кейинги ёш даври учун "асос" тайёрлаш, яъни фақатгина ҳозирги даражага эмас, балки яқин ривожланиш муҳити мотивланиш ўқув фаолиятига тадбиғи. Ўйин шаклидаги дарс маълум қоидаларга асосланади:

1. Дастлабки тайёргарлик. Саволларни ва ўтказиш шаклини муҳокама қилиш. Роллар аввалдан тақсимланган бўлиши керак. Бу таълимий фаолиятни ривожлантиради.

2. Ўйиннинг доимий атрибутлари: жиҳозланиши, шаҳар харитаси, шох учун тож, мебелларнинг етарлича ўринларини алмаштириш орқали янгилик муҳити, кутилмаган ва дарсни эмоционал бойитишга хизмат қилади.

3. Ўйин натижасининг мажбурий констатацияси

4. Салоҳиятли ҳакамлар.

5. Таълимий характерга эга бўлмаган зарурий ўйин моментлари (қўшиқ айтиш, отда юриш ва бошқалар) диққатни тақсимланиши ва толиқишнинг олдини олади.

**Ўйин таълим методи сифатида**

Педагогик ўйиннинг аҳамияти

Ўйиннинг аҳамиятини креатив эрмак имкониятларини ҳисобга олмасдан баҳолаш мумкин эмас.

Унинг феномени ҳам шунда мужассамлашган, дам олиш, эрмакдан ўйин таълимга, ижодга, терапияга, инсоний муносабатлар типига ва меҳнат жараёнининг бир кўринишига томон ўсиб бориши мумкин.

Ўйиндан катта авлод тажрибаларини ёш авлодга колдиришдан таълим методи сифатида қадимдан фойдаланиб келганлар. Ўйиндан халқ педагогикасида, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида кенг миқёсда фойдаланадилар.

Ўқув жараёнини фаоллаштиришга урғу берилаётган замонавий мактабларда ўйин фаолиятидан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- Ўқув предметида тушунчанинг, мавзунинг ва ҳаттоки бўлимнинг мустақил ўрганиш технологияси сифатида;
- Бошқа каттароқ технологиянинг элементи сифатида;
- Дарс ёки унинг бирор қисми сифатида;
- Синфдан ташқари иш технологияси сифатида.

"Ўйинли педагогик технологиялар" тушунчаси педагогик жараёндаги турли шаклдаги етарлича кўп методлар ва воситаларни ўз ичига олади.

Педагогик ўйинлар қуйидаги жиҳатларига кўра оддий ўйинлардан фарқ қилади: аниқ белгиланган мақсадга эгалик ва маълум педагогик натижага эгалик, ўқув-таълимий йўналишнинг аниқ намоён бўлиши ва тавсифланиши.

Дарсда ўйин машғулоти шакллари ўқув машғулотига руҳлантирувчи ва ундовчи ўйин усуллари вазиятлари ёрдамида ташкил этилади.

Дарс машғулотларида ўйин усуллари ва вазиятлари қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади:

- ўқувчилар олдига қўйиладиган дидактик мақсад ўйин шаклида бўлади;
- Таълим фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунади;
- Ўқув материалидан ўйин воситаси сифатида фойдаланилади;
- Дидактик топшириқнинг муваффақиятли якунланиши ўйин натижасига боғлиқ бўлади.

Ўйин – оилавий ҳаёт ва касбий фаолият мактаби, унда инсоний муносабатлар ўрганилади.

Оддий таълимдан фарқи шуки, инсон ўйин жараёнида ниманидир ўзлаштираётгани ҳақида шубҳаланмайди.

Оддий мактабда билим манбаини кийинчиликсиз кўрсатиш мумкин. Бу ўқитувчи бўлиб - таълим берувчи шахсдир. Таълим жараёни монолог шаклида (ўқитувчи тушунтиради, ўкувчи тинглайди), диалог шаклида (ўқувчи маълум нарсани тушунмаса савол беради ёки ўқитувчи назорат сифатида ўқувчиларга савол беради).

Ўйинда осон аниқланадиган билим манбаи ёки таълим олувчи йўқ. Ўйинда таълим жараёни ҳаракатлар билан ривожланиб боради, ўйиннинг барча иштирокчилари фаол мулоқот натижасида бир-бирларидан ўрганадилар ва бир-бирларига ўргатадилар.

Ўйиннинг асосий вазифалари

Таълим жараёнидаги ўйин технологияларининг ўрни ва аҳамияти ўқитувчи томонидани педагогик ўйинлар функциясини тушунилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Ўйиннинг функцияси - унинг турли даражадаги фойдалилиги. Ҳар бир ўйин тури ўзининг фойдали томонига эга.

Педагогик феномендаги ўйиннинг муҳимроқ бўлган функцияларини кўриб чиқамиз.

Ўйиннинг ижтимоий-маданий йўналтирилганлиги.

Ўйин - гўдак ижтимоийлашувининг кучли воситасидир, ўзида ижтимоий назорат жараёнларини шахс сифатида шаклланиш, билимларни ўзлаштириш, жамият ва алоҳида гуруҳларга тегишли маънавий қадриятлар, нормаларни ва инсон шаклланишига таъсир этувчи бошқа жараёнларни англашни мақсад қилиб олади. Ўйиннинг ижтимоий-маданий йўналтирилганлиги ўзида инсон томонидан маданий бойликларни, тарбия потенциясини ва унинг жамоани тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида шаклланишининг синтези мажмуасидир.

Миллатлараро коммуникация функцияси

И.Кант инсониятни энг мулоқот жонзот деб ҳисоблаган. Ўйинлар миллий ўйинларга шу билан бирга миллатлараро ва умуминсоний ўйинларга бўлинади. Уйин ҳаётий вазиятларни моделлаштириш, конфликлардан чиқиш йўлини тажовузкорликларсиз излаш, туйғулар хилма-хиллигини, ҳаётий жараёнларни ҳис қилишга ўргатади.

Ўйинда инсонни ўз-ўзини ривожлантириш функцияси. Бу ўйиннинг асосий функцияси. Инсон учун ўйин ўзини шахс сифатида намоён қилиш жараёнидир. Бунда ўйин жараёни мусобақа асосида қурилгани ва мақсадга интилишларни унинг натижасидан кўра муҳимроқдир. Ўйин жараёни - ўз-ўзини ривожлантириш муҳитидир. Инсоният тажрибаси инсондаги мавжуд

бўлган муаммолар ечимини топиш ва уларни бартараф этиш модели сифатида доимо ўйин вазиятларида қўлланилади.

Коммуникатив ўйин

Ўйин аниқ қоидалар асосида ташкил этилса ҳам коммуникатив фаолиятдир. У иштирокчини мураккаб инсоний муносабатларнинг аниқ контекстига олиб киради. Ихтиёрий ўйинчилар жамоаси - жамоа, ҳар бир иштирокчига коммуникатив ташкилий қисм сифатида ва кўпгина коммуникатив алоқалар боғловчиси сифатида қаралади. Агар ўйин кишилар мулоқоти шакли бўлса, унда биргаликдаги ҳаракат, ўзаро тушуниш, биргаликда қарор қабул қилиш каби. Мулоқотларсиз уни тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўйиннинг диагностик функцияси.

Диагностика - диагноз қўйиш жараёнини билиш қобилиятидир.

Ўйин башоратлашга асосланади, у инсоннинг бошқа фаолият турларига нисбатан диагностикроқдир. Биринчидан, индивид ўйин жараёнида ўзини максимал намоён килади (интеллектуал, ижодий). Уйин ўз-ўзига - бу "ўзини кўрсатиш" майдонидир.

Ўйиннинг уйин терапевтик функцияси.

Уйин инсон хулқ-атворида пайдо бўладиган, ўқишдаги, атрофдагилар билан мулоқотдан турли кийинчиликларни енгишда қўлланилади ва қўлланилиши керак.

Ўйиннинг терапевтик аҳамиятини баҳолар экан Д.Б.Элконин шундай ёзган эди: "Уйин терапиясининг самарадорлиги ўқувчи ролли ўйинлар жараёнида эга бўладиган янги ижтимоий алоқалар амалиётида намоён бўлади".

Ўйинда коррекция функцияси

Уйиндаги психологик коррекцияси табиий равишда бўлади, қачонки, ҳар бир ўқувчи ўйин қоидаси ва сюжетини ўзлаштирса, ўз ролини эмас, партнерлари ролини ҳам яхши билмаса агар ўйин жараёни ва максади уларни бирлаштиради.

Коррекцион ўйинлар хулқ-атворида ўзгаришлар бўлган ўқувчиларга тенгқурлари билан мулокотда ҳалақит берувчи, ўзини яхши тутишга монелик қилувчи ташвишларни енгиб ўтишда ёрдам беради.

Ўйиннинг эрмак эканлиги функцияси.

Эрмак - бу турли-туманликка қизиқишдир. Ўйиннинг эрмакли фукцияси маълум камфорт яратиш, ёқимли атмосфера жорий этиш, калб қувончи, ҳимоя механизмини ишга тушишидир. Уйиндаги эрмаклар - изланишдир. Ўйин тасаввурга озука бера оладиган эрмаклардан иборат сеҳргарликдир.

## Савол ва топшириқлар:

1. Психологияда "мотив" деганда нима тушунилади?
2. Шахснинг асос талабларининг тузилмаси қандай?
3. Муваффақият ва омадсизилик кўрқуви мотивациясининг асосий хусусияти нимадан иборат?
4. Мотивацияни ўрганишнинг қандай метод ва методикаларини биласиз?
5. Меҳнат фаолияти ва касбий таълимнинг муваффақиятли кечишида профессионал мотивациянинг роли қандай?
6. Профессионал манфаатлар ва касбга бўлган муносабатни ўрганишнинг қандай методикаларини биласиз?

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:


1. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастур"и, "Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори". - Т., Шарқ нашриёти. 1997 й. 65-бет.
2. Мавлонова Р.А. в\б. "Педагогика", (дарслик)- Т., Ўқитувчи нашриёти. 2002 й.
3. Мавлонова Р.А. Бошланғич таълимда инновация, (методик қўлланма) -Т., ТДПУ нашриёти 2007 й.
4. Битюков П.И.Педагогическая технология и ее элементяы: М., 2002 г.
5. Жўраев А. Тарбиявий дарслар ўтиш. Т.: "Ўқитувчи". 1994 й.
6. Ҳасанбоева О. Куни узайтирилган гуруҳларда тарбиявий ишлар. Т., "Ўқитувчи". 1994 й.
7. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. Т.: "Фан" 1994 й.
8. Иномова К.М. "Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси". Т., "Фан". 1999 й.-151 б

# 3-МАВЗУ: МОСЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Масулиятли таълимда бола мотивациясини ошириш. Ўқитувчининг тушунтиришларига диққат қилмайдиган ўқувчилар бошқаларни чалғитади ва ўқитувчининг доимий безовталиги манбаи саналади. Дарс учун ажратилган вақтдан самарали фойдаланиш лозим, ўқитувчи хулқ-атвор билан боғлиқ муаммолари чалғимаслиги керак. Турли хил эътирозлар, огоҳлантириш ва чўчитишлар хулқ-атворни назорат қилишнинг зарурий, текширилган воситаси эканига қатъий ишонган педагоглар ўқувчиларнинг ғашига тегади.

Аслида ўқитувчи ва ўқувчилар топшириққа турлича назар билан қарайдилар. Ўқитувчилар қисқа муддат ичида ўқувчиларнинг бутун гуруҳини маълум кўникмага ўргатишни истайдилар. Дастур уларнинг қўл-оёғини боғлаб қўяди. Ўқувчилар эса кўпинча муваффақият қозонмоқчи бўлади. Бу каби истиқбол бўлмаса, топшириқдан «қочиб» қутулмоқчи бўлишади. Вазиятни идрок этиш ва баҳолашдаги тафовут ҳақида сўз юритиш мумкин. Рағбатлантиришлар худди чўчитиш каби ахволни яхшилай олмайди. «Мослаштириш стратегияси» ўқитувчи ва ўқувчининг турли қарашларини «уйғунлаштириш», мувофиқлаштиришга чақирилган. Бошқача айтганда унинг мақсади - ўқитувчи ва ўқувчиларни бир-бирини тушунишга ўргатиш.

Болани ўринли, мос саволлар бериш билан, педагог унинг нуқтаи назарини тушуна бошлайди, нималарни бошқача ва қай тарзда бажаришни англай олади. Шу тариқа болани фаолиятга ундаш мумкин. У ўқитувчига ахборот беради, шундан сўнг улар бирга ишлашлари мумкин. Ўқитувчи топшириқ қандай бажарилиши лозимлигини буюрибгина қолмай, балки болага саволлар қўяди, бу билан нима «мумкинлигини» аниқлайди, сўнг болани шуни бажаришга ундайди.

Таълим - механик тарзда ёд олиш дегани эмас, балки янги мазмунни фаол яратиш.

Ўқитиш - таълим жараёнига ундаш ва уни қўллаб-қувватлаш. Биз таълим жараёнида фаол қатнашувчи, ўз қарашлари учун масулиятни ҳис этувчи катта бир синфмиз.

Инсон хулқи ҳақидаги ҳар қандай таълимот шахс тўғрисида тасаввурлардан бошланиш керак. Хулқ манбаи биологик ва психологик эҳтиёжларда яширин, деган фараз мавжуд. Учта асосий психологик эхтиёж фарқланади, мулоқотга, билим (компетенцияга) ва мустақиллик (автономияга) эҳтиёж. Шахс учун бу эҳтиёжлар атроф-муҳитга тегишли реакцияни танлашнинг ички стимули саналади. Ташқи ҳолатга адекват

реакция қилиш учун у ҳақида билимлар, уни бошқара олиш, содир бўлаёттан ҳодисаларни назорат қила билиш талаб этилади. Ривожланиш учун энг яхши муҳит «сезгир», яъни қўллаб-қувватлайдиган ва шахс танловини таъминлайдиган муҳитдир. Бироқ ҳамма нарса ички мотивларга боғлиқ эмаслиги ҳам аниқ. Атроф олам маълум хулқни ташқи кутилган хулқ билан ўхшатади ва реал хулқни шакллантиради. Бу жараён боланинг атроф-муҳит талабларига ўзининг мувофиқлиги ё номувофиқлигини тушуниши ва улар учун масулиятни қабул қилиш билан боғлиқ. Мутлақо ёш болалар ва катталар: ота-оналар, ўқитувчилар ўртасидаги муносабатлар «ишончга» асосланади ва бу сифат атроф-муҳитга мослаштириш жараёнида асосий ўрин тутади.

Болалар мактабга ўз компетенциясини кенгайтириш билан боғлиқ онгли мақсад билан келади ва баъзан бу борада муайян ғояси ҳам бўлади. Улар ўз ривожланишида олдинга кўчиш, ўзи ва бошқаларга нимага қодир эканини кўрсатиб қўйишни исташади, бироқ формал дастурни ўрганиш бошланғич, тез орада болаларнинг ривожланиш суръатларида тафовутлар кўзга ташланиб қолади. Болаларнинг ўзлари ҳам, ўқитувчилар каби «ягона» талабларга доим жавоб бера олмаслигини тан олишга мажбур. Синфнинг бир қисми дастурни бажариш учун компотент эмаслиги ҳақида хулосага келиши мумкин. Бу ўқувчиларнинг бўлинибқолишига сабаб бўлади. Муваффақияциз ўқувчи ўзига «иш ахтариб» қолади, ва ўқитувчининг назарида ёмон репутация: «тез чалғийди», «диққатни жамлай олмайди», «тиниб тинчимас» каби ном олади.

Ўқитувчи педагог фаолиятни олиб боришга ҳалақит беради. Психологик тўсиқлар, «комплекслар»ни яхши ўзлаштириб бошдан кечиб ва улардан кечиши зарурдир. Педагогнинг хулқнинг ва ички дунёсининг стандартлаштириши педагогнинг фаолиятида йўл юриқ қонунлари жуда катта аҳамиятга эгалиги билан кузатилади. Онгда педагогик фаолиятининг шахссиз тайёр намуналари кўпайиб боради. Бироқ жамиятнинг ривожланиши ўкитувчидан педагогик хулқни, яъни актив ва тизимли ижодни унинг педагогик фаолиятида талаб қилади. Ўқитувчининг педагогик фаолиятини олиб боришга ҳалақит берадиган психологик тўсиқларни умумлаштириб янгилик киритишларга ўқитувчиларнинг кўпроқ қаршилик билдиришни келтирадиган сабабларни таъкидлаб ўтиш зарур.

1. Ўзгаришнинг мақсади ўқитувчиларга тушунтирилмаган яширин ва гапнинг икки маъноси хавотир ва номаълумликни келтиради. Номаълумдан қўрқуви ҳар қайси янги усулга ўкитувчиларни йўллаши мумкин.

2. Ўқитувчилар янгиликни киритишда режалашувида ва ишлаб чиқаришда қатнашмаганлар.

3. Жамоа анъаналарини диққатга олмаслик ва ўз ишининг одатий усули.

4. Янги усулларга субъэктив муносабати ва қўрқув, статус йўқотиш хислари.

5. Иш ҳажмининг кўпайиши раҳбар ўқитувчилар фаолиятида ўзгаришларни режалаштирмаса, шунда қўрқиш пайдо бўлади.

6. Янгилик киритувчи инициатори (ғояли одам) хурмат ва ишончга эга бўлмаса. Афсус, кўпинча ўқтувчилар лойиҳага эмас, унинг муаллифига қарайди. Агар бу инсоннинг ҳурмати кичик бўлса, педагог унинг қадрилигига қарамай, бу одамга ишончсизлиги унинг ғоясига ўтказилади. Ўқитувчи ижодининг муаммоларини шахсиятнинг ахлоқий муносабатига қараб мулоҳаза қилиш мумкин. Қанча одамдан фойдали ғояларни топса, шунча унинг савобий кучига қаратилган ёки эгоистик ҳислар уни бошқаради деб уни жавобгар деб қўяди. Агар ижодий активлик асоссиз ва

абсолют қадриятларга эътиборини қаратмаса, демак бу активлик жуда хавфли. Ёш ўқитувчининг билим бериш ва касбий фаолиятида ижодий ривожланиши учун кўп вариантли ечимларга олиб борувчи машқларни топмаганлар. Клари М.Внинг «Чет эл педагогик изланишларда таълимотнинг педагогик моделлари» монографиясида катта синф ўқувчилар билан дарсларни ташкиллаштириш асосига киритилган қуйидаги масалалар тақдим этилади:

Ижодий яратишларда ички тўсиқларни йўқотиш. Ўқувчилар ижодий изланишга тайёр бўлса, уларга ўқувчилар ва ўқитувчилар билан ўзаро муносабатларда ўзида ишончни ўрнатишга ёрдам бериш лозим. Уларнинг қабул қилинадими ёки улар устидан куладими, хавотирланишига йўл қўймаслиги керак. Улар хато қилишдан қўрқмаслиги керак:

Онгсизлик ишга эътибор бериш. Агар муаммо диққатнинг марказида жойлашмаса ҳам, биз миянинг онгсиз қисми унинг устида ишлайди. Айрим ғоялар бир ойга чиқиб қолса: уларни вақтида эсалаб қолиш керак, ҳамда тушунтириб, жойлаштириб қўйиш ва фойдаланиши керак:

Баҳолашдан четда юриш. Бу ҳам ўқувчиларнинг ғоялар оқимини кенгайтириш, муаммонинг устидан эркин фикрлашига кўпроқ вақт ва эътибор беришга имконият беради.

Ўқувчиларга ижодий изланиш ва янги тасаввур - боғланишларнинг топилиши учун метафора ва ўхшатишларни ишлатилишига имконлар ҳисобига кенгаяди.

Ўрта ва олий мактабларда ихтиролар билан ишлаши образли тафаккурга чақириш, образларнинг яратилишида ва уларни англашига йўналишида спанталликнинг бирлашувини киритади.

Ақлий машқлар имкониятини бериш. Бошқа ҳолатларда ўрганиши учун ўқувчиларга машқлар берилади; сабаби - ечимни топиш ҳолатда улар ўзгача ҳис этади, ўзини йўқотишга йўл қўймаслик;

Тасаввурнинг активлигини қўллаб - кувватлаш бу ижодий ўйлашнинг асоси бўлади. Тасаввурни, ҳаёлни ўз жойига қўйиш, уларни назорат қилиш. Ички озодалик, яратиб бўлгандан сўнг, ҳамма гаплар мулоҳаза қилинади ва кўринади;

Ўзлаштиришни ривожлантириш, сезиш, ўзлаштиришни кенгайтириш ва тўлдиришларни кучайтириш:

Ўқувчиларга уларнинг ижодий фаолиятида маъносини умумий йўналишларини англашга ёрдам бериш, ўз имкониятларнинг ривожланишини билиш. Шундай тушунчасиз ижодий фаолиятини кучайтирадиган машқлар ўйин деб ўзлаштирилади.

Боя санаб ўтилган маслаҳатлар эркин мулоқотда, фикр-алмашувда, ижодий баҳслашувда экспериментал иш жараёнида бўлиб ўташи мумкин. Машғулотларнинг ташкилотида шарт-ўқувчиларни ижодга шахсий киритиши экан. Шундай таълим билим, идрокларни шахсият соҳасининг шаклланишига киритади, катта синф ўқувчилари очиқ, ўзлаштириш ва бошқа нуқтаи назарини тушуниши учун қобилиятларни ривожлантиради.

Мисол учун қобилиятлар ривожланишининг натижасини кўриб чиқамиз: «Шуни кўриб ўтиш керакки, ҳозир нималарни мулоҳаза қилса, ҳаммаси тушунармикан... Нимага у ўз қарашга мени ишонтирмоқчи?». Менимча: «маълумотларим етарли эмас: етмаган тўла - тўкисларни билиб олсам, яхши бўлади... У ноҳақ деб билдиряпманми, ёки очиқчасига ўз муносабатимни билдиряпман? Бу ҳолда ишончлироқ ва мен ўз фикримни ўзгартиришим керак»...

Ўқувчиларда ижодий фикрлаш ривожланиш методларини ва мазмунини дидактик излаш билим ва усулларини шакллантиришда олиб келди. Шундай тадқиқий ориентация ўқув жараёнига педагогик ёндашувни ўзига киритади, шуларда таълимнинг мақсади ёш ўқитувчиларда янги тажриба, касбий - тадқиқий фаолиятнинг қуролланишининг, ролли ва ўхшатиш моделлашларини ўзлаштириши имкониятини яратади.

Болалар томонидан мазмунан маълумотларни ўзлаштириши билан боғлиқ бўлган конкрет шаклларда мурожаат қиламиз. Таълим моделларининг мисоллар орасида биз муаммоларни тизими ечими асосида ижобий изланишнинг ташкиллаштиришини баҳслашув ва дидактик ўйинларини ажратамиз.

Санаб ўтилган моделлар орасида биз дидактик ва ролли ўқув ўйинларга алоҳида жой берамиз.

Дидактик ўйинлар методикасинниг асосийлари уларнинг тизимида ўрнатилган, шу ерда 4 босқични ажрата бўлади.

Ориентация - ўрнатиладиган мавзунинг тасаввури, ўхшатилиши ва унинг қоидалар ҳарактеристикаси, ўйин мулоҳазаларининг баёни, ўйин ўтказишда унинг саҳналаштириши, ўйин мазмунининг деталлар ишлаб чиқариши катта аҳамиятга эга. Саҳна - бу ўйиннинг ташкилий ва сюжетли схемаси, умумий режа, экан.

Саҳна одатда ўз ичига шундай билимларни киритади: қийин ҳолатнинг тасвири, ўйин атрибутлари: ўйин ҳаракатларининг ўйин қатнашувчиларнинг репертуар ишлаб чиқариш; ўйин қатнашувчилар учун методик кўрсаткичларни яратиш.

## Савол ва топшириқлар:

1. Инновация турларига мисоллар келтиринг.
2. Психологик тўсиқларни енгиш учун ўқитувчи нималарга эътибор бериши керак?
3. Педагогик ва психологик тўсиқларга мактаб жараёнидан мисол келтиринг.
4. Индентификация нима?
5. Антипедагогик тўсиқ тушунчаси.
6. Психологик тўсиқларнинг келиб чиқиш сабаблари?

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:


1. «Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» – Тошкент: Шарқ, 1997-65 б.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат». Тошкент: Ўзбекистон 1992-62 б.
3. Р.А.Мавлонова ва б. “Педагогика”. Т., Ўқитувчи. 2008 й.
4. Р.А.Мавлонова, Н.Рахмонқулова. “Бошланғич таълимда инновация”. Т., ТДПУ. 2007 й.
5. Очилов М. «Ахлоқий тарбия». – Тошкент: Ўқитувчи, 1979, – 232 б.

# 5-МАВЗУ: «ПЕДАГОГИКА» ВА «УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ» ФАНЛАРИНИ ИНТЕГРАЛЛАШ

**Режа:**

1. Ўқитувчининг жамиятда тутган ўрни ва унинг психологик хусусиятлари.
2. Ўқитувчига ижтимоий талаблар.
3. Ўқитувчининг психологик сифатлари ва бошқариш услублари.

«Педагогика» — лотинча сўз бўлиб «педа»-бола, «логика» эса етаклаш яъни бола етаклаш деган маънони билдиради. Умумий қилиб айтганда тарбия ҳақидаги фандир. Тарбия бу ижтимоий ҳаётнинг зарурий ҳодисаси ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики, педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни етук инсон қилиб тарбиялаш учун таълим — тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлар ва амалга ошириш йўлларини ўргатувчи фан ҳисобланади. Педагогиканинг тарбия соҳасидаги объэкти ўсибкелаётган ёш авлод бўлганлиги учун педагогика инсонни ўрганувчи фанлар билан ҳам боғланади. Булар: *умумий* анатомия ва одам физиологияси, айниқса болаларнинг анатомияси ва физиологияси педагогларнинг ёш анатомияси ва физиологияси педагогикага яқин бўлган фанлардир. Педагогика умумий психология, болалар психологияси, педагогик ва ижтимоий психология билан чамбарчас боғлангандир. Шунингдек, педагогика умумий ва мактаб гигиенаси, психогигиена соҳасидаги илмий маълумотларга таянади. Педагогика ижтимоий фанларга ҳам яқиндир. У фалсафа, экономика, социология, этика, эстетика каби фанларнинг маълумотларидан кенг фойдаланилади. Демак, педагогика ва умумий психология бошқа фанларга қараганда кўпроқ бир-бирлари билан боғланган. Мисол учун «Педагогика» дарслигидаги ИИИ боб «Бола шахсининг ривожланиши, тарбияси ва камолати» мавзусида қуйдагилар баён қилинган. Ўсиб ва ривожланиб келаётган инсон тарбия объэкти ҳисобланади. Инсоннинг ҳаёти давомида ривожланиш жараёни давом этади. Инсонда турли ўзгаришларни, жисмоний психик, миқдор ва сифат ўзгаришларни ўз ҳаёти давомида кечириб боради. Одамзодда бўладиган жисмоний ўзгаришларга унинг бўйининг ўсиши, вазнинг оғирлашиб бориши, суяк ва мушак системаларини, ички органлари шу билан бирга асаб системаларининг ўзгариши киради.

• Ирсият—бу генетик дастурда берилган сифатлар ва хусусиятларнинг ота-оналардан болаларга ўтишидир.

•«Муҳит» - деганда кишига таъсир этадиган ташқи воқеаларнинг йиғиндисини тушунамиз. Бунга табиий муҳит (географик), ижтимоий муҳит, оила муҳити ва бошқалар киради. Улар болаларнинг ривожланишига алоҳида таъсир этади.

•Тарбия-бирор мақсадга қаратилган процесс, у доимо муайян программага эга бўлади ва бунинг учун махсус ваколатга эга бўлган кишилар томонидан амалга оширилади. Ҳаммамизга яхши маълумки, боланинг лаёқатини ривожлантириш, қобилиятли болага айлантириш ва ҳаётга мос қилиб ўстириш учун кўп меҳнат қилиш керак. Махсус муассасаларида тарбиячининг рахбарлигида амалга ошириладиган тарбия жараёни етакчи ҳисобланади. Чунки, тарбия бу муҳит таъсири бера олмаган фазилатларни ўзлаштириб ва билим, маълумот эгалланади. Тарбия туфайли туғма камчиликларни ҳам ўзгартириш мумкин. Масалан, кўрлар, гунглар ҳам ўқитилиб соғлом ишлар қаторига тайёрланади. Ўқитувчи—тарбиячилар ўқувчиларнинг барча ёш даврлари жисмоний ва рухий тараққиётларидаги ўзгаришлари, уларнинг ўзига ҳос ҳусусиятлари тўғрисида етарли маълумотга эга бўлишлари лозимдир. Бу маълумотлар ўқитувчининг баъзи масалаларини ижобий ҳол қилиш учун, ўқувчиларга педагогик таъсир ўтказиш режасини тузилиши учун зарурдир. Энди «Умумий психология» дарслиги билан солиштириб кўрамиз.

«Психо»-жон, руҳ-«логос»-фан яъни психология руҳ ҳақидаги фандир. У кишининг ички руҳий дунёсини ўрганувчи фандир. Психология фанидан, тараққиётига эрамиздан аввал яшаган Арестотел асос солган. Ҳает сезгидан бошланади. Биз ташқи воқеаларни, ходисаларни, сезгилар орқали қабул қиламиз, фақат сезиб қолмай уларни бутун холида идрок этамиз. Нарса ва ҳодисалар ҳақида фикр юритамиз, гапирамиз бу эса тафаккур ва нутқ жараёнларига боғлиқ. Кўрган, билганларимизни эслаймиз, бу хотира. Инсонда сезги, диққат, идрок, хотира, тасаввур, тафаккур, хаёл, нутқ, ҳис -туйғу ва ирода каби психик жараёнлар киради. Ана шу жараёнларнинг активлашиши ёки сусайиши психик ҳолатлар дейилади. Уларга қувноқлик,хурсанд бўлиш, ғазабланиш, уялиш, нафратланиш, паришонлик ва қўрқиб кетиш киради. Инсоннинг (психик хусусиятларига) характер, қобилият ва темперамент киради. Психология фани юқорида саналган психик жараёнлари, психик ҳолатлар ва психик ҳусусиятларини ўргатади. У қуйидаги тармоқларни ўз ичига олади.

•Умумий психология.

• Болалар психологияси (бу кичик ёшдаги, мактаб, ўртада катта мактаб ўқувчилари билан шуғулланади).

• Таълим психологияси асарлари.

• Педагогика психологияси.

• Медицина психологияси.

• Космос психологияси.

• Суд психологияси.

• Савдо психологияси.

• Ҳарбий психологияси.

• Махсус психология.

• Спорт психологияси.

Юқорида айтиб ўтиладиганларининг барчаси ҳозирги замон психологиясининг бир қанча фанлар билан чамбарчас боғлиқлигидан далолат беради. У философия фанлари, табиий фанлари, ижтимоий фанлари ўртасида жойлашган ва катта, оралиқ мавқеига эга бўлган фандир. «Умумий психология» дастуридаги «Шахс» яъни «Психологияда шахс тушунчаси» мавзусини кўриб чиқамиз умумий мақсадни кўзлаш яъни эҳтиёжлар, қизиқишлар*,* *қ*обилиятлар, асосий эҳтиёжлар асосида вужудга кэеладиган мақсадлар, интилишлар мотивлар ҳар бир киши шахсини характерлаб беради. Ана шу кўзланган мақсад кишини актив, фаол бўлишга атрофдаги муҳитга муайян муносабатини билдиришга ундайди. Шахснинг кўзланган мақсади эҳтиёжлар яъни одам бирор- бир нарсага зарурият сезиш таъсирида таркиб топади. Эҳтиёжлар киши организмининг овқат, кийим- кечак, уй- жой, ҳаракат қилиши, дам олиш ва бошқаларга бўлган талабини бажариши зарур. Шу талаблар билан боғлиқ биологик эҳтиёжлар ва ижтимоий ээҳтиёжлар бўлади. Эҳтиёжлар ҳис - ҳаяжон билан маҳкам боғлангандир.

**Қизиқишлар ва майллар.**

Қизиқиш деганда кишининг нимагадир эътибор беришига, қандайдир предмет ва ҳодисаларни билишга интилиши тушунилади. Қадайдир фаолиятга интилиши «майл» дейилади. Қизиқиш ва майллар кишининг эмоционал ҳаёти билан маҳкам боғлиқдир.

Қизиқишларнинг мазмуни кишининг бирор йўлни тутганлигини, у ҳаётда ўз олдига қўйган мақсадини билдиради. Қизикишлар чуқурлиги кишининг умумий ривожланиши ва майл билан боғлиқдир. Қизиқишлар бевосита ва билвосита ҳам бўлади.

Бевосита ўзидан-ўзи бирор нарса ва ходисаларини билишга қизиқади.

Билвосита қизиқиш эса маълум бир нарсага қизиққанда шунга боғлиқ бўлган иккинчи бир нарсага қизиқишлар туфайли мажбурий бир ҳолда юзага келади.

Эҳтиёжларни ривожлантириш, танлаш ва тарбиялаш, уларни ҳозирги жамият кишисига ҳос бўлган маънавий юксаклик даражасига олиб чиқиш шахсни шакллантиришнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда шахс психологияси шахсни тарбиялаш педагогикаси, аҳлоқий тарбия методикаси билан ўрин алмашади. Уларнинг вазифаси шахсни ҳар томонлама ривожлантириши, маънавий онгини шакллантириш, онгли, интизомни, ватанпарварлик ва байналминалликни тарбиялаш воситалари ва йўлларини аниқлашдан иборатдир. Бу келажак вазифаларнинг руёбга чиқариши шахснинг такомиллашувини таъмин этади.

«Педагогика» дарслигидаги «Болаларнинг ёш даврлари ҳусусиятлари тавсифи» мавзусида қуйидагилар баён қилинган. Болани уч ёшдан етти ёшгача бўлган даврини мактабгача даври деб атаймиз. Бу даврда пайдо бўлган таассуротлар изи умрбод сақланиб қолади. Бунда боланинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан тез ўсиши, оламни билиш, атроф-муҳитга ўз муносабатини билдириш истаги кучайиб бораётган давридир. Шунинг учун ота — оналар ва тарбиячиларнинг болаларни турли ўсишлари, ақлий, аҳлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялашга жиддий эътибор беришлари лозим.

Уч- тўрт ёшларда болалар, одатда нутқнинг ривожланишида катта муваффакиятларга эришадилар. Бу даврда боланинг сўз бойлигини аста-секинлик билан ошириб бориши, айни вақтда унинг сезги ва тасаввурларини кенгайтириш тарбиячиларнинг диққат марказида бўлади. Тўрт ёшли болада энг оддий аҳлоқ нормалари ва характер ҳусусиятлари: яхшилик, итоат қилиш, оғир- вазнлик, ростгўйлик ва ҳоказо онгли равишда шакллантириш мумкин. Хусусий мулкчилик психологиясидаги кўринишда: «бу мениниг ўйинчоғим», «бермайман», «тегма», «бер», «мен сен билан ўйнамайман» ва хоказоларнинг олдини олиш керак. 5-6 ёшли болага асосий аҳлоқий тушунчалар: яхши ва ёмонни тушунтириш мумкин. Тушунтириш машқ қилиш билан бирга олиб бориш ҳамда уни рағбатлантириш ва жазолаш билан мустаҳкамлаш керак.

Тарбиячилар томонидан тақлид қилиш учун намуналар яратилган ва фойдали аҳлоқ нормаларини эгаллаш сабаблари таъминланган бўлиши керак. Бу ёшдаги болаларни тарбиялашдаги қийинчиликлар, бу ўжарликлар ва катталар иродасига бесабаб

қаршиликлар кўрсатиши билан боғланган. Ўжарликларининг сабаби кўпинча болаларнинг атрофидаги катта кишилар ҳатти- ҳаракати, гапи билан ишининг бир эмаслиги, сержаҳллиги, фарзандларига кераклигича эътибор бермаслик ёки умуман эътиборсизлик билан боғланган бўлади. Бу ёшдаги қайсар бола диққатини бошқа нарсага қаратиш, чалғитиш, ўжарлик кўринишларин атайлаб ээътиборсизлик каби усуллари билан йўқотилади. Сўз ва қараш билан танбэеҳ бэеришдан муваффақиятли фойдаланилади. Мактабгача тарбия ёшдаги болалар билан олиб бориладиган маҳсус машғулотлар асосий психик функциялар: диққат, кузатувчанлик, хотира, тафаккур, нутқ кабиларни ривожлантириш мумкин. Боланинг мактабда ўқишга тайёргарлигини ана шу усул билан таъминланади. Мактабгача ёшдаги бола кўпрок ўзига эътибор беришингизни хоҳлайди. Мен буни болада синаб кўрганимда ҳақиқатдан ҳам бундай болалар ўзларини ҳаммадан устун қўяр эканлар. Танбеҳ берсангиз сиз билан анчагача гаплашмай аразлаб юришар экан. Худди шу мавзуни яъни «Психология» дарслигидаги «Мактабгача ёшдаги болалар ўсишининг умумий шарт — шароитлар» дея кўриб чиқамиз: 3 ёшли болаларга тўғри тарбия бериш, таъсир ўтказиш, уларнинг ҳаракатларини мақсадга мувофиқ йўналтириш орқали уларда мустақил ҳолда овқатланиш, кийиниш, ювиниш, ўз ўрнини йиғиштириш кўникмаларини таркиб топтиришига, айрим топшириқ ва вазифаларини пухта бажариш малакасини шакллантиришга эришиш мумкин. Мактабгача ёш даврда намоён бўладиган тарбия жараёнидаги айрим қийинчиликларнинг ташқи ва ички аломатлари (белгилари) ҳам психологик тадқиқотларда ва илмий- психологик адабиётларда кўп марта таъкидланган бўлиб, биринчи навбатда ўжарлик, қайсарлик, инжиқлик, гўё катталарнинг болалар назарида обрўсизланиши ва қадрсизланиши каби иллатлар билан боғлиқдир. Бир қанча илмий- психологик манбаларда айтилишича, бу ёшдаги болаларнинг ҳис - туйғулари ва иродасида муҳим ўзгаришлар содир бўлади ва буларнинг ҳаммаси боладаги худбинлик, ўзига бино қўйиш, уришиш, қайсарлик, рашк кабиларда акс этади. Ўжарлик, қайсарлик, катталарга итоацизликнинг пайдо бўлиши-боланинг катталарга қарамликдан қутилишига уриниш ва кичик мактабгача ёш давридан мактабгача даврига ўтиш мазкур ёш давридаги ўзгаришлар, яқинланиши «мен ўзим» ни англашини маҳсулида намоён бўлади. Ёш давридаги болаларнинг катталар билан муносабатга киришувининг энг муҳим хусусиятларидан бири — уларнинг хоҳиш — истакларини бошқариш имконияти мавжуддир. Уларнинг катталарнинг эзгу ниятига буйсундириш, ота — оналар ва тарбиячилар майлига кўниктириш

мумкинлигидир. Уларнинг бошқа ёш даврларидаги болалардан фарқи уларга нисбатан хотиржам, барқарорроқ ҳис- туйғулар мавжудлиги, уларнинг самарали холатлардан узоқроқлик низоларга кам берилишидир. Бундай болаларда жазавали холат юз бериши мумкин, лекин у вақтинчалик бўлиб, яққол харакат билан эмас, балки тасаввур образлари динамикасининг боғлиқ ҳолда содир бўлади. Шундай қилиб, « Педагогика» дарслигининг «Болаларнинг ёш даврлари хусусиятлари тавсифи» ҳамда «Психология» дарслигининг «Мактабгача ёшдаги болалар ўсишининг умумий шарт — шароитлари» мавзуларида ўхшашликни ёритиб берилган. Демак, мактабгача даврдаги болалар тафаккурини, нутқи ривожланиши онгининг ўсишини, ҳар хил уийнларни намунали бажаришини психологик йўл билан аниқласак, уларнинг тарбиясини, интизомини тартиб билан аниқлаймиз. Шундагина келажагимиз равнақи бўлган болаларимиз баркамол авлод бўлиб етишадилар.

### Савол ва топшириқлар:

1. Ўқитувчининг жамиятда тутган ўрни ва унинг психологик хусусиятлари.
2. Ўқитувчига ижтимоий талаблар.
3. Ўқитувчининг психологик сифатлари ва бошқариш услублари.

## 6-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА ЎҚУВЧИ ШАХСИ

### Режа:

1. Таълим тизими ва шахснинг шаклланиши.
2. Касб танлаш ва ўкув мотивацияси.

### Талабаларга бериладиган саволлар:

1. Таълим тизими ва шахснинг шаклланиши деганда нимани тушунасиз?
2. Касб танлашда нималарга эътибор бериш керак?
3. Шахснинг оилада ижтимоий ривожланиши кўпроқ нималарга боғлиқ?

Таълим тизими – инсонга илм бериш максадидаги ижтимоий инстйтутларни ўз ичига олади. Таълим тизимига бошланғич ва ўрта мактаблар, техникумлар, олий маълумотли мутахассислар тайёрлайдиган таълим

муассасалари, касбий малакани ошириш ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ташкилотлар ва бошқалар киради. Бошқалар қаторида мазкур тизим ҳам бир-бири билан боғлиқ бўлган элементлардан иборат бўлган тармоққа эга. Ушбу соҳа турли хил элементларнинг ўзаро муносабатлари кўлами ўзаро умумий уйғунликка эришиш мақсадидаги ижобий натижаларга эга бўлиш учун йўнаптирилган.

Бу мақсадлар таълим ва тарбия соҳасини такомиллаштириш ва шахсни шаклланитириш каби тамойилларни ўз ичига олади. Бу мақсаднинг натижа мезонини эса янги таълим технологияларида, шахсни ҳисобга олмаган тарбиявий ишлар методикасида, ўқув жараёнини ташкил этишда, моддий базани яратишда ҳам эмас, балки битирувчи ўкувчининг ўзида қидириш лозим бўлади. Таълим тизимининг таркибий қисми, шу қаторда тизимости ҳисобланувчи психологик хизмат ҳам ўзининг ўзига хос мақсадига эга бўлиши мумкин, аммо улар ҳам махсус вазифалар ичида умумий мақсад ойдинлаштириш ва қайта тузишдан иборат бўлади. Барча таълим тизимининг элементлари ўзаро муносабатлар жараёнига қўшилибгина қолмай, балки уларнинг асосий хусусияти бу – таълим мақсадларига эришиш, тарбия ва шахсни ривожлантиришга қаратилган ўзаро муносабатлардир.

Ўқувчини шахс, жамиятдаги фаолият субъэкти сифатида шакллантириш -бу барча таълим тизимининг олий мақсади, вазифаси ва тизимлаштириш таркиби сифатида кўриш мумкин. Аммо замонавий мактабларда «ривожланиш» га ҳар доим ҳам комплекс вазифа деб қаралмайди. Бу борада дастлабки фикр мухимроқ бўлиб, интеллектуал ва шахсий ривожланиш муаммоларига аҳамият берилмайди. Шу билан бирға «ривожланиш» муаммоси ўкувчига билимни етказиш билан алмашмокда.

Ўз ўрнида замонавий мактабларда дидактик доминантларни мавжудлиги, бу эса амалиётда ишлатилаётганлиги ва психологик илдизларга эгалиги профессионал таълим беришнинг алоҳида ва жамоа онгига таъсир этаётганлигида акс этмоқда.

Бироқ, шахсларни айнан мактаб ижтимоий институт сифатида ҳаётга тайёрламоғи зарур. Ҳаёт эса фақат илм-фандангина иборат эмас. Албатта ижтимоийлашув (социаллаштирув) фанлар асослари тўғрисида билимларни бериш билан боғланмайди. Инсонни мактабда шахс ва фаолият субъэкти сифатида ривожланиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) интеллектни (ақл, идрок) ривожланиши;

2) эмоционал муҳитни ривожланиши;

3) стрессларга мутаносиб бўлган барқарорликни ривожланиши;

4) ўзини қабул қилиш ва ўзига ишончни ривожланиши;

5) оламга нисбатан ижобий муносабат ривожлантириш ва ўзга шахсларни англаш;

6) мустақил ва мухтор тарздаги фаолиятнинг ривожланиши;

7) комил инсон сифатида ўзини тарбия қилиш ҳамда жамиятдаги ўрнининг қадрини ҳис қилиш;

Охирги пунктга ўкув манбаси ўз-ўзини ривожлантириш манбасининг асосий элементи сифатида киритилади. Бу ғояни позитив педагогика ёки тарбия ва таълим бериш психологияси деб аташ мумкин.

Инсон — ижтимоий ва жамоавий ҳаёт учун яралган жонзотдир. Биз биринчи кунларимизданоқ ўзимизга ўхшаганлар билан қуршаб олинганмиз ва турли хилдаги ижтимоий муносабатларга қўшилиб кетганмиз. Инсон биринчи ижтимоий муносабатни гапиришни ўрганишдан олдин орттиради. Инсон улғайган сари одамлар билан муносабати ортиб боради, демак бизнинг тажрибамиз ҳам ортиб боради. Инсонлар, ҳар-хил дунёқарашга эга бўлганлиги сабабли, ҳаёт мактабидан олган тажрибаларни ўзига қулай ҳолда ўзлаштиради. Аммо ҳаётий фаолият мобайнида йиғиб борган тажрибамиз биз билмаган ҳолда ўзимизнинг бир бўлагимизга айланиб боради. Ижтимоийлашув жараёни «Ким билан бўлсанг - ўшандан йиғасан» деган мақолда ўз аксини топган. Ижтимоийлашувнинг бир бўлаги бўлиш билан бирга, инсон субъэктив; тажрибани ортириб боради ва шахснинг бўлагига айланиб боради. Ижтимоийлашув - бу индивид томонидан ўзлаштириш натижасида ижтимоий тажрибанинг актив ҳолда ишлаб чиқарилиши жараёнидир. Шундай қилиб, ижтимоийлашув жараёни инсонларни биргаликдаги фаолияти ва муносабатлари билан узлуксиз боғлиқдир. Шу билан бирга, психологиянинг нуқтаи назарига қараганда, ижтимоийлашув тажрибаси кузатувлар асосида олинган натижалар асосида яралган механик акс сифатида қаралиши нотўғри. Бу тажрибани ўзлаштириш эса субъэктив ҳисобланиб; бир хил бўлган ижтимоий вазиятни қабул қилмок ҳар хил бўлиши мумкин. Турли хил шахслар объэктив бир хил вазиятдан турли хилдаги ижтимоий тажрибани чиқариши мумкин. Шу ўринда икки ҳар хил жараённинг бирлашганлигини кузатиш мумкин - булар ижтимоийлашув ва индивидуаллашув жараёнларидир.

Ижтимоийлашув жараёни махсус ижтимоий институтларда ва ҳаттоки норасмий ташкилотлар қошида ҳам амалга оширилиши мумкин. Шахсни ижтимоийлашувидек асосий вазифасига кирувчи махсус ижтимоий институтларга мактаблар, профессионал ўқув юртлари, (олий ўқув гортлари, профтехўқув гортлари, техникумлар), болалар ва ёшлар ташкилотлари киради. Шахсни ижтимоийлашуви учун асосий институт оила ҳисобланади. Ижтимоийлашув ўз-ўзидан пайдо бўлган ва бошқарувчан бўлиши мумкин.

Унда қандай қилиб «тарбия» ва «ижтимоийлашув» тушунчалари ўзаро мос келади? Тарбия, ўз моҳиятига кўра ижтимоийлашувнинг бошқарилувчи ва мақсадга йўналтирилган жараёнини ўзида акс эттиради. Бирок, расмий ижтимоий муассасаларда (масалан, мактабда) ижтимоийлашув доимо мақсадга йўналтирилган, норасмий бирлашмаларда эса аксинча бўлиши ҳақидаги тушунча нотўғри, албатта.

Ижтимоийлашув бирламчи ва иккиламчи турларга бўлинади. Одатда, бирламчи ижтимоийлашув ўзида шунчаки ўқитишдан кўра кўпроқ нарсани акс эттириши ва воқеликнинг умумлаштирувчи тарзи шаклланиши билан узвий боғлиқлиги қабул қилинган. Иккиламчи ижтимоийлашув эса меҳнат тақсимоти ва билимларнинг унга мос бўлган ижтимоий бўлиниши билан тавсифланади/^ Бошқача қилиб айтганда, иккиламчи ижтимоийлашув, бошкарув меҳнат тақсимоти билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган шароитда, махсус бошқарув таълимотини олишни ўзида намоён қилади. Ижтимоийлашув инсоннинг шахс ва фаолият субъэкти бўлиб етишишини билдирувчи икки йўналишли жараён сифатида қараладиган доирадаги бир неча бошқача тасаввурлар ҳам мавжуд. Бундай ижтимоийлашувнинг пировард мақсади шахснинг ривожланиши ҳисобланади.

Ижтимоийлашув эса индивидуаллаштиришнинг акси бўлиб, ижтимоийлаштириш жараёни шахс тенглашуви, инсоннинг индивидуаллигига олиб келмайди. Тўғрироғи, аксинча, ижтимоийлашув ва ижтимоий мослашиш жараёнида инсон, кўп ҳолларда мураккаб ва аксилтараф тарзда ўз индивидуаллигини кашф этади.

4. 3 - «инсон - белгали система» турдаги **касб** (мисол учун, ЭҲМ операторлари, **типография е**зувчилари ва ҳ.).

5. X — «инсон — бадиий образ» турдаги касблар.

Натижаларни изоҳлашда жавоб варақасидаги фақатгина охирги сатридангина эмас, балки колган 2 бошқа сатрларнинг кўрсаткичлари: плюслар ва минуслар сонидан фойдаланиш тавсия қилинади.

## Адабиётлар:


1) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»., Тошкент, 1997 й.

2) Мавлонова Р.А., Тўраева О.Т., Хасанбоева О, Холикбердиев К.М. - «Педагогика» Т., «Ўқитувчи « - 2008. 27-34, 39-45 бетлар

3) Мавлонова Р.А. ва б. Педагогика назарияси ва тарихи. Т., Фан ва технология. 2010 й. 21-23 бетлар

4) www.зиёнет сайти кутубхонаси.

# 7-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА ЎҚУВЧИ ШАХСИ

**Режа:**

1. Автономлик – шахснинг боғлиқлиги.
2. Шахснинг оилада ижтимоий ривожланиши.

**Ўқув фаолиятида автономлик – тобелик.** УУқувчининг ўқув фаолиятида шахс ва субект сифатида асосий хусусиятларидан мустакиллик, ўзига ишонч, масулият каби фазилатлар киради. Баъзи ҳолатда бу фазилатларни алоҳида эмас, балки комплексда, абстракт эмас, балки конкрет - уларнинг ўқув фаолиятининг ўзига хос хусусияти сифатида қўлланилишида намоён бўлишини кўриб чиқиш керак. Бу билан бирга эса ўқув фаолиятининг услубига кўра бир-бирига қарама-қарши бўлган ўкувчиларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин, шундан сўнг уларни «автоном» ва «тобе» деб аташ мумкин-бўлади.

«Автономлар» ўкув фаолиятида қуйидаги фазилатларни: қатиятлик, -мақсадга интилувчанлик, ривожланган назорат, ўзига ишонувчанлик, ишни мустақил бажаришга монелик ва ҳоказоларни намоён киладилар.

«Тобелар» учун эса бу фазилатлар умуман намоён бўлмаслиги, уларнинг ўқув фаолиятида ўқитувчи томонидан берилган вазифаларга, маслаҳатларга таянганлиги билан боғлиқлиги аниқланиши мумкин. Уқитувчи фаолиятининг муваффақияти унинг бу икки типдаги муносабатларнинг ўкув фаолиятига бўлган боғлиқлигини ҳисобга олиш билан иборат бўлиб, педагогик усулларнинг ўқувчиларга нисбатан «автоном - тобелик» нинг ривожланганига қараб қўллаши мумкин. Мисол учун, «тобе» типдаги ўқувчига нисбатан «ғамхўрлик» стратегиясининг яққол қўлланилиши педагогик аралашувнинг самарали услуби бўлиши мумкин, шу аснода ўкувчининг ўкув фаолиятининг муваффақиятига ёрдам бериши мумкин. Аммо «автоном» типдаги ўқувчига нисбатан педагог томонидан доимий маслаҳатлар, вазифалар, насиҳатлар каби ёндашиш самародорсиз эмас, балки яккол негатив якун топиши мумкин.

Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, педагог аралашувининг самарадорли танлови ҳақидаги саволи - бу катта мустақил муаммо, буни биз чукурлаштириб кўриб чиқмаймиз. Уларни ечиш йўллари осон эмас. Биз «тобе» ўқувчилар учун «тарқалган ғамхўрлик» типдаги алоқани фақатгина вақтинчалик чора сифатида эмас, балки ўкувчини доимо «тобеликдан» «автоном» даражасига ўтказиш ҳақида ўйлашимиз керак. Уқувчида «тобелик» типининг ҳусусиятларининг шаклланиши, ўқитувчида эса

авторитар раҳбарлик усулининг кенг қўлланилиши равшан. Буларнинг барчаси шундай услубдаги «автоном - тобе» дек ўқув фаолият тарифи педагогнинг адекват тасаввурида катта амалий аҳамиятга эга.

Бу адекват баходан педагог ўзининг фаолият самарасини, у билан ўкув жараёнида оширилаётган яққол ёндашув, шунингдек ўқувчининг ўқув фаолиятида муваффақиятига боғлиқ. Ўкувчилар фаолиятининг услуби ва уларни «автоном» ёки «тобе» лигининг ташхиси учун махсус тест сўроқномасидан фойдаланиш мумкин (Г.С. Прыгин). Берилган методика бизга тўлалигича асосланган, юқори валидлик ва ишончга эга. Методика ўқувчиларнинг 2 асосий турини «автоном» ва «тобе» ликни кўрсатади, шунингдек 3 гуруҳ –«номаълумларни» ажратади. Бу шундай ўкувчиларки, уларни на «автоном» на «тобе» кирита бўлмайди, чунки уларда 1 чи ва 2 чи гуруҳга хос бўлган бир ҳил даражадаги хусусиятлар мавжуд.

*Сўровнома матни*

1. Атрофдаги инсонлар мени ўзига ишонган инсон деб ҳисоблайдилар.
2. Иш бошлашдан олдин мен ишлашим керак бўлган шароитни таҳлил қилишга ўрганганман.
3. Мен турли хилдаги ишларни бажариш вақтида, унинг фақат натижавий ривожини эмас, балки иш жараёнининг охирги натижаларини баҳолашга ўрганганман.
4. Агар бошқалар мен бошлаган ишда бошқача йўналишни кўришса мен албатта бу ишдан кечаман.
5. Муҳим вазифаларни бажараётганимда менга ташқаридан назорат керак эмас.
6. Ҳар қандай вазифани у қизиқ бўлса ҳам, қизиқ бўлмаса ҳам мен бир хил ҳаракат билан бажараман.
7. Менга бугорилган муҳим вазифани аъло даражада бажаришим учун менга назорат керак бўлади.
8. Одатда мени иш куним режасиз ўтади.
9. Агар танлаш имкони мен ўзимга унчалик маъсулияцсиз ва унча қизиқ бўлмаган ишни танлаган бўлар эдим.
10. Бирор бир ишни қилиб бўлгач мен уни албатта яна бир бор текширишга одатланганман.
11. Мен ўзим бошлаган ишга мени назорат қилишмаганда ҳам қайтаман.
12. Омадга бўлган ишончсизлик мени бу ишдан кечишимга олиб келади.

13. Менга кўпинча ўзим мақсадимга эришиш учун қатъиятлик етишмайди.

14. Мени режаларим ҳар доим ҳам имкониятларимга мос келмайди.

15. Мен ҳар ишни ким биландир маслаҳатлашган ҳолда ҳал қиламан.

16. Кўпинча қандайдир иш ёки вазифани бажаришимда фикримни жамлашга қийналаман.

17. Мен бирор бир ишни билан бандлигимда бошқа бир ишга чалғиб кетишим қийин.

18. «Ўхшамаган иш» дан мен доим воз кечаман.

*Сўровноманинг калити*

Ҳа: 1,5,11,14.
Йўқ: 2,3,4,6,7,8,9,10,12,13,15,16,17,18.

Ҳар бир мос келган жавоб учун 1 баллдан берилади. 11 ва ундан юқори балл йиққанлар «автоном» гуруҳига тегишлидир. 7 ва ундан кам балл тўплаганлар «тобе» гуруҳига тегишли ҳисобланадилар.

8, 9, 10 балл тўплаган шахсларга эса аниқ хулоса бериб бўлмайди.

**Ўқув фаолиятида ўқувчиларнннг автономлиги – тобелиги (А.А.Реан маълумотига асосан)**

| Танлов | Ўқувчилар сони, % | | |
|---|---|---|---|
| | «автономлар» | «тобелар» | «номаълумлар» |
| **A B C** | **5,5 24 25,6** | **65<br>41<br>44,4** | **29,5<br>35 30** |

Эътиборли жойи шундаки, «тобе» гуруқига кирувчилар сони юқори бўлиб -41-65% ташкил қилади. Бу натижани эса ижобий деб баҳолаб бўлмайди. Уқувчилар орасида «тобе»ларнинг кўплиги ўқув фаолиятида тасодиф эмас.

Анъанавий педагогиканинг барча тизими субъэкт - объэкт таъсирга йўналтирилган бўлиб (ўкувчи - бу ерда таъсир кўрсатиш объэкти), қатъиятлик ва тўғрилик йўли билан бошқариш, тарбия ва таълим беришининг кўрсатмали йўналиши охир оқибатда тобе гуруҳига тегишли бўлиб қолишига олиб келади.

Нима бўлганда ҳам педагогик омиллар биз учун муҳим ҳисобланади. Қизиқарли жойи шундаки, танловнинг бандларида (В ва С) «автоном»лар

гуруҳига мансубларнинг сони 25% ни ташкил қилди, 3 - бандида эса (A) 5,5 % ни ташкил қилган. Бу танлов хулосаларини жинсий белгилар билан ажратиш мумкин: B ва C бандида йигитлардан таркиб топган бўлса, A бандида эса қизлар билан таркиб топган. Бу ерда руҳийгина эмас, балки ижтимоий-психологик илдизларга эгалиги кўриниб турибди. Шу билан бирга маскулинлик ва фемнинликнинг ижтимоий эталонларидан ташкил топганлиги ва уларни фаолияти тўғрисида: аёллар руҳиятида ва ҳулқ-атворида тасдиқланганлиги ва ўз ўринда эркаклар социуми томонидан ҳар доим ҳам маъкулланмайди.

Эркин ва мустақил бўлиш ўсмирлар орасида доимо маскуллинлик аломатларининг асосий белгиси ҳисобланади. Бундан ташқари педагогларни автономлик тўғрисидаги тасаввурларга асосланган махсус тадқиқотлар - ўқувчиларни тобелиги, шу билан бирга бу тадқиқотларни ўқувчиларни текширилган ўқув фаолияти бўйича тақсимлашни ўз ичига олади. Аммо айнан бу вазиятда адекват тасаввур фақатгиш қизиқтиришга эга эмас. Гап шундаки, педагог ўкувчиларни ўз онгида тобелар гуруҳига киритибгина қолмай, балки уларга тобелик, автономсизликни ҳис этишни «дастурлаштириб» боради.

**Шахсни оилада ривожланиши ва ижтимоийлашуви.** Оила - шахсни ижтимоийлашувида муҳим институтдир. Айнан оилада инсон ижтимоий малакасини оширади. Қанчадир вақт оралиғида оила бола учун бу малакани ошириш учун ягона жой ҳисобланади/Кейинчалик инсон ҳаётида мактаб, болалар боғчаси, кўча каби ижтимоий институтлар пайдо бўлади. Аммо бу ҳолатларда ҳам оила шахс ижтимоийлашувидаги энг муҳим омил бўлиб қолади. Оилани шахснинг ҳаёт тренинги базаси шаклида ва модели сифатида кўриш мумкин. Оилада ижтимоийлашув икки параллел Йўналиш содир бўлади. *4* мақсад сари йўналитирилган тарбиянинг жараёни натижасида; в • ижтимоий таълим механизми натижасида.

Ўз ўрнида ижтиомий таълим ҳам 2 га бўлинади. Бир томондан ижтимоий малака боланинг ота-онаси, ака-укалари билан бўлган муносабатлари жараёнида оширилиб борилса, иккинчи томондан ижтимоийлашув оиланинг бошқа аъзолари муносабатлари натижасида оширилиб бориладд. Бунда ташқари, оиладаги ижтимоийлашув викар ўрганиш деб номланган ижтимоий механизми йўли билан ортиб боради.

Ота-онанинг болаларнинг ижтимоий ривожланишига таъсир этиши ҳақида жуда кўп тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, уларнинг бирида (Д. Баумринд) болаларнинг уч гуруҳи кўриб чиқилган. *Биринчи гуруҳни* ўзида ишонч, мустақил, фаол, қизиқувчан, ташқи муҳитга тез кўникувчан болалар ташкил қилди (1 модел).

*Иккинчи гуруз;* ўзига ва бошқаларга ишончсизлик билан каровчи болалардан иборат (2 модел).

*Учинчи гуруҳда* эса бироз ўзига ишонувчан, киришимсиз, ўзларини тутишни билмайдиганлар йиғилди (3 модел).

Тадқиқотчилар ота-оналарнинг болаларига нисбатан муносабатини 4 параметрини кўриб чиқишди: 1) назорат; 2) зукколик талаби; 3) мулоқот; 4) меҳрибонлик. *Назорат* (Н (К) - бу бола фаолиятига таъсир қилиш харакати. Шу билан боланинг ота-она талабларига бўйсиниш кўрилади. Е*туклик талаби* (ЗТ (ТЗ) - бу ота-оналарнинг болаларга нисбатан ақлан имкониятларни борича ишга солиб юқори ижтимоий ва эмоционал даражани ишга солиш учун йўналтирилган босим. *Мулоцот* (М (О) - бу ота-оналар томонидан ишонтириш йўлини ишлатиш орқали боладан ён босишликни ўргатишга эришмоқлик; унинг фикрини ойдинлаштириш ёки бирор нарсага бўлган муносабатини аниқлаштириш. *Меҳриботик* (М (Д) - бу ота-оналарнинг боладаги (мақтов, омад келганидаги хурсандчилиги), муҳаббат, ташвиш, унга нисбатан ғамхўрлик ҳиссиётини ошириш.

Ота-оналарнинг болалар билан бўлган муносабатида қандай моделларни .болалар намаён қилишди?

*1 ҳулц-атвор модели. Ота-оналарнгшг эътиборли назорати. * ҳулқ-атвор моделига эргашган болаларшшг ота-оналари ҳамма 4 аломатлар бўйича энг юқори баҳога эга бўлишди. Бу ота-оналар ўз болаларига илиқлик билан ва тушуниш билан, меҳрибонлик билан қарашарди ва уларни назорат қилишарди. Бу ота-оналар ўз болаларининг фикрини эшитишса ҳам, уларни мустақиллигини ҳурмат қилишса ҳам, улар болаларининг ҳоҳишига эргашмас эдилар. Ота-оналар назорати **боланинг** мустақил бўлиш ҳоҳиши билан мос келар эди. Бу модел ота-оналарнинг эътиборли назорати деб номланди.


ҳурмат қилишса ҳам, улар болаларининг ҳоҳишига эргашмас эдилар. Ота-оналар назорати боланинг мустақил бўлиш ҳоҳиши билан мос келар эди. Бу модель ота-оналарнинг эътиборли назорати деб номланди.


***П. Хулқ-атвор модели.*** *Хукмронлик модели..* Ҳулқ-атвор моделига риоя қилган болаларнинг ота-оналари кўрсатилган параметрлар бўйича, паст баҳолар олдилар. Улар кўпрок қаттиққўллик ва жазоларни қўллашган. Болаларга кам илиқлик билан, кам раҳимдиллик, тушуниш билан ёндашишган, улар билан кам мулоқотда бўлишган. Улар ўз болаларини қаттиқ назорат қилишган, енгил тадбиқ килишган, улар болаларнинг шахсий

фикрини билдиришни ифода этишга ундашмаган. Бу модел ҳукумронлик деб номланган.

Жаҳон адабиётида ўхшаш моделлар мисоли кўпгина бўлиб, булар - Плюшкиннинг болалари билан мулоқоти ва «Жаноб Головлёв»даги каттиққўл она ва замонавий образларга қарайдиган бўлсак, бу - Людмила Петрушевская асарларининг кўпгина персонажларидир.

*Ш. Хулқ-атвор модели. Муруввеатли.* Бу моделга риоя қилган болаларнинг ота-оналари, мурувватли бўлиб, талабчан эмас ва оилавий шароитни яхши йўлга қўйишмаган. Улар болаларни рағбатлантиришмаган, нисбатан кам ва суст танбеҳ беришган. Болада мустақиллик ва унинг ўзига ишонч руҳида тарбиялашга эътибор қаратишмаган. Бу модел мурувватли деб номланган.

Бу моделга ёрқин мисол Айрис Мердокнинг «Қора шаҳзода» романидаги эри-хотин Баффинлардир. Ёзувчи Арнолд ва унинг хотини Рейчел, қизлари Джулиан тарбияси билан кам шуғулланишган, 17 ёшида ҳам уни кичик боладек кўришган, лекин шунда ҳам унинг қийин характерига у орқали келиб туғилаётган муаммосига аҳамият беришмайди. Оиладаги ҳар қандай деформация болаларни шахсий ривожланишида салбий оқибатларга олиб келади. Оила деформациялари 2 турга ажралади: **структурали** ва **психологик.**

***Структурали оила*** *деформацияси* - структура бутунлигининг бузилишидир. Бугунги кунда бу - оилада ота-оналардан бирининг бўлмаслиги (олдинги пайтда бундай деформация оилада буви ва буванинг бўлмаслигида ҳам тушуниларди).

Француз ёзувчиси Эрве Базен «Бир ажралиш анатомияси» романида ота-оналари - рассом Луи ва уй бекаси Алинанинг ажрашганлиги сабабли уларнинг 4 фарзандларининг асаблари майиб бўлишига олиб келганини кўрсатган.

Психологик оила деформацияси ўзаро шахсий муносабат тизимининг бузилиши билан ва салбий қадриятлар тизими, асоциал ўрнатмалар ва бошқалар билан боғлиқ. Бу ерга жуда ҳар-хил омилларни киритиш мумкин - бойлик ортиришдан, алкоголизмгача.

Боланинг шахсий ривожланишига тўлиқ бўлмаган оила омили таъсири тўғрисида кўпгина тадқиқотлар мавжуд. Ўғил болалар қизларга нисбатан отанинг юқлигига кўпроқ таъсирчан бўлишади. Бундай оилаларда ўғил болалар кўпроқ хавотирчан, агрессив ва жанжалкаш бўлишади. Отаси бўлган оиладаги болалар ва отасиз ўсган болалар фарқи айниқса 1 ёшгача бўлган даврда сезиларлидир. Бир тадқиқод мобайнида маълум бўлдики, 2 ёшли болаларнинг отаси улар туғилгунича вафот этган бўлиб, бу болалар бева

оналар қўлида яшаб кам мустақил бўлишган, хавотирлик ва агрессивлик, отаси бўлган болалардан кўпроқ кўриншда намоён бўлган (П.Массен, Дж.Конджер ва бошқалар, 1987). Катта ёшдаги болалар текширилганда, отасиз ўсаётган ўғил болаларнинг хулқ-атвори, отаси бўлган болаларга нисбатан маълум бўлди. Бошқа тарафдан қараганда фақат онаси билан ўсган кизларнинг хулқ-атвори ва шахсий жиҳатлари тўлиқ оилада ўсган қизлардан кам фарқ қилади. Лекин интеллектуал фаолиятда фарқ кўпроқ оила тарафида.

Кўп вақтдан бери структур оила деформацияси боланинг шахсиЙ ривожланишида асосий сабаб деб ҳисобланарди. Бу нарса статистик кўрсаткичлар билан аниқланган (чет эл ҳамда республикамиз статистик кўрсаткичлари): ўсмирларнинг просоциал ва асоциал танлови шу билан бир қаторда криминал «Йўналиши ўзаро тўлиқ-нотўлиқ оила» критерияси бўйича фарқланади.

Ҳозирги вақтда психологик оила деформацияси омилига катта аҳамият берилаяпти. Кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатмоқцаги, психологик оила деформацияси, ўзаро шахсий система ва қадриятларнинг бузилиши, боланинг, ўсмирнинг шахсий ривожланишига кучли салбий таъсир қилиб, турли шахсий деформацияларга олиб келади. Ижтимоий инфанцилизмдан, асоциал ва деликвент хулқ-атворгача.

Боланинг характеридаги баъзи дисгармоник ривожланиш оилавий ўзаро йгуносабатининг хусусиятларига боғлиқдир. Агар ота-оналар боланинг специфик характерини яхши баҳолай олмаса, можаро фақат кучайибгина қолмай, патохарактереологик реакцияларнинг, неврозларнинг кучайишига, акцентуация баъзасида психоттатик ривожланишга олиб келиши мумкин. Баъзи акцентуация турлари оила турлари муносабатида кўпрок сезиларли бўлади. **А.Э.Личко** бир неча тур нотўғри тарбия турларини кўрсатади.

**Гиперпротекция-** ғамхўрлик ва назоратнинг, ўсмирнинг қизиқишларига, ташвйшларига, ишларйга хақиқий қизиқишнинг йўқлиги. Айниқса гипертим, номустаҳкам ва конформ туридаги акцентуациялар номуносибдир.

**Доминант гиперпротекция,-** ўта ғамхўрлик ва майда назорат. Болани мустақилликга ўргатмайди, жавобгарлик ва бурч туйғуларини сусайтиради. Айниқса психастеник, сензитив ва астеник туридаги акцентуациялар учун ноқулай, чунки астеник хислатларини кучайтиради. Гипертим ўсмирларда тез эмансипация реакциясига олиб келади.

**Эркалатиш (Потворствуюшая) гиперпротекцияси** - назоратнинг етишмаслиги ўсмирнинг ножўя ҳаракатларига нотанқид муносабат. Бу муносабат ўсмирда номустақил ва истерик хислатларнинг ривожланишига олиб келади.

**Касаллик даврида тарбиялаш** ъ- бу ҳолат бола касал даврида, бетоблик пайтида болага алоҳида ҳуқук берилади, эътибор марказида бўлади. Болада эгоцентризм ва рент тараққий этади.

Оилада эмоционал эзилганлик бўлганда, бола уларга оғир бўлаётганини сезади. Бундай нарса жуда қииин - лабил, сензитив ва астеник ўсмирларда кўрилади, хислатларни кучайтирган ҳолда, эпилептоидларда ҳам кескинлик хислатлари бўлиши мумкин.

**Қаттиқ ўзаро муносабатлар** - шароитлари ўсмирда ёмонлик ва руҳий шавқацизликда» акс эттирилади. Конформ акцентуация асосида, эпилептоидларнинг хислатларини кучайтиришга, эпилептик хислатларни ривожлантиришга олиб келади.

**Юқори эмоционал жавобгарликнинг шароитлари** болага кўйилган ғамхўрлик ва юқорига кўйилган талаблардан иборат бўлади. Жуда сезиларли-психастеник тури бўлади, унинг хислатлари кескинлашиб психопатик ривожланишга ёки неврозга ўтиши мумкин.

**Қарама-қаршилик тарбияси** - бу ҳар-хил оила аъзоларининг ҳамкорлик тарбияси. Бундай тарбия ҳар-хил турдаги акцентуацияларга жароҳат кўрсатиши мумкин.

Катта бўлган сари оилага бўлган муносабат ўзгаради. Социализация процессида тенгдошлар гуруҳи аниқ ҳолда ота-онани ўрнини босади. (Х.Ремшмид сўзларига қараганда, ота-она «қадрсизланиши» гозага келади). Оиладан социализация марказини тенгдошлар гуруҳига ўтказилипш, ота-она билан бўлган эмоционал боғлиқликни сусайтиради. Шуни таъкидлаш лозимки, ўсмирлик ва балоғат ёшдаги ота-оналарнинг «қадрсизланиши» жуда кенг тарқалган бўлиб, умумий жой бўлиб қолган. Масалан ўсмирлик ёшига хос бўлган, хулқ-атвор специфик хусусияти «емансипация реакция». Тадқиқотчилар бир неча марта бу ҳолатнинг эволюцион, биологик нуқтаи назаридан тушунтиришни ҳаракат қилдилар. Лекин буни бўрттириш керак эмас: Тенгдошлар гуруҳидаги «ота-оналарнинг ўрнини босиш» ғояси гиперболизация бўлиб реал психологик кўриншга кам тўғри келади.

Тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда ўсмирлар учун ота-оналар ориентация ва идентификация маркази сифатида фақат баъзи ҳаётий кўринишларда П-чи планга ўтади. Кўпчилик ёшлар учун ота-оналар, айниқса она, асосий эмоционал яқин киши бўлиб қолади. Масалан, тадқиқотчилардан бири кўрсатдики, муаммоли ҳолатларда ўсмирларга эмоционал яқин ишончли шахс бўлиб она ҳисобланади. Ундан кейин шароитга қараб - ота, ўртоқ ва бошқалар. Бошка бир тадқиқотда юқори синф ўкувчиларига ким билан бўш вақтни ўтказишни? - Ота-оналар билан, ўртоқлар билан тенгдошлар ўртасида ва - бошқалар билан таклиф килинди, Ўсмир йигитлар

ўртасида ота-оналар охирги 6 ўринда, қизлар ўртасида эса 4 ўринда бўлдилар. Аммо, «қийин оилавий ҳолатда ким билан маслаҳатлашардинг?» деган саволга қизлар ва йигитлар 1-чи ўринға онани қўйишди. 2-чи ўринга йигитлар отани, қизлар эса ўртоғини ёки дугонасини қўйишди. Бошқача қилиб айтганда психолог И.С.Коннинг келтирилган тадқиқотлари натижаси қуйидагича - дўстлар билан вақт ўтказиш яхши, лекин, қийин муаммо ҳолатларда онага мурожаат қилинади. Замонавий ўсмир қиз ва йигитлардан олинган маълумотлар бу тенденцияни тасдикдайди. Бундай бир тадқиқотларда кўрсатилгандек (А.А.Реан, М.Ю.Санникова) шахснинг ижтимоий атрофидаги бўлган тизимида кўпрок онага бўлган ижобий муносабатнинг камайиши, онани характерлашда негатив дескрипторлар (салбий характеристика) нинг кўпайиши, шахснинг ҳамма ижтимоий муносабатда негативатиянинг кучайиши билан боғлик. Тахмин қилиш мумкинки шу факт тагида умумий неготивизмнинг кўриниши бўлган фундаментал феномен бор бўлиб, ўз онасига салбиЙ муносабатда бўлади. Тўлиқ айтганда текширишлар натижаси кўрсатдики ўз онасига салбий муносабатда бўлиш шахснинг қониқарсиз ривожланганлик кўрсаткичидир.

## Таълим тизими ва шахснинг ривожланиши:

Иш шакли бўлмиш профконсултацияни бош ролини биз РАСТИМ деб номланган мнемотехник аббревиатураси билан шифрланган уч асосий ўрин билан асослантирамиз.

1. РА - ривожланиш, у ҳақида қуйидагиларни билиш лозим. Биринчидан, ҳозирги замон интелектни психодиагностикаси инсон қобилият нишоналари ҳақида изланишлар олиб боришга йўл қўядиган услубларга эга эмас. Барча, ҳатто мавжуд бўлган энг машҳур интелектни диагностикасини амалга оширувчи услублар ҳам охир оқибат эришилган ривожланиш даражасини диагностика қила олади холос. (К. М. Гуревич, Е. М. Борисова). Иккинчидан, руҳиятни ривожланиш принципига асосан бу эришилган даража кейинчалик ўзгаради. Бу ўзгаришларни башоратини фақатгина тахминан қилиш мумкин.

2. СТИ - услуб. Буни билиш учун етарли даражада машхур бўлган, фаолиятнинг индивидуал услуби ҳақидаги Е. А. Климова, В. В. Белоус ва бошқалар асарларига мурожаат қилса бўлади. Мазкур илмий йўналишда, индивидуал-типик фазилатларнинг фарқпарига қарамай, фаолиятнинг индивидуал услубини яратиш эвазига профессионал фаолиятни бир хил даражадаги самарадорликка эришиш мумкинлиги белгиланган. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, фаолиятнинг индивидуал услуби ўз навбатида фаолият

жараёнида шаклланади шу билан бирга олдиндан бошланғич касбий саралаш даврида буни башорат қилиб бўлмайди.

3. М - манбаа. Ушбу факторни биз энг муҳим деб ҳисобладик. Манбанинг фаолият самарадорлигига булган таъсири ҳамиша муҳим деб ҳисобланган. Профессионал фаолият психологиясига бағишланган айрим изланишларда шу нарса маълум бўлдики, фаолиятнинг муваффақияти фақатгина манбаанинг кучига (Еркес-Додсон классик қонуни) эмас, балки бахонанинг тизимига ҳам боғлиқ. Бундан ташқари, эксперемент орқали шу нарса маълум бўлдики, ижобий профессионал баҳона ҳатто кобилиятларнинг етарли эмаслигини ҳам компенсация қилиши мумкин (В.А.Якунин, Н. И. Мешков, А. А. Реан). Бунга тескари бўлган ҳодиса эса рўй бермайди: салбий профессионал баҳона эса жуда юқори даражада бўлган махсус қобилиятлар билан ҳам тўлдира олмайди. Лекин манбаа ҳолатини бундаЙ юқори аҳамиятини эсда тутган ҳолда, шуни айтиб ўтиш керакки, бугунги кундаги профессионал манбаанинг психодиагностикасининг имкониятлари чекланган. Бу чекланганлик айниқса синалаётган шахс чин юракдан ўзини очишни истамаган ҳолларда яққол намоён бўлади. Бундан чикди янада ишончлироқ тест сўровномаларини, айниқса проектив услубларни ишлаб чиқиш зарур.

Юқорида қайд этилгандан ташқари яна бир муаммо мавжуд. Бу ерда гап янада мураккаб касблар ҳақида, масалан ўқитувчи касби, бошқарувчи ҳақида боради. Бундай касбларни кўпчилиги бўйича ҳали замон умумеътироф этилган профессиограммалар яратилмаган. Мисол учун, бошлиқнинг профессионал муҳим хусусиятларига ҳар хил муаллифлар турли хил шахсий хусусиятларни келтирадилар, натижада уларни қайси бирлари асосида танлов ўтказиш зарурлиги номаълум бўлиб қолади.

Юқорида айтилгандан, албатта иш шакли бўлмиш профтанлаш профконсултацияни ўрнини буткул эгаллайди деган хулосага келиш керак эмас. Бундай ҳолларда зарур ва етарли шарт-шароитларни фарқлай билиш лозим. Профтанлаш зарур критерияларга асосланган.

Профтанлаш процедураси очиқ касбий нолойиқлик, яъни, касбни зарурий талабларига лойиқ келмайдиган даъвогарларни чиқариб ташлашга қодир. Бироқ изланишлар ва амалиёт шуни кўрсатадики, бундай бахссиз критериЙлар камдан-кам ҳолларда психологик даражада шаклланиши мумкин. Асосан улар медик-психиологик ва психофизиологик даражада ўрин эгалллайди. Шунинг учун, профтанлаш этапидан сўнг профконсултация этапи зарур, унинг асосий мазмуни -шахснинг психологик диагностикаси. Танлов сақланиб қолган, селекция зарур бўлган ҳолларда эса, танлов профессионал компетентлик критериЙси асосида амалга оширилиши

мумкин. Бундай ҳолларда профессионал компетентлик тўғридан-тўғри баҳоланиши мумкин (билим, қобилият ва кўникманинг урф-одат диагностикаси), мураккаб ҳолларда эса - компетент судялар услуби ёрдамида махсус услублар орқали амалга оширилиши мумкин.

## Савол ва топшириқлар:

1. Таълим тизимининг мақсадлари нималардан иборат?
2. Таълим тизимида шахснинг ривожланишига йўналтирилган комплекс ёндашув вазифаси нималардан иборат?
3. Ижтимоийлашув нима?
4. Шахс ижтимоийлашувининг бирламчи ва иккиламчи ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
5. Шахсни оиладаги ижтимоийлашуви йўллари нимада?
6. Ота-оналарнинг хулқ-атвори услуби болаларнинг ижтимоий ривожланишига қандай таъсир кўрсатади? Ота-оналарнинг хулқ-атвори моделларини қандай турларини биласиз?

## Адабиётлар:


1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»., Тошкент, 1997 й.
2. **Мавлонова Р.А., Тўраев О.Т., Хасанбоева О, Холикбердиев К.М. - «Педагогика» Т., «Ўқитувчи « - 2008. 434-451 бетлар.**
3. Минаваров А. «Педагогика» -. Т, «Ўқитувчи» 1996.
4. Турсунов И.Ю., Нишоналиев У - «Педагогика» -Т. 1997.
5. www.зиёнет сайти кутубхонаси.


-

## 8-МАВЗУ: Шахсни оилада ривожланиши ва ижтимоийлашуви

**Режа:**

1. Таълим тизимининг мақсадлари.
2. Таълим тизимида шахснинг ривожланишига йўналтирилган комплекс ёндашув.
3. Шахс ижтимоийлашувининг бирламчи ва иккиламчи ўртасидаги фарқи.

Оила – шахсни ижтимоийлашувида муҳим институтдир. Айнан оилада инсон ижтимоий малакасини оширади. Қанчадир вақт оралиғида оила бола учун бу малакани ошириш учун ягона жой ҳисобланади. Кейинчалик инсон ҳаётида мактаб, болалар боғчаси, кўча каби ижтимоий институтлар пайдо бўлади. Аммо бу ҳолатларда ҳам оила шахс ижтимоийлашувидаги энг муҳим омил бўлиб қолади. Оилани шахснинг ҳаёт тренинги базаси шаклида ва модели сифатида кўриш мумкин. Оилада ижтимоийлашув икки параллел йўналиш содир бўлади.

- мақсад сари йўналтирилган тарбиянинг жараёни натижасида;
- ижтимоий таълим механизми натижасида.

Ўз ўрнида ижтиомий таълим ҳам 2 га бўлинади. Бир томондан ижтимоий малака боланинг ота-онаси, ака-укалари билан бўлган муносабатлари жараёнида оширилиб борилса, иккинчи томондан ижтимоийлашув оиланинг бошқа аъзолари муносабатлари натижасида оширилиб борилади. Бунда ташқари, оиладаги ижтимоийлашув викар ўрганиш деб номланган ижтимоий механизми йўли билан ортиб боради.

Ота-онанинг болаларнинг ижтимоий ривожланишига таъсир этиши ҳақида жуда кўп тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, уларнинг бирида (Д. Баумринд) болаларнинг уч гуруҳи кўриб чиқилган. *Биринчи гуруҳни* ўзида ишонч, мустақил, фаол, қизиқувчан, ташқи муҳитга тез кўникувчан болалар ташкил қилди (1 модел).

*Иккинчи гуруҳ* ўзига ва бошқаларга ишончсизлик билан қаровчи болалардан иборат (2 модел).

*Учинчи гуруҳда* эса бироз ўзига ишонувчан, киришимсиз, ўзларини тутишни билмайдиганлар йиғилди (3 модэел).

Тадқиқотчилар ота-оналарнинг болаларига нисбатан муносабатини 4 параметрини кўриб чиқишди: 1) назорат; 2) зукколик талаби; 3) мулоқот; 4) меҳрибонлик. *Назорат* (Н (К) – бу бола фаолиятига таъсир қилиш харакати. Шу билан боланинг ота-она талабларига бўйсиниш кўрилади. Е*туклик*

*талаби* (ЗТ (ТЗ) - бу ота-оналарнинг болаларга нисбатан ақлан имкониятларни борича ишга солиб юқори ижтимоий ва эмоционал даражани ишга солиш учун йўналтирилган босим. *Мулоқот* (М (О) – бу ота-оналар томонидан ишонтириш йўлини ишлатиш орқали боладан ён босишликни ўргатишга эришмоқлик; унинг фикрини ойдинлаштириш ёки бирор нарсага бўлган муносабатини аниқлаштириш. *Меҳрибонлик* (М (Д) – бу ота-оналарнинг боладаги (мақтов, омад келганидаги хурсандчилиги), муҳаббат, ташвиш, унга нисбатан ғамхўрлик ҳиссиётини ошириш.

Ота-оналарнинг болалар билан бўлган муносабатида қандай моделларни болалар намаён қилишди?

*1 ҳулқ-атвор модели. Ота-оналарнинг эътиборли назорати.* 1 ҳулқ-атвор моделига эргашган болаларнинг ота-оналари ҳамма 4 аломатлар бўйича энг юқори баҳога эга бўлишди. Бу ота-оналар ўз болаларига илиқлик билан ва тушуниш билан, меҳрибонлик билан қарашарди ва уларни назорат қилишарди. Бу ота-оналар ўз болаларининг фикрини эшитишса ҳам, уларни мустақиллигини ҳурмат қилишса ҳам, улар болаларининг ҳоҳишига эргашмас эдилар. Ота-оналар назорати боланинг мустақил бўлиш ҳоҳиши билан мос келар эди. Бу модел ота-оналарнинг эътиборли назорати деб номланди.




***II. Хулқ-атвор модели.****Хукмронлик модели..* Ҳулқ-атвор моделига риоя қилган болаларнинг ота-оналари кўрсатилган параметрлар бўйича, паст баҳолар олдилар. Улар кўпрок қаттиққўллик ва жазоларни қўллашган. Болаларга кам илиқлик билан, кам раҳимдиллик, тушуниш билан ёндашишган, улар билан кам мулоқотда бўлишган. Улар ўз болаларини қаттиқ назорат қилишган, енгил тадбиқ килишган, улар болаларнинг шахсий фикрини билдиришни ифода этишга ундашмаган. Бу модел хукумронлик деб номланган.

Жаҳон адабиётида ўхшаш моделлар мисоли кўпгина бўлиб, булар – Плюшкиннинг болалари билан мулоқоти ва «Жаноб Головлёв»даги қаттиққўл она ва замонавий образларга қарайдиган бўлсак, бу - Людмила Петрушевская асарларининг кўпгина персонажларидир.

***Ш. Хулқ-атвор модели.****Мурувватли.* Бу моделга риоя қилган болаларнинг ота-оналари, мурувватли бўлиб, талабчан эмас ва оилавий шароитни яхши йўлга қўйишмаган. Улар болаларни рағбатлантиришмаган, нисбатан кам ва суст танбеҳ беришган. Болада мустақиллик ва унинг ўзига ишонч руҳида тарбиялашга эътибор қаратишмаган. Бу модел мурувватли деб номланган.

Бу моделга ёрқин мисол Айрис Мердокнинг «Қора шаҳзода» романидаги эри-хотин Баффинлардир. Ёзувчи Арнолд ва унинг хотини Рейчел, қизлари Джулиан тарбияси билан кам шуғулланишган, 17 ёшида ҳам уни кичик боладек кўришган, лекин шунда ҳам унинг қийин характерига у орқали келиб туғилаётган муаммосига аҳамият беришмайди. Оиладаги ҳар қандай деформация болаларни шахсий ривожланишида салбий оқибатларга олиб келади. Оила деформациялари 2 турга ажралади: **структурали** ва **психологик.**

***Структурали оила деформацияси*** – структура бутунлигининг бузилишидир. Бугунги кунда бу - оилада ота-оналардан бирининг бўлмаслиги (олдинги пайтда бундай деформация оилада буви ва буванинг бўлмаслигида ҳам тушуниларди).

Француз ёзувчиси Эрве Базен «Бир ажралиш анатомияси» романида ота-оналари – рассом Луи ва уй бекаси Алинанинг ажрашганлиги сабабли уларнинг 4 фарзандларининг асаблари майиб бўлишига олиб келганини кўрсатган.

Психологик оила деформацияси ўзаро шахсий муносабат тизимининг бузилиши билан ва салбий қадриятлар тизими, асоциал ўрнатмалар ва бошқалар билан боғлик. Бу ерга жуда ҳар-хил омилларни киритиш мумкин - бойлик ортиришдан, алкоголизмгача.

Боланинг шахсий ривожланишига тўлиқ бўлмаган оила омили таъсири тўғрисида кўпгина тадқиқотлар мавжуд. Ўғил болалар қизларга нисбатан отанинг йўқлигига кўпроқ таъсирчан бўлишади. Бундай оилаларда ўғил болалар кўпроқ хавотирчан, агрессив ва жанжалкаш бўлишади. Отаси бўлган оиладаги болалар ва отасиз ўсган болалар фарқи айниқса 1 ёшгача бўлган даврда сезиларлидир. Бир тадқиқод мобайнида маълум бўлдики, 2 ёшли болаларнинг отаси улар туғилгунича вафот этган бўлиб, бу болалар бева оналар қўлида яшаб кам мустақил бўлишган, хавотирлик ва агрессивлик, отаси бўлган болалардан кўпроқ кўриншда намоён бўлган (П.Массен, Дж.Конджер ва бошқалар, 1987). Катта ёшдаги болалар текширилганда, отасиз ўсаётган ўғил болаларнинг хулқ-атвори, отаси бўлган болаларга нисбатан маълум бўлди. Бошқа тарафдан қараганда фақат онаси билан ўсган

қизларнинг хулқ-атвори ва шахсий жиҳатлари тўлиқ оилада ўсган қизлардан кам фарқ қилади. Лекин интеллектуал фаолиятда фарқ кўпроқ оила тарафида.

Кўп вақтдан бери структур оила деформацияси боланинг шахсий ривожланишида асосий сабаб деб ҳисобланарди. Бу нарса статистик кўрсаткичлар билан аниқланган (чет эл ҳамда республикамиз статистик кўрсаткичлари): ўсмирларнинг просоциал ва асоциал танлови шу билан бир қаторда криминал «йўналиши ўзаро тўлиқ-нотўлиқ оила» критерияси бўйича фарқланади.

Ҳозирги вақтда психологик оила деформацияси омилига катта аҳамият берилаяпти. Кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаги, психологик оила деформацияси, ўзаро шахсий система ва қадриятларнинг бузилиши, боланинг, ўсмирнинг шахсий ривожланишига кучли салбий таъсир қилиб, турли шахсий деформацияларга олиб келади. Ижтимоий инфанцилизмдан, асоциал ва деликвент хулқ-атворгача.

Боланинг характеридаги баъзи дисгармоник ривожланиш оилавий ўзаро муносабатининг хусусиятларига боғлиқдир. Агар ота-оналар боланинг специфик характерини яхши баҳолай олмаса, можаро фақат кучайибгина қолмай, патохарактереологик реакцияларнинг, неврозларнинг кучайишига, акцентуация баъзасида психопатик ривожланишга олиб келиши мумкин. Баъзи акцентуация турлари оила турлари муносабатида кўпрок сезиларли бўлади. **А.Э.Личко** бир неча тур нотўғри тарбия турларини кўрсатади.

**Гиперпротекция** -ғамхўрлик ва назоратнинг, ўсмирнинг қизиқишларига, ташвишларига, ишларига хақиқий қизиқишнинг йўқлиги. Айниқса гипертим, номустаҳкам ва конформ туридаги акцентуациялар номуносибдир.

**Доминант гиперпротекция** - ўта ғамхўрлик ва майда назорат. Болани мустақилликга ўргатмайди, жавобгарлик ва бурч туйғуларини сусайтиради. Айниқса психастеник, сензитив ва астеник туридаги акцентуациялар учун ноқулай, чунки астеник хислатларини кучайтиради. Гипертим ўсмирларда тез эмансипация реакциясига олиб келади.

**Эркалатиш (Потворствующая) гиперпротекцияси** - назоратнинг етишмаслиги ўсмирнинг ножўя ҳаракатларига нотанқид муносабат. Бу муносабат ўсмирда номустақил ва истерик хислатларнинг ривожланишига олиб келади.

**Касаллик даврида тарбиялаш -** бу ҳолат бола касал даврида, бетоблик пайтида болага алоҳида ҳуқуқ берилади, эътибор марказида бўлади. Болада эгоцентризм ва рент тараққий этади.

Оилада эмоционал эзилганлик бўлганда, бола уларга оғир бўлаётганини сезади. Бундай нарса жуда қийин – лабил, сензитив ва астеник ўсмирларда

кўрилади, хислатларни кучайтирган ҳолда, эпилептоидларда ҳам кескинлик хислатлари бўлиши мумкин.

**Қаттиқ ўзаро муносабатлар -** шароитлари ўсмирда ёмонлик ва руҳий шавқацизликда акс эттирилади. Конформ акцентуация асосида, эпилептоидларнинг хислатларини кучайтиришга, эпилептик хислатларни ривожлантиришга олиб келади.

**Юқори эмоционал жавобгарликнинг шароитлари** болага қўйилган ғамхўрлик ва юқорига қўйилган талаблардан иборат бўлади. Жуда сезиларли-психастеник тури бўлади, унинг хислатлари кескинлашиб психопатик ривожланишга ёки неврозга ўтиши мумкин.

**Қарама-қаршилик тарбияси** – бу ҳар-хил оила аъзоларининг ҳамкорлик тарбияси. Бундай тарбия ҳар-хил турдаги акцентуацияларга жароҳат кўрсатиши мумкин.

Катта бўлган сари оилага бўлган муносабат ўзгаради. Социализация процессида тенгдошлар гуруҳи аниқ ҳолда ота-онани ўрнини босади. ( Х.Ремшмид сўзларига қараганда, ота-она «қадрсизланиши» юзага келади). Оиладан социализация марказини тенгдошлар гуруҳига ўтказилиши, ота-она билан бўлган эмоционал боғлиқликни сусайтиради. Шуни таъкидлаш лозимки, ўсмирлик ва балоғат ёшдаги ота-оналарнинг «қадрсизланиши» жуда кенг тарқалган бўлиб, умумий жой бўлиб қолган. Масалан ўсмирлик ёшига хос бўлган, хулқ-атвор специфик хусусияти «емансипация реакция». Тадқиқотчилар бир неча марта бу ҳолатнинг эволюцион, биологик нуқтаи назаридан тушунтиришни ҳаракат қилдилар. Лекин буни бўрттириш керак эмас: Тенгдошлар гуруҳидаги «ота-оналарнинг ўрнини босиш» ғояси гиперболизация бўлиб реал психологик кўриншга кам тўғри келади.

Тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда ўсмирлар учун ота-оналар ориентация ва идентификация маркази сифатида фақат баъзи ҳаётий кўринишларда П-чи планга ўтади. Кўпчилик ёшлар учун ота-оналар, айниқса она, асосий эмоционал яқин киши бўлиб қолади. Масалан, тадқиқотчилардан бири кўрсатдики, муаммоли ҳолатларда ўсмирларга эмоционал яқин ишончли шахс бўлиб она ҳисобланади. Ундан кейин шароитга қараб - ота, ўртоқ ва бошқалар. Бошқа бир тадқиқотда юқори синф ўкувчиларига ким билан бўш вақтни ўтказишни? - Ота-оналар билан, ўртоқлар билан тенгдошлар ўртасида ва бошқалар билан таклиф қилинди. Ўсмир йигитлар ўртасида ота-оналар охирги 6 ўринда, қизлар ўртасида эса 4 ўринда бўлдилар. Аммо, «қийин оилавий ҳолатда ким билан маслаҳатлашардинг?» деган саволга қизлар ва йигитлар 1-чи ўринга онани қўйишди. 2-чи ўринга йигитлар отани, қизлар эса ўртоғини ёки дугонасини қўйишди. Бошқача қилиб айтганда психолог

И.С.Коннинг келтирилган тадқиқотлари натижаси қуйидагича – дўстлар билан вақт ўтказиш яхши, лекин, қийин муаммо ҳолатларда онага мурожаат қилинади. Замонавий ўсмир қиз ва йигитлардан олинган маълумотлар бу тенденцияни тасдиқдайди. Бундай бир тадқиқотларда кўрсатилгандек (А.А.Реан, М.Ю.Санникова) шахснинг ижтимоий атрофидаги бўлган тизимида кўпрок онага бўлган ижобий муносабатнинг камайиши, онани характерлашда негатив дескрипторлар (салбий характеристика) нинг кўпайиши, шахснинг ҳамма ижтимоий муносабатда негативатиянинг кучайиши билан боғлик. Тахмин қилиш мумкинки шу факт тагида умумий неготивизмнинг кўриниши бўлган фундаментал феномен бор бўлиб, ўз онасига салбий муносабатда бўлади. Тўлиқ айтганда текширишлар натижаси кўрсатдики ўз онасига салбий муносабатда бўлиш шахснинг қониқарсиз ривожланганлик кўрсаткичидир.

Инсон – ижтимоий ва жамоавий ҳаёт учун яралган жонзотдир. Биз биринчи кунларимизданоқ ўзимизга ўхшаганлар билан қуршаб олинганмиз ва турли хилдаги ижтимоий муносабатларга қўшилиб кетганмиз. Инсон биринчи ижтимоий муносабатни гапиришни ўрганишдан олдин орттиради. Инсон улғайган сари одамлар билан муносабати ортиб боради, демак бизнинг тажрибамиз ҳам ортиб боради. Инсонлар, ҳар-хил дунёқарашга эга бўлганлиги сабабли, ҳаёт мактабидан олган тажрибаларни ўзига қулай ҳолда ўзлаштиради. Аммо ҳаётий фаолият мобайнида йиғиб борган тажрибамиз биз билмаган ҳолда ўзимизнинг бир бўлагимизга айланиб боради. Ижтимоийлашув жараёни “Ким билан бўлсанг – ўшандан йиғасан” деган мақолда ўз аксини топган. Ижтимоийлашувнинг бир бўлаги бўлиш билан бирга, инсон субъэктив тажрибани ортириб боради ва шахснинг бўлагига айланиб боради. Ижтимоийлашув – бу индивид томонидан ўзлаштириш натижасида ижтимоий тажрибанинг актив ҳолда ишлаб чиқарилиши жараёнидир. Шундай қилиб, ижтимоийлашув жараёни инсонларни биргаликдаги фаолияти ва муносабатлари билан узлуксиз боғлиқдир. Шу билан бирга, психологиянинг нуқтаи назарига қараганда, ижтимоийлашув тажрибаси кузатувлар асосида олинган натижалар асосида яралган механик акс сифатида қаралиши нотўғри. Бу тажрибани ўзлаштириш эса субъэктив ҳисобланиб: бир хил бўлган ижтимоий вазиятни қабул қилмоқ ҳар хил бўлиши мумкин. Турли хил шахслар объэктив бир хил вазиятдан турли хилдаги ижтимоий тажрибани чиқариши мумкин. Шу ўринда икки ҳар хил жараённинг бирлашганлигини кузатиш мумкин – булар ижтимоийлашув ва индивидуаллашув жараёнларидир.

Ижтимоийлашув жараёни махсус ижтимоий институтларда ва ҳаттоки норасмий ташкилотлар қошида ҳам амалга оширилиши мумкин. Шахсни

ижтимоийлашувидек асосий вазифасига кирувчи махсус ижтимоий институтларга мактаблар, профессионал ўқув юртлари, (олий ўқув юртлари, профтехўқув юртлари, техникумлар), болалар ва ёшлар ташкилотлари киради. Шахсни ижтимоийлашуви учун асосий институт оила ҳисобланади. Ижтимоийлашув ўз-ўзидан пайдо бўлган ва бошқарувчан бўлиши мумкин. Шу билан бирга, масалан, мактабда фақатгина ўқитувчи дарс ва тарбия жараёнида тушунтириб борадиган дарснинг асосий билимларни олиш, ўзини тутиш қоидаларини ўргатиб бормайди. Ўқувчи учун тарбияловчи ёки ўқитувчининг “тасодиф” деб кўрилган нуқтаи назарига асосан ижтимоий тажриба бойитилиб борилади. Бу фақатгина баъзи қоидалар ва мажбурий тартибларни мустаҳкамлаб боришгина эмас, балки бу айнан ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатларни синаб бориш ва кузатиб боришда ортиб борадиган тажрибадир. У тарбиянинг моҳияти билан тўғри келувчи яъни ижобий бўлиши ҳам (бу ҳолда шахсда йўналитирлган ижтимоийлашуви ётади) ва қўйилган мақсадларга зид келувчи салбий омил бўлиши ҳам мумкин.

Дж.Апдайкнинг машҳур “Кентавр” романида Американинг мактабларидаги муаммоларига бағишланиб, унда мактаб директорининг астрономия ўқитувчиси Колдуеллга қарши чиқаётганлиги кўрсатилиб ўтилагн. Бу одам ўз дарсларига санъат элементларини киритган мактабдаги ягона ўқитувчи ҳисобланади. Романда бир эпизод бўлиб, унда мактаб директори ўзиниг ҳар ойлик “назорат ташрифи” вақтида дарснинг ўзида ўқитувчи билан муносабатларини аниқлаштиришга тушиб кетади. Албатта бундай вазиятларда ўқувчилар Ер сайёрасининг геологик ривожланиш даври хақида эмас, балки ижтимоий қатламда юқори турганлар жазосиз қолиши ҳақида маълумот йиғишади. Шундай қилиб бизнинг олдимизда ҳам дарс материалини, ҳамда “тасодифий” ҳисобланган салбий ижтимоий тажриба йиғиб бориш туради. Бундай эпизодларни кузатиб борар экансиз албатта, Колдуеллнинг ўқувчилари худди мактаб директори каби ўзини тутиши: Дефендорф каби кучли, спорт билан шуғулланувчи болакай ўзидан заифроқ касалманд болани уришига амин бўласиз.

Унда қандай қилиб “тарбия” ва “ижтимоийлашув” тушунчалари ўзаро мос келади? Тарбия, ўз моҳиятига кўра ижтимоийлашувнинг бошқарилувчи ва мақсадга йўналтирилган жараёнини ўзида акс эттиради. Бироқ, расмий ижтимоий муассасаларда (масалан, мактабда) ижтимоийлашув доимо мақсадга йўналтирилган, норасмий бирлашмаларда эса аксинча бўлиши ҳақидаги тушунча нотўғри, албатта.

Ижтимоийлашув бирламчи ва иккиламчи турларга бўлинади. Одатда, бирламчи ижтимоийлашув ўзида шунчаки ўқитишдан кўра кўпроқ нарсани

акс эттириши ва воқеликнинг умумлаштирувчи тарзи шаклланиши билан узвий боғлиқлиги қабул қилинган. Иккиламчи ижтимоийлашув эса меҳнат тақсимоти ва билимларнинг унга мос бўлган ижтимоий бўлиниши билан тавсифланади. Бошқача қилиб айтганда, иккиламчи ижтимоийлашув, бошқарув меҳнат тақсимоти билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган шароитда, махсус бошқарув таълимотини олишни ўзида намоён қилади. Ижтимоийлашув инсоннинг шахс ва фаолият субъэкти бўлиб етишишини билдирувчи икки йўналишли жараён сифатида қараладиган доирадаги бир неча бошқача тасаввурлар ҳам мавжуд. Бундай ижтимоийлашувнинг пировард мақсади шахснинг ривожланиши ҳисобланади.

Ижтимоийлашув эса индивидуаллаштиришнинг акси бўлиб, ижтимоийлаштириш жараёни шахс тенглашуви, инсоннинг индивидуаллигига олиб келмайди. Тўғрироғи, аксинча, ижтимоийлашув ва ижтимоий мослашиш жараёнида инсон, кўп ҳолларда мураккаб ва аксилтараф тарзда ўз индивидуаллигини кашф этади.

Унда қандай қилиб “тарбия” ва “ижтимоийлашув” тушунчалари ўзаро мос келади? Тарбия, ўз моҳиятига кўра ижтимоийлашувнинг бошқарилувчи ва мақсадга йўналтирилган жараёнини ўзида акс эттиради. Бироқ, расмий ижтимоий муассасаларда (масалан, мактабда) ижтимоийлашув доимо мақсадга йўналтирилган, норасмий бирлашмаларда эса аксинча бўлиши ҳақидаги тушунча нотўғри, албатта.

Ижтимоийлашув бирламчи ва иккиламчи турларга бўлинади. Одатда, бирламчи ижтимоийлашув ўзида шунчаки ўқитишдан кўра кўпроқ нарсани акс эттириши ва воқеликнинг умумлаштирувчи тарзи шаклланиши билан узвий боғлиқлиги қабул қилинган. Иккиламчи ижтимоийлашув эса меҳнат тақсимоти ва билимларнинг унга мос бўлган ижтимоий бўлиниши билан тавсифланади. Бошқача қилиб айтганда, иккиламчи ижтимоийлашув, бошқарув меҳнат тақсимоти билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган шароитда, махсус бошқарув таълимотини олишни ўзида намоён қилади. Ижтимоийлашув инсоннинг шахс ва фаолият субъэкти бўлиб етишишини билдирувчи икки йўналишли жараён сифатида қараладиган доирадаги бир неча бошқача тасаввурлар ҳам мавжуд. Бундай ижтимоийлашувнинг пировард мақсади шахснинг ривожланиши ҳисобланади.

Ижтимоийлашув эса индивидуаллаштиришнинг акси бўлиб, ижтимоийлаштириш жараёни шахс тенглашуви, инсоннинг индивидуаллигига олиб келмайди. Тўғрироғи, аксинча, ижтимоийлашув ва ижтимоий мослашиш жараёнида инсон, кўп ҳолларда мураккаб ва аксилтараф тарзда ўз индивидуаллигини кашф этади.

Иш шакли бўлмиш профконсултацияни бош ролини биз РАСТИМ деб номланган мнемотехник аббревиатураси билан шифрланган уч асосий ўрин билан асослантирамиз.

1. РА – ривожланиш, у ҳақида қуйидагиларни билиш лозим. Биринчидан, ҳозирги замон интелектни психодиагностикаси инсон қобилият нишоналари ҳақида изланишлар олиб боришга йўл қўядиган услубларга эга эмас. Барча, ҳатто мавжуд бўлган энг машҳур интелектни диагностикасини амалга оширувчи услублар ҳам охир оқибат эришилган ривожланиш даражасини диагностика қила олади холос. (К. М. Гуревич, Е. М. Борисова). Иккинчидан, руҳиятни ривожланиш принципига асосан бу эришилган даража кейинчалик ўзгаради. Бу ўзгаришларни башоратини фақатгина тахминан қилиш мумкин.

2. СТИ - услуб. Буни билиш учун етарли даражада машҳур бўлган, фаолиятнинг индивидуал услуби ҳақидаги Е. А. Климова, В. В. Белоус ва бошқалар асарларига мурожаат қилса бўлади. Мазкур илмий йўналишда, индивидуал-типик фазилатларнинг фарқларига қарамай, фаолиятнинг индивидуал услубини яратиш эвазига профессионал фаолиятни бир хил даражадаги самарадорликка эришиш мумкинлиги белгиланган. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, фаолиятнинг индивидуал услуби ўз навбатида фаолият жараёнида шаклланади шу билан бирга олдиндан бошланғич касбий саралаш даврида буни башорат қилиб бўлмайди.

3. М - манбаа. Ушбу факторни биз энг муҳим деб ҳисобладик. Манбанинг фаолият самарадорлигига бўлган таъсири ҳамиша муҳим деб ҳисобланган. Профессионал фаолият психологиясига бағишланган айрим изланишларда шу нарса маълум бўлдики, фаолиятнинг муваффақияти фақатгина манбаанинг кучига (Еркес-Додсон классик қонуни) эмас, балки баҳонанинг тизимига ҳам боғлиқ. Бундан ташқари, эксперемент орқали шу нарса маълум бўлдики, ижобий профессионал баҳона ҳатто қобилиятларнинг етарли эмаслигини ҳам компенсация қилиши мумкин (В. А. Якунин, Н. И. Мешков, А. А. Реан). Бунга тескари бўлган ҳодиса эса рўй бермайди: салбий профессионал баҳона эса жуда юқори даражада бўлган махсус қобилиятлар билан ҳам тўлдира олмайди. Лекин манбаа ҳолатини бундай юқори аҳамиятини эсда тутган ҳолда, шуни айтиб ўтиш керакки, бугунги кундаги профессионал манбаанинг психодиагностикасининг имкониятлари чекланган. Бу чекланганлик айниқса синалаётган шахс чин юракдан ўзини очишни истамаган ҳолларда яққол намоён бўлади. Бундан чиқди янада ишончлироқ тест сўровномаларини, айниқса проектив услубларни ишлаб чиқиш зарур.

Юқорида қайд этилгандан ташқари яна бир муаммо мавжуд. Бу ерда гап янада мураккаб касблар ҳақида, масалан ўқитувчи касби, бошқарувчи ҳақида

боради. Бундай касбларни кўпчилиги бўйича ҳали замон умумеътироф этилган профессиограммалар яратилмаган. Мисол учун, бошлиқнинг профессионал муҳим хусусиятларига ҳар хил муаллифлар турли хил шахсий хусусиятларни келтирадилар, натижада уларни қайси бирлари асосида танлов ўтказиш зарурлиги номаълум бўлиб қолади.

Юқорида айтилгандан, албатта иш шакли бўлмиш профтанлаш профконсултацияни ўрнини буткул эгаллайди деган хулосага келиш керак эмас. Бундай ҳолларда зарур ва етарли шарт-шароитларни фарқлай билиш лозим. Профтанлаш зарур критерияларга асосланган.

Профтанлаш процедураси очиқ касбий нолойиқлик, яъни, касбни зарурий талабларига лойиқ келмайдиган даъвогарларни чиқариб ташлашга қодир. Бироқ изланишлар ва амалиёт шуни кўрсатадики, бундай бахссиз критерийлар камдан-кам ҳолларда психологик даражада шаклланиши мумкин. Асосан улар медик-психиологик ва психофизиологик даражада ўрин эгалллайди. Шунинг учун, профтанлаш этапидан сўнг профконсултация этапи зарур, унинг асосий мазмуни –шахснинг психологик диагностикаси. Танлов сақланиб қолган, селекция зарур бўлган ҳолларда эса, танлов профессионал компетентлик критерийси асосида амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолларда профессионал компетентлик тўғридан-тўғри баҳоланиши мумкин (билим, қобилият ва кўникманинг урф-одат диагностикаси), мураккаб ҳолларда эса - компетент судялар услуби ёрдамида махсус услублар орқали амалга оширилиши мумкин.

## Ўз ўзини назорат қилиш учун саволлар ва вазифалар

1. Таълим тизимининг мақсадлари нималардан иборат?

2. Таълим тизимида шахснинг ривожланишига йўналитирилган комплекс ёндашув вазифаси нималардан иборат?

3. Ижтимоийлашув нима?

4. Шахс ижтимоийлашувининг бирламчи ва иккиламчи ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

5. Шахсни оиладаги ижтимоийлашуви йўллари нимада?

6. Ота-оналарнинг ҳулқ-атвори услуби болаларнинг ижтимоий ривожланишига қандай таъсир кўрсатади? Ота-оналарни ҳулқ-атвори моделларини қандай турларини биласиз?

7. Оиланинг структуравий ва психологик деформацияси нима?

8. Шахс ривожланишига структуравий ва психологик деформация қандай таъсир кўрсатади?

9. Бола улғайиши билан оила роли ва мазмуни қандай ўзгаради?

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. **И.А.Каримов “Баркамол авлод орзуси” Шарқ 1999 йил. 60-63 бетлар.**
2. **И.А.Каримов “Юксак маънавият-энгилмас куч” Маънавият-2008 й. 52-54 бетлар.**
3. Ж.Ғ.Йўлдашев “Педагогик технология асослари” Т Ўқтиувчи--1994 й
4. Р.А.Мавлонова ва бошқалар “Педагогик технология” Фан 2008 й. 20-22 бетлар.
5. Ж.Ғ.Йўлдашев “Интерфаол таълим сифат кафолати” ЎМОИ Т-2007 й


# 9-МАВЗУ: ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС

## РЕЖА:

1. “Шахс” тушунчаси.
2. Шахснинг ижтимоийлашуви.

“Шахс” тушунчаси нафақат психология балки философия, педагогика,оциология, криминалогия ва бошқа фанлар тизимидаҳам ўрганилади. Психология фани нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, инсон руҳий олами, унинг “шахсий қарашлари” бирон-бир соҳани четлаб ўтолмаган. Барчамизга маълумки хотира, идрок этиш, сўзлашув жараёнлари ўз-ўзидан шаклланмайди. Шахс ташқи, ижтимоий таъсирларни ўз онги ва идроки билан қабул қилади, эслаб қолади ҳамда фикр юритади.  Шу бўйича психолог В.Н.Мясищев шундай дейди: “Шахс билан боғлиқ жараёнларни акс эттирмайдиган психологияни ушбу жараёнларни акс эттирадиган психологияга айлантириш лозим, психологияда шахс жараёнларини акс эттирмаслик фақат шартли равишда кўрилиши мумкин” дейди.  Барчамизга маълум ҳар бир шахс атроф-муҳитда содир бўлаётган ходисаларни, атрофидаги шахсларнинг харакатини ўзича ўз онги ва идроки билан қабул қилади ва тушунади.  Шахснинг у ёки бу маълумотларга шахсий муносабати унинг хотирасига яъни эслаб қолиш жараёнларига таъсир кўрсатади.

Шахсга тааллуқли бўлган энг муҳим жиҳатлардан бири шуки, унинг айрим шахслар билан субъэктив муносабати бошқалар билан муносабга киришишида хулқига ва бошқа ҳолатларига таъсир кўрсатади.

Психологияда “шахс” дегани нима ўзи? Ушбу тушунчага турлича қарашлар мавжуд бўлиб, ушбу қарашларнинг ҳар-хиллигига қарамай улар бир-бирига зид эмасдирлар. Шундай қилиб, “Шахс” бу —социал индивид бўлиб, ижтимоий муносабатларда фаолият кўрсатувчи ва мулоқатда бўлувчи субъэктдир. Оддийроқ қилиб айтганда “индивид” термини шахснинг биологик мавжудлигини акс эттирса, “шахс” термини эса уни социал яъни ижтимоий мавжудлигини акс эттиради. Инсон “индивид” тариқасида туғилса, “шахс” тариқасида шаклланади. Аммо ушбу иккала тушунчаларни, иккала ҳолатни ҳам бир-бирига боғлиқ ҳолда кўрилмаса нотўғри бўлар эди.

Шахсдаги социал яъни ижтимоий ҳолат унинг биологик ҳолатидан ажратилмаган. “Индивид” шахсда мавжуд бўлиб унда шаклланиб боради. Аммо кейинчалик шахснинг ривожланиш даражасига қараб намоён бўлади. Шу ўринда Е. Климов шахсда “ижтимоий” ва “биологик” эҳтиёжларнинг устунлиги юзасидан олиб бориладиган доимий баҳс-мунозаралар ўринли ва асосли бўлиши лозим деб таъкидлайди.

XX асрнинг таниқли психологи ва файласуфи Э.Фроммом шахснинг ижтимоий ва биологик ҳолатларини ягона тизим тарзида мавжудлиги тўғрисидаги қарашида “шахс” – бу туғма ва хаёти давомида орттирилган психик сифатларга эга бўлиб, "индивид”ни характерловчи ва ривожлантирувчи омил бўлиб, темперамент, қобилият, характер, иродавий сифатлар, эмоцияларни ўз ичига олади, аммо лекин шахснинг мавжудлиги - ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъэктидир деб таъкидлайди.

Ўтган аср амалиётини ўрганадиган бўлсак, уша даврларда психик холатни ташқи таъсирдан ажратишга уринилган. Ушбу ёндошувни шахснинг ижтимоийлашуви концепциясининг “*механизми”*да, инсоннинг онтогенетик ривожланишига бўлган муносабатда кўришимиз мумкин. “Механизм” терминини ажратиб кўрсатишимиздан мақсад шахснинг ижтимойилашуви феноменини тор доирада тушуниш шарт эмас, аслида юқорида кўрсатилган шахснинг ижтимоийлашуви концепцияси умуман олганда психологик жараён ҳисобланмайди.

Бунга қарши айрим назарий қарашларда психик холат аввало шахснинг ички кечинмаларидан (мотив, аттитюд, талаб, ва бошқалар) иборат ва психологик майдонида махсус характерга эга деб кўрсатилган. С.Л. Рубинштейнннинг фикрича ушбу масалани хал этишда аввало икки ҳолатни бирлаштирган ҳолда яъни, ташқи таъсир ва шахснинг ички руҳиятини ҳисобга олиш лозим дейди.

Юқоридаги икки концепцияни бир-бирига қарама-қаршилигини бартараф этиш мақсадида С.Л. Рубинштейн ўзининг формуласини таклиф

қилади. Унга асосан ташқаридан шахсга кўрсатилаётган таъсирни оддий тарзда эмас, балки ички холат орқали ўзлаштирилиши белгиланган. Шу билан бирга ҳар қандай шахснинг психик ҳолати ташқи таъсирлардан устун келиши мумкинлигини таъкидлайди. Ички ҳолатнинг ўзи эса психик жараёнларни, психик таркибни ва шахснинг умумий ҳолатини ўз ичига олади.

## Шахснинг ижтимоийлашуви

Ижтимоийлашув - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт — фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир. Шахс – ижтимоий мавжудотдир. У хаётининг илк кунлариданоқ ижтимоий муносабатларга киришади. Ижтимоий муносабатдаги илк тажрибани инсон хали тили чиқмасдан олдин эгаллайди. Ушбу тажрибалар шахснинг ажралмас бир бўлагига айланиб боради. Демак, *ижтимоийлашув* — инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт — фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир. Ижтимоийлашув энг аввало одамлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликда турли фаолиятни амалга ошириш жараёнини назарда тутади. Ташқаридан шахсга кўрсатилаётган таъсир оддий, механик тарзда ўзлаштирилмай, у шахснинг ички руҳияти нуқтаи назаридан субъэктив тарзда идрок этилади. Шунинг учун ҳам бир хил ижтимоий муҳит ва бир хил таъсирлар одамлар томонидан турлича қабул қилинади. Бунинг натижасида эса ҳар – хил шахслар объэктив бир ижтимоий ҳолат юзасидан ҳар-хил ижтимоий тажрибани эгаллайдилар. Бу эса ўз навбатида юқорида таъкидланган ижтимоийлашув ва индивидуаллик жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги шунингдек, ўзаро қарама-қаршилигидан дарак беради.

Ижтимоийлашув жараёнлари нафақат махсус ижтимоий институтлар томонидан шунингдек, бошқа норасмий уюшмалар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Махсус ижтимоий институтларнинг асосий функцияси шахсни ижтимоийлаштириш бўлиб уларга мактаб, махсус таълим муассасалари (олийгоҳлар, техникум ва колледжлар), болалар ва ёшлар уюшмалари ва ташкилотлари киради. Шахсни ижтимоийлаштириш институтлари ичида оила алоҳида ва маҳим ўринга эгадир. Ижтимоийлашув бир вақтнинг ўзида мақсадли ва бошқариб бўладиган шунингдек, бошқариб бўлмайдиган ва тартибсиз характерга эгадир.

«Тарбия» ва «ижтимоийлашув» тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги нимада?

Шахс ижтимоийлашувининг бир тури ҳисобланган "тарбия" бошқариб бўладиган мақсадли жараён ҳисобланади. Лекин бу дегани махсус ижтимоий институтларда (масалан мактабда) ижтимоийлашув жараёнлари доимо

мақсадли бўлади, норасмий уюшмаларда эса бунинг акси дегани эмас. Шу ўринда бир вақтнинг ўзида ижтимоийлашув жараёнини ҳам мақсадли ҳам бошқариб бўлмайдиган жараён бўлиши мумкинлигини қуйидаги ҳолат билан тушунтириш мумкин. Масалан мактабларда ижтимоийлашув жараёнлари учун махсус жорий этилган фанлар мавжуд. Ўқувчи дарст пайтида нафақат ижтимоий билимни, ижтимоий қоида ва нормаларни, шунингдек тасодифий ҳолатларни ҳам ўзлаштиради. Ушбу жараёнда ўқитувчининг ўзини қандай тутаётганлиги, кийим-боши, мавзуга субъэктив муносабати энг муҳими ўқувчи билан ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабат, шунингдек ўқувчилар билан ўқувчилар, ўқитувчилар билан ўқитувчилар ўртасидаги муносабатлар ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Қолаверса ушбу жараён ҳам ижобий ҳам салбий кўринишда бўлиши мумкин. Ушбу ҳолат тарбия жараёнининг мақсадига мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин. Ижтимоийлашувни биринчи навбатдаги ва иккинчи навбатдаги жараёнларга бўлиш мумкин.

Биринчи навбатдаги ижтимоийлашув ижтимоий образни шаклланишида алоҳида аҳамиятга эгадир. Иккинчи навбатдаги ижтимоийлашувда эса мехнат ва ижтимоий билимларни тақсимланиши назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда (П.Бергер, Т.Лукман) иккинчи навбатдаги ижтимоийлашув ўзида специфик бошқарувни акс эттириб, ушбу бошқарув соҳасида меҳнатни тўғридан-тўғри ёки билвосита тарзда тақсимлашда ифодаланади. Шунинг айрим қарашларда ижтимоийлашув жараёни икки йўналишда амалга оширилиб, инсонни шахс сифатида шаклланиши ва инсонни фаолият субъэктига айланишида ифодаланади деб таърифланади (Б.Г. Ананев). Шахс кўринишидаги ва фаолият субъэкти сифатидаги ижтимоийлашув, натижада индивидуаллилик шаклланади.

Ижтимоийлашув ва ижтимоийлашувга мослашиш жараёнларида, шахс ўзининг индивидуал хусусиятларини шаклантиради, бундай жараёнлар кўпроқ мукаммал бир-бирига қарама-қарши ҳолатларда ифодаланади. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ижтимоий тажриба субъэктив характерга эга бўлиб, бир хил ижтимоий муҳит одамлар томонидан турлича қабул қилинади ва ҳар-хил шахслар турлича таъсирланадилар. Шунинг учун ижтимоий муҳит турли шахсларнинг онгида турлича из қолдиради. Бунинг натижасида эса объэтив жиҳатдан бир хил бўлган ижтимоий муҳит турли шахсларда турлича ижтимоий тажрибани келтириб чиқаради. Шундай қилиб, ижтимоийлашув жараёнининг асоси бўлган ижтимоий тажриба, нафақат ушбу тажрибага субъэктив жиҳатдан эга бўлишни шунингдек, уни қайта ишлашда фаолликни ўзида акс эттирган индивидуал хусусиятларни шаклланишида ҳам муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Шахс психологиясида “ижтимоийлашувдан индивидуаллик сари” парадигмасини тарқалиши жиддий асос ва чуқур маънога эга. Аммо ушбу тушунчаларни тўғридан-тўғри тушуниш ва ўзига қабул қилиш шахсни субъэкт сифатида шаклланишига тўсқинлик қилади. Бунинг асосида шаклланган шахс психологияси ривожланишдан маҳрум бўлади, оддий қилиб айтганда бундай ҳолат бўлиши мумкин ҳам эмас. Шахс – нафақат ижтимоий индивид, балки ижтимоий ривожланиш ва энг муҳими ўзини-ўзи ривожлантириш жараёнининг фаол субъэкти ҳамдир.

Шундай экан шахсни нафақат ижтимоий тажрибага эга бўлган индивид сифатида шунингдек, уни ижтимоийлашув жараёнининг фаол субъэкти сифатида қабул қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу таърифнинг изоҳи сифатида, индивид бошидан ижтимоийлашувга эга бўлади, шунинг учун ҳам унинг шаклланиб ривожланиши чексиз турли йўналишларда амалга оширилади деган қарашларда кўришимиз мумкин (А.В.Брушлинский, 1991).

Вақт ўтган сари юқоридаги ёндошувларга психолигия фани нуқтаи назаридан қараш ноўрин бўлиб, ушбу ҳолат ижтимоийлашув жараёнида шахсни ривожланиши концепциясидан воз кечилишида ифодаланади. Аслини олганда шахсга ижтимоийлашувнинг фаол субъэкти сифатида қараш лозим. Қолаверса шахсни ижтимоийлашув жараёнига мослашуви уни нафақат кўникмалар ҳосил қилиши, шунингдек фаоллик билан ривожланишини ҳам ҳисобга олишни талаб қилади. Шу ерда таъкидлаш жоизки ҳар қандай ривожланиш жараёнида қабул қилиб олинган ва йўқотилган ички денамика ҳолатлари алоҳида рол уйнайди. Б.Балтеснинг (Паул Б.Балтес, 1994) фикрича бирон-бир ривожланиш жараёни фақат ўсиш ва такомиллашувдан иборат бўлмайди. Ижтимоийлашув жараёни шахсни катта ёшга етганда ёки кексалик даврида тугамайди. Қолаверса ижтимоийлашув жараёни мақсади аниқ бўлган аммо охири ёки муддати белгиланмаган жараёндир. Шунингдек ушбу жараён узлуксиз инсоннинг бутун умри мобайнида давом этади. Бундан хулоса қилиш мумкинки демак ижтимоийлашув жараёни ҳеч қачон тугамаслиги билан бирга у “ҳеч қачон тўлиқ ҳам бўлмайди” (П.Бергер, Т.Лукман).

## Савол ва топшириқлар:

1. Шахс нима?
2. Ижтимоийлашув феномени психологияда қандай тушунилади?
3. Индивидуаллик ва ижтимоийлашув ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Педагогика / Под. ред. П.И.Пидкасистого – М, 1996 г.

2.А.Реан, Н.Бордовская, С.Разум. Психология и педагогика Москва – Санк-Петербург – 2007 г.

3.Сластинин В.А. и др. Педагогика – 2007 г.

4.Мавлянова Р.А. Педагогика. Изд. Ўқитувчи – 2002 г.

## 10-МАВЗУ: Мен – шахс концепцияси

1.МЕН" – шахс концепцияси.

2.Кексалик даврида шахснинг ижтимоийлашуви.

3."Шахс" моделининг айрим турлари.

"МЕН" концепцияси - шахснинг ўз-ўзига нисбатан баҳолар тизимини умумлашмаси ҳисобланиб, бундай ҳолатни психологлар "ўзини англаш тиорияси" деб аташади. Ижтимоий атроф муҳит (оила, мактаб, расмий ва норасмий гуруҳлар) "МЕН" концепциясини шаклланишида катта таъсирий куч ҳисобланади. "МЕН" концепциясини ижтимоийлашув жараёнида фундаментал жиҳатдан шаклланишида асосий таъсир қиладиган муҳит бу оиладир. Шунингдек, бу таъсир нафақат ижтимоийлашувнинг бошланғич даврида, яъни шахснинг болалигида, хатто кейинчалик давом этадиган ижтимоийлашув жараёнларига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Ёш улғайган сари "МЕН" концепциясининг ривожланишида ташқи муҳит яъни, мактаб, айрим норасмий гуруҳлар билан ўзаро муносабатдаги тажриба ҳам муҳим рол уйнайди. Бироқ ижтимоий институт ҳисобланган оила, шахс ижтимоийлашувининг ўспиринлик даврида ҳам алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда.

Умуман олганда психологияда "МЕН" концепциясининг иккита *реал* ҳамда *идеал* шакллари мавжуд.

"МЕН" концепциясининг реал кўринишида шахснинг ўзи тўғрисида фикри, яъни "мен қандай шахсман" деган саволга ўз жавоби тушунилса, идеал кўринишдаги мен концепциясида эса шахс ўзини ўз орзуси билан ("қандай бўлишни хохлайман") тасаввур қилиши тушунилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки "МЕН" концепциясининг реал ҳамда идеал шакллари нафақат бир-бирига мос келмаслиги шунингдек, кўп ҳолларда бир-биридан фарқ қилиши ҳам мумкин. "МЕН" концепциясидаги

бундай фарқ салбий ҳолатлар билан бирга ижобий ҳолатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бир тарафдан реал ва идеал “МЕН”нинг бир-бирига мос келмаслиги шахснинг ички туйғуларида қарама-қаршиликларни шаклланишига олиб келиши мумкин. Бошқа тарафдан эса реал ва идеал “МЕН”нинг концепцияси бир-бирига тўғри келмаслиги шахснинг ички ривожланишига ҳам туртки бўлиши мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу қарама-қаршиликларни шахс ўзига қандай қабул қилиши муҳим аҳамият касб этади.

Реал ва идеал “МЕН”нинг кўп ҳолларда бир-бирига тўғри келмаслигини эътиборга олган ҳолда ўзига - ўзи баҳо беришнинг адекват яъни мутаносиб методикалари ишлаб чиқилган.

“Мен” концепцияси билан ўзига - ўзи баҳо беришнинг психологик тушунчалари ўртасида ўхшашликнинг мавжудлигига қарамасдан улар ўртасида маълум фарқ бор.

Албатта у ёки бу кўринишдаги “МЕН” концепцияси салбий ёки ижобий кўринишда бўлиши мумкин. Ўзига - ўзи баҳо бериш, бевосита инсон ўзини шахсий фазилатларини ўзида баҳолаш билан ифодаланади. Масалан инсон темперамент бўйича сангвиник эканлигини англаши ёки у ўзини баланд бўйли, кўзлари жигарранг эканлиги билиши “МЕН” концепциясининг бир қисмини ташкил этади, аммо лекин ушбу ҳолатлар баҳоланмайди.

Ўзига - ўзи баҳо беришда, у ёки бу сифатларнинг яхши ёки ёмонлиги кўриб чиқилади, натижада субъэкт бундай сифатларда ўзини қандай инсон эканлигини, яъни бошқалардан “яхшироқ” ёки “ёмонроқ”лигини солиштириш орқали баҳолайди.

Ўзига - ўзи баҳо бериш маълум даражада шахснинг ижтимоийлашув жараёнларига мослашувини белгилайди, унинг хатти-ҳаракатлари ва фаолиятини тартибга солади. Шунингдек, ўзига - ўзи баҳо бериш ижтимоийлашув жараёнларида, фаолият жараёнларида ва шахслараро ўзаро муносабатларда шаклланади. Жамият эса ўз навбатида шахснинг ўзига - ўзи баҳо беришида таъсир этади. Шахснинг ўзига бўлган муносабати ташқи оламга бўлган муносабатлари тизимида кеч шаклланганганлигига қарамай шахсни ўзига -ўзи баҳо бериш жараёнлари алоҳида ўринга эгадир.

Ўз - ўзига баҳо бериш ижтимоий адаптация ёки дезатаптация жараёни билан боғликдир. Ҳозирги давр вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ўзига - ўзи баҳо бериши ҳақидаги тадқиқот ва қарашларнинг қарама-қаршилигига қарамасдан, ҳуқуқбузарлар томонидан ўзига - ўзи баҳо бериши, ўзини хулқ-атворсиз тутиши делинквент характерга эга эканлиги умумий тарзда тан олинган. Шунингдек, олим ва тадқиқотчилар томонидан олиб борилган баҳсларнинг асосий мавзуси ҳам аввало ҳуқуқбузарнинг ўзига - ўзи юқори

ёки паст баҳо бериши тўғрисидаги масалаларга қаратилган. Кўп тарқалган ва эмперик тадқиқотларга асосланган фикрларга қараганда вояга етмаган ва вояга етган ҳуқуқбузарлар доимо ўзларига - ўзлари юқори баҳо бериб келганлар. Неадекват (номақбул) ўзига - ўзи берилган баҳонинг юқорилиги шахснинг ижтимоий дезадаптацияси билан боғлиқ, бу эса ўз навбатида кенг қарама-қаршиликларни келиб чиқишига ва шахсни делинквент хулқини намоён бўлишига олиб келади.

Шу билан бирга бошқа қарашлар ҳам мавжуд, улар ҳам ўз навбатида экспериментал маълумотларга асосланган. Уларга кўра вояга етмаган ҳуқуқбузарнинг ўзига - ўзи берган баҳоси вояга етган ҳуқуқбузарнинг ўзига берган баҳосига кўра пастроқ бўлади. Ушбу концепцияни қўллаб-қувватловчи олим ва тадқиқотчилар бошқа илмий тадқиқот натижаларини методик жиҳатдан нотўғри эканлигини таъкидлайдилар.

Айрим тадкикотларнинг натижасига қараганда, ёш жиноятчилар ҳамда вояга етмаганлар билан ишловчи ташкилотлар томонидан тарбияси оғир деб топилган ўсмирларда «МЕН» концепцияси салбий характерган бўлади. «МЕН»нинг салбий образи (ўзига ишончсизлик, ўз - ўзига паст баҳо) кейинчалик шахсда салбий хулқни шаклланишига олиб келади.

Х.Ремшмидтнинг фикрича “МЕН” концепциясининг салбий жиҳатлари қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

1.Ўзига нисбатан ҳурматнинг пасайиши, бунинг оқибати эса – ижтимоий инқироз, тажавузкорлик ва жиноятчилик аломатлари вужудга келади.

2. Оғир вазиятларда конформистик таъсирларни қўзғалиши. Бундай ўсмирлар осонлик билан жиноий гуруҳларга қўшиладилар.

3. Қабул қилишнинг ўзгариши. Ўзига - ўзи паст баҳо берган ёшлар яхши ишларни содир эта олишларига ишончсизлиги.

Умуман олганда замонавий психологияда вояга етмаган шахсларни ўзига - ўзи паст ёки юқори баҳо бериш масалаларида маълум қарама - қаршиликлар мавжуддир.

Илмда “имконияцизлик” вазиятлари келиб чиқганида, ушбу вазиятни олдини олишнинг чораси сифатида янги концепцияни ишлаб чиқиш эҳтиёжи туғилади ва яратилган концепция қарама-қаршилиликларни олдини олиш учун хизмат қилади.

Мавжуд бўлган қарама-қаршилик ва кўрилаётган муаммога бошқа концептул назар билан ҳам боқиш мумкин. Шуни этироф этишимиз мумкинки, вояга етмаганларнинг асосий муаммоси бу уларнинг ўз-ўзига бераётган баҳосининг юқорилиги ёки пастлигида эмас балки, ушбу баҳонинг жамиятнинг бераётган баҳоси билан қарама-қаршилигидадир (ота-онанинг, укитувчининг, синфнинг). Бунда жамиятнинг баҳоси, ёшларнинг ўз - ўзига

берган баҳосидан пастроқ бўлади (хатто ёшларнинг баҳоси адекват тарзда бўлса ҳам). Делинквентликнинг бошланиш нуқтаси ҳам шундадир, ёшларни жамият орасида ўзини ҳулқ атворсиз тутишига ҳам туртки бўлиб хизмат қилади. Шахснинг асосий эҳтиёжларидан бири бу хурмат талаб килишдир. Шахс тўғрисидаги айрим концепциларда бу эҳтиёж фундаментал эҳтиёж сифати эътироф этилади (А. Маслоу). Умумий адаптацион синдромининг муаллифи Г. Селенинг фикрича, айнан шу эҳтиёжни тўхтатишга ҳаракат қилиниши, дистресни кучли омили эканлигини баён этади. Шу билан бирга муаллиф, шахсни хадеб танбех олавериши бошқа хил ташқи таъсирларга нисбатан, шахснинг фаолиятига кўпрок салбий таъсир кўрсатишини шахснинг ўзи ҳам тан олишга эҳтиёж сезади деб таъкидлайди.

Жамият вояга етмаган шахснинг ўзига –ўзи берган баҳосини қўллаб – қувватламаса ва доимий равишда шахснинг баҳосига нисбатан паст баҳо берса, шахснинг фундаментал эҳтиёжларидан бири – ҳурматга сазоворлик эҳтиёжи – тан олинмаса, инсонда шахсий дискомфортлик яъни ўз-ўзини ноқулай сезиш хисси тезда ривож топади. Шахс ҳар доим ҳам шахсий дискомфортлик яъни ўзини ноқулай вазиятда сезиш туйғуси билан яшай олмайди ва бундай вазиятдан чиқиш усулларини қидира бошлайди. Шундай экан, шахснинг ўз - ўзига берган баҳоси жамиятда адекват равишда қабул қилинмого лозим. Вояга етмаган шахс келиб чиқган вазиятни ўзига қулай равишда хал қилиш мақсадида турли гурухларга қўшила бошлайди. Гурух томонидан шахснинг ўз - ўзига берган баҳоси тўлик қўллаб-қувватланади ва хатто кўкларга кўтарилади. Бундай вазиятларда вояга етмаган шахс ўзининг эхтиёжларини тўлик қондирилганлигини хис этади ва гурух орасида ўзини эркин тута бошлайди. Шундай қилиб, вояга етмаган шахс ўзига - ўзи берган баҳосини қўллаб-қувватланишини сеза бошлайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вояга етмаган шахс қўшилган гурух турли хил юналиш ва мақсадларга эга бўлиши мумкин. Афсуски кўп ҳолларда гурухлар ва уларнинг аъзоларининг қизиқишлари ғайритабиийдир. Бироқ, ўз - ўзига баҳо бериш билан баҳо беришнинг юқорида кўрсатилган қарама-қаршиликлари ҳар-доим хам салбий оқибатларга олиб келмайди. Бунда вояга етмаган шахснинг қўшилган гурухи жамиятда соғлом турмуш тарзига эга бўлиши лозим. Албатта носоғлом муҳитга, салбий йўналишга асосланган гурухга кушилиб қолган шахсни ушбу гурухдан чиқариб олиш лозим. Бундай ҳолларда кўпгина ота-оналар фарзандларини тезроқ ушбу гурухдан ажратиб олиб бошқа гурухга қўшишга харакат қилишади, лекин бундай ҳолат шахснинг психик ҳолатига таъсир қилиб салбий натижалар келтириб чиқариши мумкин. Демак носоғлом муҳитдан ёки салбий йўналишга асосланган гурухлардан вояга етмаган шахсни дарҳол чиқариб ёки тортиб

олиш эмас, балки бошка ижобий гурухга аста-секинлик билан қўшилишини ва у ерда ўз - ўзига берган баҳосини қўллаб-кувватланишини таъминлаш лозим.

## Шахснинг ижтимоий етуклиги

Шахснинг ижтимоий етуклиги муаммолари ҳар-хил фанлар томонидан ўрганилади, яъни буларга педагогика, психология, социмология, криминалогия ва бошқа фанлар киради. Шу ерда айримлар томонидан нимага ушбу фанлар қаторида криминалогия Фани турибди? Деган савол туғилиши мумкин. Олимларнинг фикрича ҳар қандай ҳолатни баҳолаш учун уни ҳар томонлама кўриб ўрганиш лозим. Яъни бир ҳолат юзасидан тўлиқ изланиш учун албатта уни идеал ҳамда антиидеал моделлари ҳисобга олиниши лозим. Криминалогия эса айнан “антиидел” моделининг салбий (минус) томонларини ўрганади. Шунинг учун ҳам криминалогияни ижтимоийлашув жараёнидаги роли ва моҳияти катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу фан ижтимоий етук бўлмаган моделни яратади, торбия жараёнида содир этилиши мумкин бўлган хато ва унинг натижалари тўғрисида хабардор қилади.

Этуклик давридаги ижтимоийлашув жараёни кўплаб фанлар томонидан ўрганилади, аммо инсоният илмида янги соҳа бўлган акмЭеолигия (гр. сўз. – очилиш, камол топиш) учун бу жараён маълум муаммолар туғдиради. Умуман олганда

акмеолигия фанининг ўзи шахс етуклигининг феномени ҳисобланади. Ушбу фан нуқтаи назарига – инсонни индивид, шахс, фаолият ва индивидуаллик субъэкти сифатида юқори чуққиларни эгаллаши жараёни ва натижалари киради.

“Шахснинг етуклиги” – дегани нима? Хозирги кунгача ушбу тушунчага бир хилда, аниқ бир тушунча берилмаган, ханузгача олимлар томонидан шахснинг етуклик давринининг объэктив жиҳатлари юзасидан тортишувлар давом этиб келмоқда. Ушбу ҳолат юзасидан Б.Г.Ананев, ҳар-хил тортишувлар психологик адабиётларда “этуклик” терминлари “катта ёшга тўлган” терминлари билан ўзгартирилиб борилмоқда дейди. Аммо бундай ўзгартиришлар ушбу ибораларни тушунишни янада чалкаштиради. Маълумки хатто индивид даражасидаги “этуклик” ва “катта ёшга тўлган” терминларни тушунчалари бир-бирига тўлиқ синоним ҳисобланмайди. Айниқса, катта ёшга тўлган шахс ва профессионал етуклик тўғрисида гапирадиган бўлсак, ушбу тушунчалар умуман бир-бирига мос келмайди. Шундай қилиб, “этуклик” ва “катта ёшга тўлган” терминалогик тушунчалар ҳар-хил маънони англатиб, “катта ёшга тўлган” терминини “этуклик”

термини тушунчасига нисбатан қўллаш мумкин эмас, қолаверса етуклик соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар доирасида ҳам бундай ўзгартиришларга йўл қўйилмайди. Бир парадигма доирасидаги “этуклик” муаммоси – индивид, шахс, фаолият ва индивидуаллик субъэкти даражасида кўрилиши мумкин. Бошқа тушунчалар тизимида кўрадиган бўлсак уларга “интелектуал етуклик”, “эмоционал етуклик” ва “шахсий етуклик” тушунчалари киради. Буларнинг ичида етуклик аспектлари ичида “шахсий етуклик” алоҳида аҳамиятга эга бўлиб у мукаммал ва деярли илмий ўрганилмаган аспект ҳисобланади. Хозирги кунда шахс ижтимоий етуклигининг тўлиқ моделини яратиб ёки таърифлаб бўлмайди. Қадим даврларда инсонлар онгида ерни учта кит ёки учта фил устида жойлашган деган қарашлар шаклланган. Шахсни етуклигини акс эттирадиган ва ўз атрофида бошқа гуруҳларни ташкил қиладиган 4та асосий типи мавжуд бўлиб уларга: 1)масулият; 2) сабр; 3) ўз-ўзини ривожлантириш; 4) ижобий фикрлаш, ташқи дунёга ижобий муносабати киради.

Ушбу таркибларни атрофлича ўрганамиз.

*Масулият* – ижтимоий етукликга етмаган шахсни оддий инсондан фарқлайдиган ҳолат бўлиб, хозирги кунда шахс психологиясида масулиятнинг иккита кўриниши кенг тарқалган.

*Биринчи типли масулият* шундайки, шахс ўзининг ҳаётида рўй бераётган барча ходисаларнинг сабабчиси, масули сифатида фақат ўзини тан олади (Дж.Роттер терминалогиясида интернал назорат локуси).“Ўзимнинг ютуқларим ва омадсизлигимга ўзим жавоб бераман. Менинг ва оиламнинг ҳаёти фақат ўзимга боғлиқ. Мен буни қилишим керак ва қила оламан” – бундай шиорлар остида “американча орзуга” эга бўлган қахрамоннинг харакати ёки фаолияти шакллана бошлайди. Шу ерда М.Митчелл романининг бош қахрамони Скарлет ЎХаранинг хаётини ёдга олсак. Урушнинг дахшадли ва очарчилик кунларини бошидан кечирган бу қахрамон “ўзим ҳам яқинларим ҳам хеч қачон оч қолишмайди” деб ўз - ўзига қасамёд қилади. Бу масулият ишни бажаришда у фақат ўзига ишонади ва хеч кимдан ёрдам кутмайди. Натижада оқимга қараб сузаётган ва халок бўлаётган бошқа аёллардан фарқ қилган Скарлет ЎХара ҳаёт учун курашади ва ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини топади.

*Иккинчи типли масулият*- шахс ўзининг хаётида руй бераётган воқеаларни, ходисаларнинг сабабчиси ташқи омиллар, бошқа одамлар билан боғлиқ деб ҳисоблайди (экстернал назорат локуси). Бундай ҳолатда шахс ўзиниг ютуқлари ва омадсизликлари юзасидан масулиятли деб ота-она, ўқитувчилар, ҳамкасблар, бошлиқлар, танишларни ҳисоблайди. Бундай масулият кўпроқ болалар ва ўсмирларга хос бўлиб, масулиятни фақат

бошқаларга юклашга мойил бўладилар. Оддий тилда айтадиган бўлсак, иккинчи типли масулият тушунчаси масулияцизликни англатади. Катта ёшдаги, ижтимоий етук бўлмаган ва масулияциз инсонларда бундай ҳолат ғаройиб формаларда акс эттирилиши мумкин. Чеховнинг “Дуел” асарида иродасиз ва масулияциз Лаевский бошидан кечирган кўнгилсизликларига изоҳ беришда ўзини рус адабиётидаги “ортиқча одамлар” тоифасига киришини, “шафқациз асрнинг типик маҳсулоти”, даврнинг мажруҳ парчаси дея изоҳлайди. Зоолог Фон Корен эса Лаевскийни барча кўнгилсизликларига шахсан ўзи сабачи эканлиги, дангасалиги ва руҳий қашшоқлигини тан олишни хатто таъсаввур ҳам қилмаслиги сабабли ундан нафратланади.

Бугунги кунга келиб кўпгина тадқиқотлардан маълумки, яъни интерналлар (биринчи типли масулият одамлар) ўзига кўпроқ ишонган, анча вазмин ва меҳрибон, ижтимоий таниқли бўладилар. Интерналларнинг бошқаларга ўта меҳрибонлиги ҳақидаги умумий тасаввур қуйидаги тадқиқот натижалари тасдиқлайди.Маъсулиятли ўсмирлар (интернал локус назорати билан) ўқитувчиларига ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакилларига кўпроқ ижобий ёндошадилар. Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики (К.Муздыбаев) ҳаёт мазмуни ва интерналлик ўртасида ўзаро мавжудлик бор. Агар инсон ҳаётда ҳамма нарса инсоннинг ўз куч ва қобилиятига боғлиқлигига ишонса, ҳаётдан шунчалик кўпроқ мазмун ва мақсад топади дейди. Аммо айрим тадқиқотлар экстерналларни (“масулияциз” ёки иккинчи типли масулиятли одамлар), аксинча бир-биридан фарқ қилади, улар ўта ташвишли ва хавотирга тушадиган, сабрсиз, ўта тажовузкор, лоқайд, жамиятда камроқ таниқли бўладилар деб кўрсатишади. Шунингдек, айрим маълумотлар қараганда (А.А.Реан) делинквент ўсмирлар (ҳуқуқбузарлар) ўртасида экстерналлар 84 фоизни, интерналлар эса 16 фоизни ташкил этиши кўрсатилган. Бундан маълум бўладики, аксарият кўп шахслар ўзига масулиятни ололмайдилар аммо бошқаларга юклайдилар ёки таҳликали холатга ташлайдилар.

Бошқа бир тадқиқотда эса (А.А.Реан, Д.Ю.Карандашев) ўрганиш объэкти бўлиб ўша ёшдаги, аммо аниқ ижтимоийлашув йўналишига эга бўлган, ижобий шкала баҳоли ёш инсонлар бўлди. Натижада назорат типлари ҳақида умуман бошқача бўлиниш аниқланди. Маълум ижтимоий йўналишга эга бўлган ёш одамлар группасида ижтимоий етукликнинг юқори даражасини кўрсатадиган интерналлар 72 фоизни, экстерналлар эса 4 фоизни ташкил этди. Шу йўл билан турли хил тажрибавий тадқиқот маълумотларини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики интерналлик (ёки шахсий жавобгарлик тенденциясига эга бўлиш) ижтимоий етуклик ёки ижтимоий хулқ билан ўзаро боғлиқ. Экстерналлик эса ижтимоий

етукликнинг етишмаслиги, аниқ шароитларда эса у шахс хулқида таваккалчиликни уйғатувчи асос бўлиб ҳисобланади.

1. ***Масулият*** онгли ҳаракат аломатининг зарур таркиби ҳисобланади. Бутун ҳаёт ҳаракатлардан иборат, ҳаттоки бутун бир ҳаётни ўзини оғир бир ҳаракат деб қараса бўлади.(М.М.Бахтин) . Ҳаммасидан ҳам яқинроқ қуйида баён этилган шахс онги структурасида кўрсатилган жавобгарлик феноменининг фундаментал маъносида инсонпарварлик ғояси ва экзистенциал психология ётади. 20 асрнинг олими Э.Фромм, ғамхурлик, масулият, хурмат ва билим баркамол инсон хусусиятларининг жами, яъни бир бутунлиги дейди. Бошқа бир инсонпарвар ориентация номоёндаларидан бири В.Франкл ҳам масулият хиссига ўз концепциясида етарлича ўрин ажратиб, маънавият, эркинлик ва масулият бу инсоният мавжудлигини 3 асоси, 3 экзистенциалидир деб тасдиқлайди. Шуниси муҳимки инсонни масулиятли деб топмасдан туриб, эркин деб тан олиб бўлмайди. Инсоний масулият ҳар бир индивид мавжудлигини ўзига хослиги ва такрорланмаслиги натижасида келиб чиқадиган жавобгарликдир. М.Бахтин маъсулиятли ҳаракатга фақатгина ўзининг ягоналиги ва такрорланмаслигини англаган инсонгина қодирдир дейди. Ҳатто бундан ташқари инсоният мавжудлигини моҳияти айнан ҳаёт олдидаги жавобгарликдадир (В.Франкл). Аниқ равшанки масулият нафақат етук шахс ҳаётий моҳияти билан боғлиқ, балки муваффақиятли бўлиш ва уни фаоллаштириш усули хамдир.

Бу фикрни тушунтириш учун, Пушкиннинг Петруша Гринев номли қаҳрамонига тўхтасак. Асарнинг бошида у онги унчалик етилмаган ва шунинг учун ҳам деярли мустақил бўлмаган инсондир. Унинг тақдирини тўлиқлигича отаси белгилаган. Яъни қаерда харбий хизматни ўташ жойини, ўқиш , ҳар қандай ҳолат ва вазиятда ўзини қандай тутиш кераклигини отаси танлаган. Ажабланарли эмаски 17 ёшли ўспирин ғазаб билан ўз эркинлигини ҳимоя қилади, аммо биринчи галда ўз ҳатти-ҳаракатлари учун жавоб бериш зарур бўлади. У эркинлигидан рохатланиш учун ичади, билярд ўйнаб катта пул ютқазади ва тўлашга мажбур бўлади. Асардаги воқеалар ривожида у эркинликка эга ва Пугачёв билан тўқнаш келган вақтида анча етук инсон бўлади, онги равишда ўз севган қизи учун масулиятни бўйнига олади ўз ҳаёти ва бошқаларнинг ҳаётига боғлиқ бўлган қарорлар қабул қилади. Аммо ота-онаси ҳамда Савелия тоғаси узоқ вақт унда етук бўлмаган бола қиёфасини кўришади. Агар Гринев ота-онаси қаноти остида қолганда эди у узоқ муддат эркинликка эга бўлмаган бўлар эди, демакки ёш болалигича қолаверарди. Хизмат, дуел, саёҳат, ҳарбий ҳаракатларда Гриневнинг иштирок этиши шахс бўлиб етилишига ёрдам берган ҳолатлардир.

Гап шундаки, ижтимоий етуклик ва уни ташкил этадиган масулият фақатгина ўхшаш фаолиятларда ташкил топади. Масулиятнинг ташкил этилиши қарор қабул қилиш ҳамда шахсга эркинлик бериш билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Эркинликнинг чегараси тўғрисидаги масалалар ўзига хос хусусият ва ҳолатларни инобатга олган холда хал этилиши лозим. Шу қаторда инсонни масул деб тан олмасдан туриб уни эркин деб тан олиб бўлмайди деган тўғри фикрни таъкидлаш керак, худди шу ўринда ушбу фикрнинг акси бўлган фикрни ҳам келтириб ўтиш зарур: Яъни инсонни эркин деб тан олмасдан туриб, айни вақтда уни масул деб ҳам тан олиб бўлмайди.

Масулиятнинг шаклланиши шахс автаномлигини ривожланиши ва ўзига таълуқли қарорлар қабул қилиш эркинлигини таъминлаши билан узвий боғлиқдир. Қачонки биз шахсда масулиятни шакллантириш ёки ривожлантиришни хохласак, аммо шу билан бирга автаномлик кўриниши ва ривожланишини, шунингдек қарор қабул қилиш эркинлигини тўсиб қўйсак, бундай ҳолат Набоковнинг “Пнин” номли асаридаги анекдот холатини эслатади. Асар бош қахрамони оғир радикулит касалига дучор бўлиб тўшакда ётиб, дарслик бўйича машина хайдашни ўрганади. Инсонни сувга қўймасдан туриб сузишни ўргатиб бўлмайди. Афсуски бундай тажриба фавқулотда кенг тарқалган ҳолатлардан бири ҳисобланади. Таълим ва тарбия жараёнида шахс мустақиллиги ва автаномлигини рағбатлантиряпмизми? деган саволга ҳа деб жавоб беришдан кўра кўпроқ йўқ деб жавоб беришга тўғри келмоқда. Оилада бундай тарбия тури юқори васийлик сифатида ифодаланади. Бундай ҳолат мактабда тарбия ва таълим жараёнларида ҳам мавжуд. Албатта, ўқув жараёнидаги автаномликни, ташаббускорликни рағбатлантириш йўлга қўйилган, аммо бу ҳолат қоидадан кўра, кўпроқ истисно ҳолат ҳисобланади. Тадқиқотлар натижасига кўра катталарни бундай хулқий позицияси (Реан А.А.,1992,1999), ижтимоий-перцептив стереотиплари тизимида қулай ва мустаҳкам таянч топади, уларнинг назарида таълим олаётганларнинг кўпчилиги ўз автаномлигини, фаолиятда мустақиллигини намоён қилишда қобилияциз деб қарашади. Импирик тадқиқотлар ҳам шуни кўрсатадики, педагоглар ўқувчиларнинг интизомини, шахс эркинлигига қараганда кўпроқ қадрлайдилар.

**2.** ***Сабрлилик*** шахс ижтимоий етуклигини навбатдаги муҳим таркиби ҳисобланади.Аммо сабрнинг сабрдан фарқи бор. Сабр феноменининг умумий структурасида (А.А.Реан) уни икки турга бўлиш мумкин:

1)шахснинг сенсуал сабри. 2) шахснинг диспозицион сабри.

Сенсуал сабр ижтимоий муҳит таъсирига барқарорлиги, унга таъсир этиш хис қилувчанлигини камайиши ҳисобига, бирор бир нохуш

ҳолатга таъсирнинг сустлашиши билан боғлиқ. Сенсуал сабр шу йўл билан классик (ҳаттоки психофизиологик) толерантлик, ижтимоий муҳитга турли хил таъсирларни ҳис қилишни ошишиши, шахслараро ўзаро муносабат субъэктларининг таъсири билан боғлиқ. Образ кўринишида ифолайдиган бўлсак сенсуал сабр, сабр - шавқацизлик, сабр - қўрғон, сабр – девор.

Рус класик адабиётида кўп аниқ мисоллар мавжуд бўлиб, бунда Пушкиннинг "Кичик фожеаси" асаридаги хасис, бағритош рицарни бечора беванинг ёмғир остида тиз чўкиб турганига бамайлихотир қараб туриши келтириш мумкин. Шу қаторда Салтыков-Щедриннинг Иудушка Головлёв образидаги қахрамони айниқса ажралиб туради. Агар эсласак, у атрофдагиларда ўзига нисбатан мулойим ва сабрли инсон сифатида таъсурот уйғотади, аммо аслида у энг яқин одамларига нисбатан бағритош ва рахмсиз эди. Сабрлиликни шахс ижтимоий етуклигининг таркиби деб таърифлайдиган бўлсак, сабрнинг юқоридаги турини эмас, балки диспозицион сабрни назарда тутамиз.

Диспозицион сабрнинг асосида, ижтимоий ўзаро муносабатда шахс сабрини таъминлашдек ўзгача принципиал механизм ётади. Бундай ҳолатда шахснинг атроф муҳитга бўлган сабри тушунилади. Диспозицион сабр асосида шахснинг аниқ установкаси, унинг ҳақиқатга муносабати, бошқа одамларга, уларнинг ҳулқига, ўзига, умуман ҳаётга таъсири ётади.

Шахс установкасида диспозицион сабрни таъминлайдиган мисолларга қуйидагиларни келтириш мумкин. Масалан :"хамма одамлар адашади", "хар бир инсон ўз фикрига эга бўлиш ҳуқуқига эга", "инсон хато қилиши мумкин, инсон барбод қилиш ҳуқуқига эга" "кечиккан одам кутган одамга нисбатан кўпроқ қайғуради" ва бошқалар. Алтруистик худбинлик номи билан машхур сратегия ва позицияни қабул қилиш, бор даражада шахс сабрлилиги ортишига олиб келади. Шубхасиз, ушбу ҳолатда сенсуал сабр эмас, балки диспозицион сабрни айтиш керак. Образ кўринишида ифолайдиган бўлсак диспозицион сабр, сабр – позиция, сабр – қурилма, сабр – ҳаётни англаш.

Бундай сабрнинг ҳақиқий тимсоли деб княз Мышкинни айцак бўлади. Ф.М.Достаевский черновикларида уни "Княз христос" деб номлаган. Мышкин бутун ҳаётини сабр ва кечиримлилик ғоясига асосланиб қуради ва атрофдагиларнинг (уларнинг орасида бузуқ аёллар хам, жиноятчилар ҳам бўлади) ҳар қандай ножўя ҳаракатларига оқлов қидиради.

Бундай сабр психофизиологик толерантлик билан боғлиқ эмас. (Толерантлик-атрофдаги ҳар қандай таъсирларни ҳис қилишнинг камайиши ҳисобига сабрнинг ортишидир.) Ушбу сабр олдида инсон ҳис қилиш биланбирга қайғуриш ва хамдардлик қобилиятини сақлаб қолади. Шу йўл билан юқорисензитив шахс ҳам кучли диспозицион сабрга эга бўлиши

мумкин. Диспозицион сабр тўла маънода ҳаётга ижобий муносабатда намоён бўлади, ҳаётга қониқарли қараш, ҳақиқатни ижобий кўришда ифодаланади.

Аммо ҳаётий амалиётдан маълумки, сабрлиликнинг ривожланиши хохлаганимиздек хайрли кечмайди. Шу муносабат билан 15 -17 ёшдаги ўғил ва қизлар ўртасида ўтказилган бир қатор тадқиқот натижаларига эътибор берсак (Реан.А.А.,1992,1999). Ўз-ўзидан юзага келадиган агрессияни юқори параметрли кўрсатгичи текширилувчиларнинг 53 фоизини, паст кўрсатгичи эса 9 фоизни ташкил этди. Бошқаларнинг кўрсатгичи эса ўрта даражадаги нормада деб топилган. Шу ўринда спонтан агрессия маъноси ости нима ётади деган саволга жавоб бериш лозим. Спонтан тажовуз бу - бошқаларни қийин ахволда қолганлигини, қийинчиликларни кузатганда юзага келадиган беихтиёр хурсандчилиги, бошқаларнинг ишларига аралашиш ҳолатлари бундай тип одамларига хузур бағишлайди. Бу ўз-ўзидан мақсадсиз юзага келадиган ҳоҳиш кимнидир кайфиятини бузади, ранжитади, жаҳлини чиқаради. Бундай одамлар бошқаларни ўз саволлари ёки жавоблари орқали тупикка тиқиб қўйишни ёқтирадилар. Айнан спонтан тажовузкорликни биз юқорида эсга олган Иудушка Головлёв номоён этган, у қариндошларига уларнинг хатолари ва омадсизликлари хақида эслатиб, яқин одамлари у томонидан қўйилган тузоққа тушганларини қониқиш билан кузатарди. Шунингдек, “Республика Шкид”китоби асосида тайёрланган филм қахрамони, кичик ёшдаги судхўр Слаеновни образини ҳам эсга олсак. Бу ўспирин бола дўстларидан нон қизғаниб, уларни оч қолишини ва қарзларидан қандай қилиб қутилишини қониқиш билан кузатиб турарди.

Реактив тажовузни бошқа параметрлари ўрганилганда, текширилганларнинг 47 фоизи юқори кўрсатгичларни, 4 фоизни эса паст кўрсатгичларни ташкил этди. Аммо реактив тажовуз ўзаро таъсир, типик реакция сифатида юзага келади. Бундай одамлар ишонувчан эмаслиги билан ажралиб туради. Хафагарчиликни кечирмайдилар ва узоқ вақт эслаб юрадилар. Умуман бундай шахслар зиддиятли ва ўз манфаатларини ҳимоя қилишда ёрқин тажовузкорлик характерига эга бўладилар.

Нихоят, бундай ҳолатларнинг асосида жиззакилик ---- шаклланиб, унинг юқори кўрсаткичи 56 фоизни , пасти эса 4 фоизни ташкил этади. Жиззкилик бу - хиссий турғунсизлик , сержахллик, бундай ҳолларда ўзини тута билмасликдир. Афсуски биз жиззакилик ҳолатларига кундалик ҳаётда кўп дуч келамиз, шунингдек, жиззаки одамларга хатто майда нарсалар хам тез таъсир қилишини яхши биламиз. Атрофдагиларга шошқалоқлик билан баҳо бериш хам, улар учун характерли ҳолдир.

Ўсиб келаётган ёшлар ўртасида тажовузкорликни юқори даражада ва кенг тарқалганлигини кўрсатувчи тадқиқотларнинг давоми сифатида,

тажовузкорлик ўсиш динамикаси кузатилаётган янги бошқа тадқиқот натижалари намоён бўлиб бормоқда. Сўнгги 3 - 4 йил ичида вояга етмаганлар (мактаб, билим юрти, техникумларда ўқийдиганлар) ўртасида тажовузкорликни номоён бўлиш даражаси ўрта хисобда 1.5 баравар ошганлиги, 12-13 ёшлилар ўртасида тажовузкорлик кўрсатгичи анча юқори эканлиги тасдиқланган (Т.Н.Курбатова).

Юқоридаги ҳолатларнинг барчасини умулаштирган ҳолда шахс ижтимоий сабрининг шаклланганлиги ёки унинг шаклланиши ижобий тенденцияси хақида гапириш даргумон. Жамиятнинг носоғлом сабрсизлиги, ёш авлодни шундай касаллик билан зарарлантиради. Хавф шундаки янги авлодда касаллик туғма ва оммавий бўлиши ва шу йўл билан ижтимоий патологиядан ижтимоий нормага айланиши мумкин. Э.Берджессанинг "Пружинали апелсин" антиутопиясида ёзилганидек, агрессия билан ўсмирлар ёппасига зарарланади ва бу энди ҳеч кимни ажаблантирмай қўяди. Дарвоқе, бу ерда зарарланиш термини қўштирноқ ичида айтилгани йўқ, тақлид механизмлари ва психологик зарарланиш бу метафора эмас, балки психологик механизмнинг объэктив мавжудлигидир.

***3. Ўзини-ўзи ривожлантириш***. Ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзини-ўзи фаоллаштиришга талаб шахс етуклигинининг асосий таркиби ҳисобланади. Ўзини-ўзи ривожлантириш ва ўзини-ўзи намоён қилиш ғояси инсон ҳақидаги кўпгина замонавий концепцияларда (А.Маслоу, К.Роджерс, Э.Фромм, А.В.Брушлинский, В.П.Зинченко, К.А.Абулханова-Славская ва бошқалар) асосий ёки хаттоки фавқулотда ахамиятли ҳолатлар сифатида ўз аксини топган. У замонавий психология фани ва амалиётидаги аниқ ва интенсив ривожланадиган йўналишлардан бири инсонпарвар психологияда етакчи ўрин эгаллайди. "Ўзлик" ғояси (ўзни-ўзи намоён қилиш, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзини-ўзи мукаммаллаштириш) акмеалогияда ҳам марказий ўринни эгаллайди. Ўзини-ўзи ривожлантиришга интилиш бу мутлоқ мукаммалликка етишиш ҳақидаги ғоя эмас. Мутлоқ мукаммал бўлиш қийин, балки керак хам эмасдир. Кундалик онг даражасида мукаммал одам бўлиш қийин, эҳтимол мукаммал одам билан яшаш қийинроқдир деган фикрга қўшилиш мумкин.

Ўзини-ўзи ривожлантиришга долзарб талаб, ўзини-ўзи мукаммаллаштириш, ўзини намоён қилишга интилиш ва ўзига-ўзи юқори баҳо беришдан иборатдир. Улар шахс етуклигини кўрсатгичлари ва айни вақтда унга эришишнинг шарти хамдир. Қолаверса, ўзини-ўзи фаоллаштиришга бўлган талаб инсоннинг узоқ умр кўришининг манбаси хамдир. Узоқ умр нафақат жисмоний балки шахснинг ижтимоий фаолллигига хам боғлиқ. Амалиётдан маълумки ўзини-ўзи

ривожлантиришга интилиш профессионал “акма”га эришиш, профессионал узоқ умр, шунингдек касбий омадга хам боғлиқ .

Ўзини ривожлантириш ва ўзини фаоллаштириш ғояси самотрансценденция феномени билан боғланмай туриб, ўзининг фундаментал ахамиятига қарамасдан шахс акмеологиясини қуришда ўз ўзидан етарли бўлмайди. Шахс етуклиги концепцияси ўзини фаоллаштириш билан самотрансценденциянинг бирлиги, тўлдирувчанлик тамойилининг уларга нисбатан ҳаракати асосида бўлиши керак.

Инсоният мавжудлигида самотрансценденция феномени шахс хақидаги фанларда (педогогика, психология,фалсафа) муҳим ўрин эгаллайди. Бунда самотрансценденция инсонни “МЕН” чегарасидан чиқиши билан боғлиқ ҳол бўлиб, “инсон бўлиш-ўзига эмас, бошқа нимагадир йўналтирилганлик” деб тасдиқланади (В.Франкл). Шу билан бирга, самотрансденция билан ўзини фаоллаштиришни иккита муқобил сифати қатъи қарама- қаршиликда қўйиш мақсадга мувофиқ эмаслиги ойдин. Гуманистик қараш кучи ва уни ривожланиш истиқболи бу икки ғоянинг органик қўшилишида ётади. Бу билан шахс етуклиги муаммосини ишлаб чиқиш истиқболларига боғлиқ.. Афсуски бу икки принципнинг тўлиқ бирлаштиришга етарлича эътибор берилаётганлиги йўқ . Бу бирлашиш ҳар доим ҳам аниқ бўлмасада, аммо ўзини-ўзи фаоллаштириш иш хажмини сезиларли ортиши хисобига амалга ошиши мумкин (А.Маслоу). В.Франклнинг фикрига кўра, инсон бировни севганида ёки иш хизматида ўзини намоён қилиши мумкин. Шахсий ҳаёти ривожланишини, бахтини, эркинлигини тасдиқлашни Э.Фромм ўзини-ўзи ривожлантиришда кўради. Инсон ўзини-ўзи фаоллаштиришда севиш қобилиятига асосланади, севги ўзининг “**Мени” ва “объэктлар**” (бошқалар) ўртасида бўлинмасдир.

## Савол ва топшириқлар:

1. “Мен” концепцияси нима?
1. Шахс тизимида “Мен” концепциясининг ўрни қандай?
1. Шахс етуклиги феномени билан қандай фанлар шуғулланади?
1. Интернал ва экстернал тип бўйича масулият нимада ташкил топади?
1. Онгли ижтимоий хулқ тизимида сабрлиликни ўрни қандай?
1. Шахс автаномлиги нима ва у қандай шароитларда ташкил топади?
1. Шахснинг қандай психологик назарияларини биласиз?

# 11-МАВЗУ: ШАХСНИНГ ИЖТИМОИЙ ЕТУКЛИГИ

## Режа:

5.1. Билиш жараёнлари ва профессионал фаолият.
5.2. Билиш жараёнлари.
5.3. Идрок ва унинг хусусиятлари.
5.4.Идрок қилиш қонунлари.
5.5.Хотира ва шахс тажрибасининг бойлиги.
5.6.Хотиранинг қонунлари.
5.7.Билиш жараёнларини бошқариш усуллари.

### 1. Билиш жараёнлари ва профессионал фаолият

Профессионал фаолият шахсдан жуда кўп билимларни ҳамда малакаларни талаб қилади. Нима учун у ёки бу касбни танлаганини англаб етган шахс (мотивлар муаммоси), энди ўз фаолияти ва қобилиятларини бошқара билиши ва ўз устида муттасил ишлаб, малакаларини орттириб бориши шарт. ***Профессионал билимдонлик*** шу нуқтаи назардан шахс умумий маданиятининг шундай йўналишики, унга фақат касбига тааллуқли бўлган билимлардан ташқари шу билимларнинг ҳосил бўлиш йўллари ва малакаларнинг такомиллашувини таъминловчи психологик жараёнлар ва ҳолатларни билишни ҳам тақозо этади. Бу психологияда билиш жараёнлари ва уларнинг моҳиятини ва кечишини билиш демакдир.

Маълумки, одамлар бир-бирларидан кўп жиҳатлари билан фарқ қиладилар. Масалан, айримлар кўрган-кечирганларини жуда яхши эсда олиб қолиб, керак вақтда аниқ эсга тушира оладилар. Баъзилар кўзи билан кўрган ҳар қандай объектни майда деталларигача баён этиш қобилиятига эга. Яна бирлари эшитган нарсалари хусусида аниқрок фикрлайди, кимдир содда, равон тилга ўз ҳис-кечинмаларини айта олса, бошқалар - ҳар бир хикояга албатта, фантазия элементларини қўшишга мойил бўладилар. Демак, одамларнинг ташқи оламдан оладиган таассуротлари ва уларни онгда тартиблаштириш қобилиятлари ҳар хил бўларкан. Иккинчи томондан, шундай касб-корлар борки, у шахсдаги у ёки бу сифатларнинг мукаммалашиб боришига имкон беради. Масалан, йирик автоматик бошқарув тизимларида ишлайдиган оператор ўз диққатини ҳар қандай майда ўзгаришларга ҳам қаратишга ўрганса, конструктор мавҳум математик ҳисоб - китобларга уста бўлиб боради. Иқтисодчи - молиячи пулнинг ҳар бир тийинидан фойда олишга ўрганса, шоир табиатан барча ҳодиса ва вокеаларни бадиий бўёқларда, ўзига хос идрок қилишга мойиллиги ошади. Демак,

одамнинг ташқи олам хосса ва хусусиятларини онгида акс эттириши унинг иқтидори ўсиши ва профессионал малакалари ривожланганлигига боғлиқ тарзда кечади. Шунинг учун ҳар онгнинг муҳим акс эттириш шакллари бўлмиш билиш жараёнлари - идрок, сезгилар, хотира, диққат, тафаккур, ирода ва ҳиссиётларнинг инсон ҳаёти ва профессионал ўсишидаги ролига тўхтаб ўтамиз.

Бу жараёнлар инсонга жуда яқин ва таниш. Чунки ҳар биримиз онгимиз борлигини, атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг айрим алоҳида ҳамда яхлит хусусиятларини биламиз. Бу нарса ва ҳодисалар бизда ҳар бир алоҳида шароитда ўзига хос ҳиссий - кечинмаларни келтириб чиқаришини ҳам биламиз. Масалан, қорнингиз оч қолганда, емишга бўлган талабингизни ҳақиқатан бор ёки йўқлигини бировлардан сўрамайсиз-ку? Ёки китоб мутоала қилаётган шахс шу китобни рост билан ҳам ўзи ўқиётганлигини бошқалардан сўрамайди. Бундай ишлар ўз-ўзидан табиий жараёнлардай кечаверади. Фақат имтиҳон пайтида кеча кечаси билан мутоаала қилиб, ўрганиб чиққан материални нега ҳозир домла олдида эслай олмаётганлигингиз сизни кўпроқ қизиқтиради ва сиз «Хотирам устида ишлашим керак» деган хулосага келасиз.

Дарҳақиқат, билиш жараёнлари ҳам маълум маънода бошқариладиган жараёнлар бўлиб, агар сиз ўз имкониятларингизни кенггайтириш ёки иқтидор даражангизни орттирмоқчи бўлсангиз, бу жараёнларга оид маълум қоидалар ва хусусиятларни билиб олишингиз керак.

## 2. Билиш жараёнлари

Инсон онги бир қарашда яхлит нарса, аслида у айрим алоҳида жараёнлардан иборат. Шунинг учун ҳам атроф-муҳитни, ўзимизни билишимизга имкон берувчи онгни ўрганиш учун уни алоҳида психик жараёнларга бўлиб ўргана бошлаганлар. Бу жараёнлар - сезгилар, идрок, хотира, диққат, тафаккур, нутқ ва бошқалардир. Бу жараёнлар шу қадар бир-бирлари билан боғлиқки, бирини иккинчисиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Масалан, кўриб идрок қилиб турган нарсангизни фикрламай кўрингчи, унинг моҳиятини биласизми? Диққат билан кўрган ёки ўқиган текстингизни эслаб қоласиз. Ёки бирор нарса тўғрисида фикрлаш учун бизга бир вақтда ҳам илгариги идрок образлари, ҳам эслаб қолиш маҳоратимиз, ҳам ички нутқимиз, иродамиз ва диққат керак бўлади. Ҳаттоки, тасодифан қўлимизга кириб кетган зирапчага берган реакциямиз ҳам эмоциялардан ташқари, ўша нарсанинг бу ерда қандай пайдо бўлганлиги каби қатор тафаккур жараёнларини келтириб чиқаради.

Мураккаб компьютер техникаси чиққандан кейин одамнинг ўз психик жараёнларига қизиқиши янада ортди. Энди маълумотларни қабул қилиш (анъанавий идрок деб аталувчи жараёнга ўхшаш), уларни қайта ишлаш (тафаккурга ўхшаш) ва уни сақлаш (хотира) ҳақида кўп гапирадиган бўлиб қолдик. Лекин бу инсондаги табиий жонли жараёнлар аҳамияти ва тарбияси масаласини янада юқори кўтарди.

Психология соҳасида экспериментал ишларнинг муваффақиятли амалга оширилиши аслида инсон психикаси компьютердан кўра мураккаблиги ва одам англаган маълумотларидан кўпрок нарсаларни идрок қилиб, қабул қилишини исботлади. Масалан, махсус асбоблар ёрдамида аслида одам кўрмаётган, ҳис қилмаётган жуда кучсиз сигналлар ҳам физиологик реакцияларни келтириб чиқараётганлиги қайд этилди. Масалан, шу нарса аниқланганки, одам кино кўраётганда бир секундда 24 кадрни идрок қилади ва бирор тасвир кўз ўнгида гавдаланади. Психологлар шундай эксперимент қилишди: кунларнинг бирида ўзига хос тасвир намоён этилди. 24 та кадр ўрнига 25 кадр бериб, ўша 25-кадрда «Кока - қола ичинг» деган ёзув берилди. Табиий, оддий идрок бу битта кадрни илғамайди. Лекин кинотеатр буфетида ушбу ичимликни ичиш кадрдан кейин 18 фоизга ошган. Демак, аслида онг бу маълумотни қабул қилган, лекин реал англаш, ойдинлашув рўй бермаган экан.

Аналогик ҳолат хотирамизда ҳам тез-тез рўй беради. Кимнидир учратиб қоламизда, ўйланамиз: қаерда кўрган эканман? Ҳеч эслолмайсиз, лекин юзи, кўзи ва бошқа сифатлари танишдай. Буни ҳам шундай изоҳлаш лозимки, одам кўрган-кечирганлари аслида мияда сақланади, биз онг соҳасига айримларинигина чиқара оламиз. Фақат, касал бўлиб ёки бирор нарсадан қаттиқ ташвишга тушганимизда калламизга ҳар хил уй-фикрлар келаверади. Ўшалар аслида бор нарсаларнинг беихтиёр тикланиши.

Онгдаги маълумотларнинг аслида миямиздагилардан камлигининг асосий сабаби - одам ҳар қандай маълумотни *саралаб, танлаб қабул қилади,* ўзи учун «аҳамияциз» деб баҳолаган нарсага диққат ҳам қилмайди, эслаб қолмайди ҳам. У ўз онгида барча мавжуд маълумотни ўзига хос тарзда қайта ишлайди, ўзгартиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўзига хос ва қайтарилмасдир - индивидуалдир, дейилади. Билиш жараёнлардаги индивидуаллик сабабларини тушуниш учун энг муҳим билиш жараёнлари билан танишамиз.

Сезгилар тўғрисидаги илмий таълимотларга биноан нарсалар ва уларнинг хоссалари, уларнинг таркибий қисмлари, хусусиятлари, шакллари, ҳаракати бирламчи ҳисобланиб сезгиларнинг ўзи эса ташқи ва ички қўзғатувчиларнинг сезги аъзоларига таъсир этишининг маҳсулидир.

Инглиз олими Ч.Шеррингтон сезгиларнинг ушбу таснифини беради:

1) экстериорецептив сезгилар, яъни ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттиришга мослашган рецепторлар.

2) интериорецептив сезгилар, яъни инсон ички тана аъзолари ҳолатларини акс эттирувчи сезгилар.

3) проприорецептив сезгилар, яъни инсон танаси ва гавдасидаги турли ҳолатларни ва ҳаракатларни мускуллар билан боғловчи сезгилар.

Биринчи туркум сезгиларни кўриш, эшитиш, ҳидлаш, тери-туюш, таъм-маза каби турлар ташкил қилади. Кўриш 380-770 гача миллимикрон диапазондаги электромагнит нурлардан иборат. Эшитиш частотаси 16 дан 20 000 гача бўлган товуш тўлқинларидан иборат. Тактил сезгилари механик қўзғатувчиларнинг тери юзасида таъсири натижасида ҳосил бўлади. Улар учун сезгининг яширин даври 130 миллисекунд, оғриқ сезгилари учун эса 370 миллисекунд тўғри келади, маза-таъм сезгиси эса тил юзасига таъсир этилгандан сўнг 50 миллисекунд вақт оралигида ҳосил бўлади. Кўриш сезгилари бош миянинг орқа бўлагига жойлашган, эшитиш сезгилари эса миянинг тепа бурмасида жойлашган. Тери-туюш, ҳаракат сезгилари миянинг марказий бурмаси орқа қисмида жойлашган.

## 3. Идрок ва унинг хусусиятлари

Психологларнинг фикрича, инсон ниманики идрок қилса, уни *фигура ва фон*да идрок қилади. Фигура - шундай нарсаки, уни аниқ англаш, ажратиш, кўриш, эшитиш ва туйиш мумкин. Фон эса аксинча, ноаниқроқ, умумийроқ нарса бўлиб, аниқ объектни ажратишга ёрдам беради. Масалан, гавжум бозорда кетаётган тақдирда ҳам ўз исмимизни биров айтиб чақирса, дарров ўша тарафга қараймиз. Исм - фигура бўлса, бозордаги шовқин - фон ролини ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, биз бирор нарсани идрок қилаётган пайтимизда уни албатта бирор фондан ажратиб оламиз. Масалан, гул бозорида айнан қип-қизил атиргул сизга ёқиб қолиб, ўшани харид қиласиз, қолган гуллар фондай онгингиз активига ўтмайди.

Шундай қилиб, *идрок - бу билишимизнинг шундай шаклики, у борлиқдаги кўплаб, хилма-хил предмет ва ҳодисалар орасида бизга айни пайтда керак бўлган объектни хосса ва хусусиятлари билан яхлит тарзда акс этишимизни таъминлайди.* Яъни, идрокнинг асосида нарса ва ҳодисанинг яхлитлашган образи ётадики, бу образ бошқаларидан фарқ қилади. Идрок ўзига нисбатан соддароқ бўлган сезги жараёнларидан ташкил топади. Масалан, олманинг шаклини, хидини, мазасини, рангини сезамиз, яъни алоҳида-алоҳида хоссалар онгимизда акс этади. Бу - сезгиларимиздир.

Сезгилар яхлит тарзда идрок жараёнини таъминлайди. Лекин олимлар идрокни сезгиларнинг оддийгина, механик тарздаги бирлашуви, деган фикрга мутлоқ қаршилар. Чунки идрок онгли, мақсадга қаратилган мураккаб жараён бўлиб, унда шахснинг у ёки бу объектга шахсий муносабати ва идрокдаги фаоллиги асосий роль ўйнайди. Масалан, буни исботи учун кўпинча **Рубин фигураси** тавсия этилади. Унда иккита қора профиль оқ фонда берилган. Бир қарашда айримлар бу расмларга қараб, «Бу - ваза» деб атаса, бошқалар уни бир-бирига қараб турган икки киши юзининг ён томондан кўриниши, деб таърифлаши мумкин. Шуниси характерлики, биринчи марта шу расмни кўрган одам уни яхлит идрок қилиб, нима эканлигини *тушунишга* ҳаракат қилади, лекин бирор фигурани кўргач, маълум вақтгача бошқасини кўрмай туради. Агар шу идрок даражаси қолса, яъни яна ниманидир кўришни хохламаса, у иккинчи фигурани кўрмаслиги ҳам мумкин. Бу биздаги идрок жараёнларининг фаоллигимизга, объектга муносабатимизга бевосита боғлиқлигини кўрсатиб турибди. Иккинчидан, идрок бизнинг қайфиятимизга ҳам боғлиқ. Ташвиш билан йўлакчадан ўтиб кетаётиб, оёғингиз тагидаги нарса тугул, рўпарадаги одамни ҳам кўрмай қолишингиз мумкин. Ёки санъат музейида томоша қилиб юрган икки киши бир расмда тамоман ҳар хил нарсаларни, элементларни кўриши мумкин. Яхши қайфиятда, яхши дўстлар компаниясида истеъмол қилган таом сизга жуда мазалидай туюлади. Агар талаба бирор фан предметидан қарздор бўлиб қолса, оч қоринга еган ширин таоми ҳам «таътимайди», ҳатто нима еганини ҳам унутиб қўяди. Ёмон қайфият кўпроқ қора, нурсиз рангларни идрок қилишга мойил бўлса, яхши, кўтаринки қайфият, аксинча, ҳамма нарсани энг ёқимли рангларда «кўради». Бу яна бир бор идрокнинг оддийгина акс эттириш ёки билиш жараёни эмас, балки шахсдаги фаол установкаларга боғлиқ бўлган, мантиқан асосланган онгли жараён эканлигини исботлайди.

### 5.4. Идрок қилиш қонунлари

Шахс идрок қилиши жараёнларига хос бўлган бир нечта қонуниятлар психолог олимларнинг ёзган илмий адабиётларда келтирилган, биз уларнинг айримларини белгилаймиз:

А. **Фигура ва фоннинг илгариги ҳаракатга боғлиқлиги қонуни.** Бу қонуннинг маъноси: одам илгариги тажрибасида бўлган, бевосита тўқнаш келган нарсаларини идрок қилишга мойил бўлади. Агар бирор предметни у илгари фигура сифатида идрок қилган бўлса, демак, кейинги сафар ҳам уни айнан фигурадай идрок қилади, агар фон бўлган бўлса, табиий, фондай қабул қилади. Бу қонуннинг ҳаётдаги ўрни чет давлатларда борган туристлар тажрибасига таяниб тушунтирилиши мумкин. Ўзбекистонликлар Ер куррасининг қайси бурчагида бўлмасин, ўзбек дупписи ёки атлас кўйлакни

жуда тез илғаб оладилар ва суюниб кетадилар ҳам. Ёнидаги шериклари ўзбек бўлса ҳам, айнан дўппили ўзбекни кўриб, кўзлари яшнаб кетади. Бошқа миллат вакиллари, масалан, нигериялик ҳам миллий куйлагида юрган бўлиши мумкин, лекин ўзбек турист учун бу кийим фон эди, фонлигича қолади ҳам.

**Б. Идрокнинг константлилиги қонуни.** Бу қонун маълум маънода олдингисига боғлиқ. Яъни бунда ҳам илгариги тажриба катта роль ўйнайди. Маъноси: одам ўзига таниш бўлган нарсаларни ўша хосса ва хусусиятлар билан ўзгаришсиз идрок қилишга мойилдир. Масалан, самолёт ичида ўтириб ерга қараганмисиз? Автомобил йўллари, уларда ҳаракат қилаётган машиналар кичкина кўринади, лекин биз уларни ҳозир кичрайиб қолган, деб идрок қилмаймиз-ку? Аслида кўз корачиғимиздаги акс кичкина бўлса-да, уларни ўзимиз «тўғрилаб» алоҳида предметлар сифатида идрок қилаверамиз.

Бу ўринда бир этнографнинг Африкадаги кузатиши ҳақида мисол келтириш жоиздир. У кунларнинг бирида пигмейлар деб аталувчи қабила вакилларидан бири билан қуюқ ўрмондан чиққан (бу қабиланинг умри калин ўрмонда ўтади). Рўпарада яйловда сонсиз моллар подаси ўтлаб юрган бўлган. Этнограф уларни оддий моллар подаси сифатида идрок қилган, пигмей эса уларни чумолиларга ўхшатиб, уларнинг кўплиги ва кичиклигидан ҳайратланган. Олимда идрокнинг константлиги намоён бўлган бўлса, унинг шеригида унинг бузилганлиги кузатилган.

Демак, идрокимизнинг константлиги, яъни илгариги тажриба асосида нарсаларнинг хосса ва хусусиятларини ўзгартирмай, турғун холда яхлит тарзда идрок қилиш хусусияти бизга ташқи муҳитда тўғри мослашувимиз, нарсалар дунёсида адашмаслигимизни таъминлайди. Константлик - «онстанта» сўзидан олинган бўлиб, ўзгармас, доимий деган маънони билдиради.

**В. Кутишлар ва тахминларнинг идрокка таъсири.** Кўпинча бизнинг идрокимиз айни пайтда биз нималарни кутаётганимизга боғлиқ бўлиб қолади. Биз ўзимиз кутгандан ҳам кўп пайтларда ўзимиз кўргимиз келган нарсаларни кўрамиз, эшитгимиз келган нарсани эшитамиз. Масалан, сонлар қаторида пайдо бўлган В ҳарфи узоқдан албатта 13 сонидай идрок қилинади, ёки аксинча ҳарфлар орасидаги 13 «В» га жуда ўхшайди. Кечаси ёлғиз қолиб кимнидир кутаётган бўлсангиз, ҳар қандай жуда секин шарпа ҳам оёқ товушларига ўхшайверади. Соғинган дўстингизга бирор жиҳати билан ўхшаш бўлган одамни кўрсангиз-чи?

Шундай қилиб, инсон идроки шахсий маъно ва аҳамият касб этган маълумот воситасида онгдаги бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилади. Бировнинг орқадан чақиришини кутаётган бўлсангиз, негадир албатта, бош

ҳарфи тўғри келган исмни айца ҳам тезгинада ўша томонга ўгирилиб қарайсиз. Айнан шундай ҳодисалар баъзан идрокдаги хатоликларнинг келиб чиқишига олиб келади. Американлик Дж. Бэгби деган олим стереоскоп орқали америкалик ва мексикалик болаларга шакли унчалик аниқ бўлмаган слайдларни бирин-кетин кўрсатган. Америкалик болалар уларни бейсбол ўйини, оқ сочли қиз ифодаланган десалар, мексикалик болалар уларни буқалар жанги, қора сочли қиз, деб таърифлаганлар. Кўпчилик болалар эса кўрсатилган иккита расмдан фақат биттасини кўрганини эътироф этганлар. Демак, бизнинг идрокимиз, унинг мазмуни маданий ва маънавий муҳитга ҳам боғлиқ бўлиб, бу кутишлар тизимидан келиб чиқаркан.

**Г. Ўзгармас маълумотнинг идрок қилинмаслиги қонуни.** Бу қонуннинг моҳияти шундаки, мунтазам таъсир этувчи маълумот онгда узоқ ушлаб турилмайди. Масалан, ўтирганингизда соатнинг тиққилашини эшитганмисиз? Ҳа, товуш эшитилади, лекин маълум вақт ўтгандан сўнг у йўқ бўлиб қолгандай - эшитилмайди. Ёки эксперимент шароитида ёлғиз битта нуқтадаги ёруғлик манбаи кўзга таъсир этилиб, кўз ҳам шу нуқта билан бир вақтда ҳаракатга келтириб турилганда, 1-3 секунддан сўнг одам ёруғлик манбаини кўрмай қўйгандек. Шунга ўхшаш экспериментлар барча идрок турларида ҳам синалган. Паст оҳангли куй ҳам маълум вақтдан кейин эшитмагандай ҳисни келтириб чиқаришини синаб кўришингиз мумкин.

Нутқ воситасида ҳадеб бир хил сўзларни қайтаравериш психотерапевтик практикада гипнотик ҳолатни келтириб чиқарувчи омил сифатида ишлатилади. Чунки бир хил сўзлар ҳадеб қайтарилаверса, улар ўзининг маъно - моҳиятини ҳам йўқотади. Масалан, кўчаларда юрадиган «фолбинлар»ни кўрганмисиз? Улар автоматик тарзда айтадиган сўзлари аслида уларнинг ўзлари учун умуман маъносини йўқотган («бахтингдан очайми, тахтингдан очайми?» ва ҳакозо шунга ўхшаш сўзлар). Ҳар қандай ҳаракат ҳадеб қайтарилаверса, «психологик тўйиниш» ҳодисаси рўй беради ва ҳаракатлар автоматлашиб, унинг айрим деталлари умуман онг назоратидан чиқади. Масалан, маҳоратли раққоса ҳар қандай рақсга ҳам чиройли, жозибали ҳаракатлар билан ўйин тушиб кетаверади.

**Д. Англанганлик қонуни.** Идрок қилаётган шахс учун фигуранинг англанганлги, унинг зарурати ва маъноси катта аҳамиятга эга бўлади. Агар биз кузатаётган предмет, эшитаётган нутқ ёки ҳис қилаётган нарсамиз маъносиз, тушунарсиз, ноаниқ бўлса, биз жуда тез чарчаймиз ва толиқамиз. Масалан, хитой тилини билмайдиган одам шу тилда сўзлашувчилар орасига тушиб қолса, психологик жиҳатдан жуда қийналади. Яъни, *бизга барча нарсаларда бирор маъно ва мазмун керак.* Одам одатда тушунадиган нарсасинигина идрок қилади. Ҳаттоки, маърузачининг бугун тушунтираётган

маърузасидаги фактлар сизнинг тушунчаларингиз ва билим доирангиздан узоқ бўлса, профессорга қараб ўтирган бўлсангиз ҳам унинг гаплари қулоғингизга кирмайди. Шундай пайтларда «Нима деяпти ўзи?» деб қўшнимиздан сўраб қўямиз ҳам, зеро маърузаси ўша биз учун қадрдон бўлган ўзбек тилида гапираётган бўлса ҳам. Синаб кўриш учун ўртоғингизга бир нечта сўзлардан иборат қаторни беринг. Улар орасида мазмунан бир-бирига боғлиқ бўлмаган сўзлар, ҳаттоки маъносиз (тескарисига ёзилган сўзлар) бўлсин. Орага 2-4 та таниш ўзбек тилидаги сўзлардан аралаштиринг. Бир дақиқа мобайнида қараб, эслаб қолганини қайтаришни сўрасангиз, ўша 2-4 та сўзлардан бошқаларни деярли «кўрмаганининг» гувоҳи бўласиз.

**Е. Тахминларни текшириш жараёнида идрок қилиш.** Биз идрок жараёнида илгариги тажрибага таянганимиз билан кўпинча адашамиз, баъзан эса ўзимиз учун янгиликлар очиб, тажрибани янада бойитамиз. Илгариги тажриба ва келажакни башорат қилиш инсонга хос хусусият бўлиб, бизнинг сезги органларимиз орқали келадиган маълумотларнинг кўлами ва имкониятларини янада оширади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, *идрок - ташқи муҳит тўғрисидаги тахминларимизни исбот қилишга қаратилган фаол жараёндир.* Биз бевосита идрокимиз «тагига етолмаётган», «тушунмаётган» нарсаларни бевосита ҳис қилгимиз, қўлимиз билан ушлаб кўргимиз, улар билан ишлагимиз келади. Яъни, идрок қилинаётган нарсада ноаниқлик, сир пайдо бўлса, биз «Бу нима бўлди?» деган савол асосида тахмин қила бошлаймиз ва уни текшириш учун ҳаракат қиламиз. Айнан ҳаракатлар, амалий ишлар идрокимиз имкониятлари ва чегаралари кенгайтиради ва англашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишни бошлашдан аввал нимага эгамиз, нима керак ва нима қилсак, тезроқ яхши натижага эга бўламиз, деган савол билан ўзимиздаги тажрибада бўлган билимларимиз билан унчалик аниқ бўлмаган маълумотларни тарозуга солиш ва имкон борича нутқимиз, ҳаракатларимиз билан реал тажрибани кенгайтиришга интилишимиз керак. Шундай қилиб, бир қарашда оддийроқ туюлган идрок ҳам инсон билимлари, тушунувчанлиги ва фаоллиги билан боғлиқ психологик жараён бўлиб, у аслида шахсий тажрибамизнинг бирламчи асоси ва базасидир.

## 5.5. Хотира ва шахс тажрибасининг бойлиги

Одам кўрган, ҳис қилган ва эшитган нарсаларининг жуда оз миқдоринигина эслаб қола олади. Маълум бўлишича, бир вақтнинг ўзида одам онгида 7 тадан ортиқ белгига эга бўлган маълумотнинг қолиши қийин экан экан. Бу еттита сўз, сон, белги, нарсанинг шакли бўлиши мумкин. Агар телефон рақамлари 8 та белгили бўлганда, уни ёдда сақлаш анча қийин бўларкан. Демак, онгнинг танловчанлиги ва маълумотларни саралаб, териб

ишлатиши яна бир психик жараённи - хотирани билишимиз лозимлигини билдиради.

Одатда биз бирор бир материални ўқийдиган бўлсак, уни ҳеч бир ўзгаришсиз эслаб қолишга ҳаракат қиламиз. Лекин ажабланарлиси шундаки, борган сари материал маълум ўзгаришларга юз тўтиб, хотирада дастлабки пайтдагисидан бошқачароқ бўлиб сақланади. Баъзи бир материал ёки маълумот хохласак ҳам хотирадан ўчмайди, бошқаси эса жуда қаттиқ хохласак ҳам керак пайтда ёдимизга туширолмаймиз Бу каби саволлар, инсон билиш жараёнларидаги энг муҳим саволлар бўлиб, баъзан ўз тараққиётимиз ва камолатимизни ҳам ана шундай омилларга боғлагимиз келади.

Маълум бўлишича, инсон мияси ҳар қандай маълумотни сақлаб қолади. Агар шу маълумот бирор сабаб билан одамга керак бўлмаса, ёки ўзгармаса, у онгдан табиий тарзда йўқолади. Лекин ҳар доим ҳам бизнинг профессионал фаолиятимиз манфаатларига мос маълумотларни эсда сақлаш жуда зарур ва шунинг учун ҳам кўпчилик атайлаб хотира тарбияси билан шуғулланади.

***Х о т и р а*** - *бу тажрибамизга алоқадор ҳар қандай маълумотни эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутиш билан боғлиқ мураккаб жараёндир. Хотира ҳар қандай тажрибамизга алоқадор маълумотларнинг онгимиздаги аксидир.*

Инсон хотирасининг яхши бўлиши, яъни ҳис-кечинмаларимиз, кўрган - кечирганларимизнинг мазмуни тўлароқ миямизда сақланиши қуйидаги омилларга боғлиқ:

- эсда сақлаб қолиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг якунланганлик даражасига;
- шахснинг ўзи шуғулланаётган ишга нечоғлик қизиқиш билдираётганлиги ва шу ишга мойиллигига;
- шахснинг бевосита фаолият мазмуни ва аҳамиятига муносабатининг қандайлигига;
- шахснинг айни пайтдаги кайфиятига;
- иродавий кучи ва интилишларига.

Хотира жараёнлари шахснинг фаолиятдаги ютуқларига боғлиқ бўлгани учун ҳам, унинг табиати, қандай кечишига кўплаб олимлар аҳамият берганлар. Масалан, нима учун одам у ёки бу маълумотни хотирада сақлайди, деган саволга турли олимлар турлича жавоб берадилар. Масалан, физиологлар унинг сабабини мияда ҳосил бўладиган нерв боғланишлари - ассоциациялар билан боғлашса, биохимиклар - рибонуклеин кислота (РНК) ва бошқа биохимик ўзгаришлар оқибатидадир, деб тушунтирадилар.

Психологлар эса хотирани доимо инсон фаолияти, унинг шахс учун аҳамияти ва мотивлар характери билан боғлайдилар. Чунки шахснинг

йўналганлиги, унинг ҳаётдаги мавқеи ва қобилиятларининг ривожланганлик даражаси айнан хотирасининг мазмунига боғлиқ. Шунинг учун ҳаттоки, шундай гап ҳам бор: «Нимани эслашингни менга айт, мен сенинг кимлигингни айтаман».

Амалий нуқтаи назардан хотиранинг самарадорлиги, уни ўқув ва меҳнат фаолияти жараёнида ошириш катта аҳамиятга эга. Чунки кўпинча одамлар орасида ишчанроғи, ўқувчи ёки талабалар орасида билимлироғи ҳам бир қарашда хотирасининг кучи билан бошқалардан ажралиб туради. Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг хотираси ҳақида афсоналар юради. Масалан, у ўз қўл остидаги бекларнинг нафақат исмини, балки отасининг исмларини ҳам ёддан биларкан, учрашувларда бевосита номини айтиб мурожаат қиларкан. Бу фазилат ҳам унинг ўз қўл остидагилар орасида обрўйининг баландлигига таъсир кўрсатган. Американинг машхур Президентларидан Авраам Линкольн ҳам ана шундай феноменал хотирани ўз яқинлари ва иш юзасидан у билан боғлиқ бўлган ходимларга нисбатан намоён этиб, лол қолдирган экан. Демак, хотира тарбияси, уни керакли йўсинда ривожлантириш - керак бўлса, шахсий обрў ҳамда ишдаги самара масаласи билан бевосита боғлиқ экан.

Умуман, ***хотиранинг самарадорлиги*** *эслаб қолишнинг кўлами ва тезлиги, эсда сақлашнинг давомийлиги, эсга туширишнинг аниқлиги билан боғланади.* Демак, одамлар ҳам айнан шу сифатларга кўра ҳам фарқланадилар:

- материални тезда эслаб қоладиганлар;
- материални узоқ вақт эсда сақлайдиганлар;
- истаган пайтда осонлик билан эсга туширадиганлар.

Баъзи одамларнинг хотирасига хос жиҳатларни туғма деб аташади. Тўғри, олий нерв тизими, унинг ўзига хос ишлаш хусусиятлари хотиранинг ўзига хос индивидуал услубини белгилаши мумкин. Лекин ҳаётда кўпинча шахснинг билиш жараёнлари ва сезги органларининг ишлаш қобилиятларига боғлиқ тарзда ажралиб турадиган типлари ҳақида гапиришади. Масалан, айрим одамлар кўрган нарсаларини жуда яхши эслаб қолади, демак, уларнинг ***хотираси кўргазмали-образли*** бўлиб, кўзи билан кўрмагунча, нарсанинг моҳиятини тушунмайди ҳам. Бошқалар эса ўзича фикрлаб, номини айтиб, мавхум тарзда тасаввур қилмагунча, эслаб қолиши қийин бўлади. Бундайлар ***сўз - мантиқий хотира*** типи вакилларидар. Яна бир типли одамлар бевосита ҳис қилган, «юрагидан» ўтказган, унда бирор ёркин эмоционал образ қолдира олган нарсаларни яхши эслаб қоладилар, бу - ***эмоционал хотирадир***. Лекин яна бир хотира эгалари борки, уларни ***феноменал хотира*** сохиблари деб аташади. Психологияга оид китобларда ана шундай хотирага эга бўлган

кишилар тўғрисида кўп ёзилган. Бу шундай кишиларки, улар бир вақтнинг ўзида нисбатан жуда катта ҳажмдаги маълумотларни эсда сақлай олади ва эсга туширади. Масалан, тарихий шахслар орасида Юлий Цезарь, Наполеон, Моцарт, Гаусс, шахмат устаси Алехин каби инсонлар хотираси ана шундай ноёб бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Таниқли, рус психологи ва нейропсихологи А.Р. Лурия ҳам ана шундай хотира сохибларидан бири - асли касби журналист бўлган Шерешевский деган шахс хотирасини атайлаб узоқ вақт мобайнида ўрганган. Унинг хотираси шундай эдики, Дантенинг «Илоҳийлик комедияси»дан олинган узундан-узоқ парчани бир марта қараб олгандан сўнг, 15 дақиқадан сўнг сўзма-сўз айтиб бера олган. Шуниси характерли эдики, комедия унга нотаниш бўлган итальян тилида ёзилган эди. Кўпчиликни қандай қилиб яхши, мустаҳкам эсда сақлаб қолиш муаммоси қизиқтирса, Шерешевский учун қандай қилиб унутиш масаласи мураккаб эди. Уни хотира образлари доимо қийнар, кўрган нарсалари кўз олдида гавдаланаверар эди. Қандай қилиб эслаб қоласиз? деган саволга у шундай жавоб берган: мен «материални» ўзимга таниш ва севимли бўлган Москва кўчаларига жойлаштираман. Бир марта бир материалнинг бир бўлаги ўша «кўчанинг» салқин тушган ерига тушиб қолиб, эсга тушириши анча қийин бўлган экан. Шунга ўхшаш ҳар бир феноменал хотира эгаларининг ўзига хос эслаб қолиш услублари бўлар экан.

Шотландиялик математик А. Эткин 1933 йили 25 та бир-бири билан боғланмаган сўзлардан иборат икки қаторни эслаб қолиб, ҳеч бир хатосиз уни 27 йилдан кейин эсга тушира олган. «Қилич ва қалқон» кинофильмидаги рус разведчиги И. Вайснинг нацистлар томонидан режалаштирилган биринчи навбатда батамом йўқ қилиниши лозим бўлган объектлар - шифрлари билан кўрсатилган рўйҳатини бир карра кўриб чиқиб, бир неча дақиқадан сўнг эсга туширганини эсланг. У ҳам гуёки, кўриб тургандай ўша рўйҳатларни қайтадан ўқигандай, такрорлайди. Тарихда бундай кишилар бор ва улар бизнинг орамизда ҳам йўқ эмас. Муҳими шундаки, ана шу феноменал хотирани шахс ва жамият манфаатига мос тарзда унумли ишлата билишдир.

Эсда сақланган маълумотни хотирадан чиқариб олиб, қайта тиклаш ҳам муҳим муаммо. Чунки кўпинча биз хотирамизда кечагина ўқиган ёки яқиндагина ўқитувчимиз айтиб берган маълумотнинг борлигини биламиз-у, лекин керак вақтда уни эсга тушира олмаймиз. Маълумотни хотирадан чақириб олиш омилларига қуйидагилар киради:

*Маъмулотнинг англанганлиги.* Биз ўзимиз тўла англаган, тушунган нарсаларни осонрок эсга туширамиз. Масалан, алфавитни жуда осон эсга туширамиз, ёки 1, 2, 3, 4 ва ҳакозо тартибли сонларни бир кўргандан сўнг у миллионгача бўлса ҳам эсга туширишимиз сираям қийин эмас. Лекин шу

сонлардан бор йўғи 7 - 8 тасини тескари ёки аралаш тартибда ёзилган бўлса, уларни эсга тушириш анча мушкул бўлади. «Психология» ёзувини эсга тушириш жуда осон, лекин «и п и о х о я с л г» ҳарфлари тўплами айнан ўша ҳарфлардан иборат бўлса ҳам сира эсга тушира олмаймиз. Демак, материални яхшилаб эсда сақлаш ва эсга тушириш учун уни тушуниш ва англаш керак. Мазмунини ва моҳиятини тушунган холда иложи бўлса, ўзимиздаги қизиқишларга боғлай олишимиз керак.

*Кутилмаган маълумот.* Кутилмаганда пайдо бўлган янги ва яхши маълумот ҳам яхши эсга тушади. Масалан, сонлар қаторида берилган битта ҳарф, ёки аксинча, ҳарфлар орасидаги битта сон, узун жумлалар орасида пайдо бўлган қисқа жумла эсга тезрок ва аниқрок тушади. Бунинг оддий сабаби - биз кутилмаганда пайдо бўлган маълумот ёки нарсага ҳайратланамиз, жонли эмоциялар билан жавоб берамиз, бу эса яхши эслаб қолишга ва керак бўлганда, ёрқин тиклашга асосдир.

*Маълумотнинг мазмун ёки шакл жиҳатдан бир-бирига яқинлиги.* Масалан, агар кўплаб бир-бирига боғлиқ бўлмаган сўзлар орасида «эркак» ва «аёл» сўзлари пайдо бўлган бўлса, биттасининг эсга туширилиши иккинчисининг ҳам эсда тикланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўқув режасига киритилган барча фанлар шундай бирин-кетинликда бериладики, бирини ўзлаштириш иккинчисининг ҳам ўзлаштирилиши, бир - бирини тўлдиришга хизмат қилсин.

*Эсда сақлаш вақти билан эсга тушириш вақти ўртасидаги фарқ.* Одамда берилган маълумотни идрок қилиш ва шу орқали эсда сақлаш вақти канчалик кўп бўлса, эсга тушириш ҳам осонроқ бўлади. Шунинг учун ҳам узоқ муддатли хотирада сақланадиган информация узоқ вақт мобайнида, кўпинча бир неча марта қайтариб берилади, қисқа муддатлида эса бир марта, қисқа фурсатда берилади ва шу нарса эсга тушириш керак бўлганда, тикланмайди. Масалан, бирор текстни компьютерга киритиш учун ўртоғингизга бериб, кейин нималарни киритганини сўранг. Жавоб аниқ: «Эсимда йўқ». Яъни маълумотнинг умумий мазмуни ёдда қолса ҳам, асосий тушунчалар ва моҳият эсда қолмайди.

Шундай қилиб, хотира фаол жараён бўлиб, у шахснинг у ёки бу турли маълумотлар билан ишлаш малакасига, унга муносабатига, материалнинг қимматини тасаввур қилишига бевосита боғлиқ бўлади. Энг характерли нарса шуки, инсон фақат эшитган маълумотининг 10 фоизини, эшитган ва кўрган нарсасининг 50 фоизгачасини, ўзи фаол бажарган ишларининг деярли 90 фоизини ёдда сақлайди. Бу кўплаб психологик экспериментларда исбот қилинган. Шахснинг ўзи уйлаб топиб, ўзи бевосита бажарган ишлари жуда осон эсга тушади. Бу ҳодиса психологияда *генерация эффекти* деб аталади.

Агар талаба ёки ўқувчи ҳам ўзи бирор теоремани мустақил равишда исбот қилган бўлса, ёки бирор хулосага мустақил равишда келолган бўлса, ўқитувчи тушунтирган ҳодисага яқин нарса тўғрисида ўртоқларига сўзлаб берган бўлса, албатта уни хохлаган пайтда осонгина эсга туширади. Шунинг учун ҳам охирги пайтларда ўйин методлари, мунозара методларидан ўқув жараёнида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ҳаттоки, катталарни қисқа фурсатда ўқитиш ва малакаларини оширишда ҳам турли хил амалий ўйинлардан, ижтимоий психологик тренинглардан фойдаланишнинг маъноси ҳам шунда - яхши ва тез эслаб қолиш ҳамда самарали эсга тушириш. Иқтисодий ўқувларда турли хил «кейс стади» ларни таҳлил қилиш ва ўз нуқтаи назарича мақбул ҳаракат шакллари қарорлар қабул қилиш ҳам мутахассислар малакасини оширишга самарали таъсир кўрсатади.

## 6. Хотиранинг қонунлари

Шахс ўз хотирасини яхшилаш истаги бўлса, у холда хотиранинг саккиз қонунини эслаб куйишни таклиф этамиз:

1. **Англанганлик қонуни.** Оддий, лекин мураккаб қонун, яъни берилган материални қанчалик чуқур англасак, шунчалик уни мустаҳкам хотирада муҳрлаган бўламиз.

2. **Қизиқиш қонуни.** Анатоль Франс: «Билимларни яхши ҳазм қилиш учун уни иштаҳа билан ютиш керак» деганда, албатта, материалга жонли қизиқиш билан муносабатда бўлишимиз, ва уни яхши кўришимиз кераклигини назарда тутган.

3. **Илгариги билимлар қонуни.** Маълум мавзу юзасидан билимлар қанчалик кўп бўлса, янгисини эсда сақлаб қолиш шунчалик осон бўлади. Масалан, илгари ўқиган бирор китобни қайтадан ўқиб, уни янгидан ўқиётгандай ҳис қилсангиз, демак, сиз илгариги тажрибангиз етишмаганлигидан уни яхши ўзлаштира олмаганлигингизни ҳис қилишингиз мумкин. Демак, эски билимлар ҳам тажрибага айлангандагина, янгиларига замин бўла олади.

4. **Эслаб қолишга тайёрлик қонуни.** Бирор материални эслаб қолишдан аввал, бўлгуси ақлий ишга қандай ҳозирлик кўрган бўлсангиз, шунга мос тарзда эслаб қоласиз. Масалан, физика ўқитувчисининг барча дарслари сизга доимо маъкул бўлган бўлса, Сиз: «Бугун ҳам янги нарса ўрганиб чиқаман», деб ўзингизни ишонтирасиз ва оқибатда натижа ҳам яхши бўлади. Ёки вақтга нисбатан тайёрлик ҳам шундай. «Бир амаллаб имтихон топширсам, кейин қутуламан», деб дарсга тайёрланган бўлсангиз, имтихон тугагач, гуёки миянгизни биров «ювиб қўйгандай» тасаввур ҳосил бўлади.

Агар материални мутахассис бўлишим учун жуда керак, деб умрингиз охиригача муҳимлигини англасангиз, у нарса хотирада муқим сақланади.

5. **Ассоциациялар қонуни.** Бу қонун ҳақида эрамиздан аввал Арасту ҳам ёзган эди. Қонуннинг моҳияти шундаки, бир вақтда шаклланган тасаввурлар хотирада ҳам ёнма-ён бўлади. Масалан, айни конкрет хона ўша ерда рўй берган ҳодисаларни ҳам эслатади.

6. **Бирин - кетинлик қонуни.** Ҳарфларни алфавитдаги тартибида ёддан айтиш осон, уни тескарисига айтиш қийин бўлганидек, хотирада ҳам маълумотларни маълум тартибда жойлаштиришга ва керак бўлганда, тартиб билан бирин-кетин тиклаш мақсадга мувофиқдир.

7. **Кучли таассуротлар қонуни.** Эслаб қолинадиган нарса тўғрисидаги биринчи таассурот қанчалик кучли бўлса, унга алоқадор образ ҳам шунчалик ёрқин бўлади. Бундан ташқари, сиз учун аҳамиятли ва жозибали маълумотлар оқимида эсланаётган материал ҳам яхши эсга туширилади.

8. **Тормозланиш қонуни.** Ҳар қандай муайян маълумот ўзидан олдинги маълумотни тормозлайди. Шунинг учун унинг ўчиб кетмаслиги учун янгини эсда сақлашдан аввал мустаҳкамлаш чораларини кўришингиз керак.

Демак, яхши кучли билимларга эга бўлиш учун ҳар бир предмет ёки фаннинг мавзуларини ўзига хос тарзда ёқтира олиш ва хотирада сақлаш услубларини ишлаб чиқишингиз керак экан. Лекин албатта, математика фанидан кейин физикани, тарихдан кейин адабиёт фанини, шеър ёдлашни уйқу олдидан амалга оширмасликни маслаҳат берамиз.

## 5.7. Билиш жараёнларини бошқариш усуллари

Идрок ва хотира жараёнларининг самарадорлиги ва уларни бошқариш яна бир психик жараён диққатга боғлиқдир. Диққат – шундай психик жараёнки, у шахс онгининг нарса ва ходисаларга йўналганлигини акс эттиради. Ҳосил бўлиш ва амал қилиш хусусиятига кўра диққат икки турли: ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлади. Ихтиёрсиз диққат кишининг англашилган ниятлари ва мақсадларидан мустасно тарзда ҳосил бўлади. Ихтиёрий диққат онгли равишда бошқарилаётган ва тартибга солинган бўлади. Ихтиёрсиз диққатнинг пайдо бўлиши психофизиологик ва психик омиллар билан белгиланади. Ихтиёрий диққат шахс фаолиятида намоён бўлади. Шу диққат тури борлиги туфайли киши хотирадан ўзи учун зарур маълумотларни фаол тарзда, танлаб ажратиб олишга, тўғри қарорларни танлашга, фаолият жараёнида пайдо бўладиган вазифаларни амалга оширишга лаёқатли бўлади. Диққатнинг хусусиятларига: кўчиши, барқарорлиги, тақсимланиши ва кўлами киради. Диққатнинг салбий жиҳати ҳам мавжуд. Бу паришонхотирликдир. Паришонхотирлик диққатни узоқ вақт давомида

жадал бир нарсага қаратишга лаёқацизликда, диққатнинг тез-тез ва осон бўлиниб туришида намоён бўлади. Бу эса ўқиш ва ишда сусайишга олиб келади. Шунинг учун ҳар бир талаба ўз таълим фаолиятини самарадорлигини ошириши учун диққат хусусиятларини билиши билан бирга, уни бошқариш ва ривожлантириш омилларини топа олиши керакдир.

Диққатни илмий тадқиқ этиш Н.В.Добринин, Н.В.Кузъминина, И.В.Страхов, М.В.Гамезо, Ф.Н.Гоноболин каби бир қатор олимлар томонидан олиб борилган. Диққат жараёнининг физиологик асосларини тушунтиришда эса рус физиологлари И.П.Павлов, А.А.Ухтомскийларнинг олиб борган ишлари муҳимлиги билан ажралиб туради. Уларнинг таълимотларига асосан, диққатнинг холатлари, сифатлари, хусусиятлари, биринчидан, қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро биргаликдаги ҳаракати билан, иккинчидан, мия структурасида ҳукм сурувчи қўзғалувчанлик билан уйғунликка эгадир.

Диққат муаммосини бошқа психик жараёнлар билан боғлиқ жиҳатларини Н.Н.Ланге, А.Р.Лурия ва бошқалар ҳам ўрганганлар. Н.Н.Ланге диққат муаммосини ўрганишда қадимги даврдан бошлаб, то 19 асргача бўлган ривожланиш босқичини саккизта туркумга ажратган ҳолда таҳлил қилади.

Диққат хусусиятларини билиш ҳар бир шахснинг фаолиятида маълум самарага олиб келгани боис, уни ўрганиш ва диагностика қилиш шахсга албатта ёрдам беради.

**Қисқача хулосалар:**

Шахс ва унинг ташқи оламни билиш имкониятлари билиш жараёнлари, яъни психик жараёнлар орқали тушунтирилади. Уларга сезгилар, идрок, диққат, тафаккур, хотира, ҳаёл киради. Бу психик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ва қонуниятларини билиш шахснинг фаолиятини ифодалашда ёрдам беради. Шунингдек, унинг фаолияти, масалан, ўқиш фаолияти, меҳнат фаолияти самарали бўлишига олиб келади. Таълим ва тарбия жараёнида билиш қобилиятларини такомиллаштиришнинг психологик тамойиллари ва шартлари мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида шахснинг ўз-ўзини англаши ва бошқариши учун катта аҳамиятга эгадир.

**Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Профессионал билимдонлик нима?
2. Билиш жараёнларига нималар киради?
3. Идрок деб нимага аталади?
4. Идрок қандай қонуниятларга эга?
5. Хотира деб нимага аталади?

6. Хотиранинг мустахкам бўлиши қандай омилларга боғлиқ?
7. Хотиранинг саккиз қонуни қандай мазмунга эга?
8. Диққат деб нимага аталади?
9. Паришонхотирлик қандай жараён?
10. Мантиқий ва механик хотиранинг бир - биридан фарқи нимада?

**Адабиётлар рўйҳати:**


1. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
2. Психология. Учебник .- Под ред. А.Крўлова, - М., 1998
3. “Психология” Уч.Т-2. “Проспект”. Москва - 2004.
4. Гамильтон. Я.С. “Что такое психология”. “Питер”, 2002.
5. Дружинина В. “Психология “. Учебник. “Питер”, 2003.


## 12-МАВЗУ. “ШАХС” МОДЕЛИНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ

Бугунги кунда психологияда шахс хақида бирон бир умумтан олинган назария йўқ, аммо аҳамиятли таъсирга ва кўпгина тарафдорларга эга бўлган турли хил назариялар, шахс ҳақидаги концепция ва моделлар мавжуд. Биз бу ерда фақатгина шахс ҳақидаги айрим машхур моделларга тўхталамиз. Нафақат психологлар ўртасида, балки аҳолининг кенг қатлами ўртасида ҳам оммабоп бўлган шахс ҳақидаги назариялар мавжуд. Шундай концепциялардан бири бўлиб, З Фрейднинг шахснинг психодинамик назарияси ҳисобланади. Шахс 3 та қурилмавий компонентдан: ид (у), эго (мен), ва суперего(тепада-мен) иборат бўлади. Ид қобиғи шахснинг инстинктив ядроси ҳисобланади. Ид қобиғида ётадиган кучли инстинктлар ўзларини чиқишларини талаб қилади ва шахс ҳулқини (бевосита ёки билвосита) аниқлайди. Ид қобиғининг тўлиқ ишлашида қониқиш тамойилига бўйсўнади. Фрейднинг психодинамик назариясида 2та асосий инстинк ажралади: 1. хаёт инстинкти деб изоҳланадиган жинсий инстинкт (либидо, эрос) ва ўлим инстинкти деб изоҳланадиган диструктив, бузғунчи инстинк (мортидо,танатос) инсон ҳулқининг бундай агрессия шакли бу концепцияда инстинктив ҳулқ шакли, шахснинг диструктив инстинкти намоён бўлиши сифатида кўрилади.

Эго қобиғи - бу шахс онг қобиғининг рационал қисми. Икки асос инстинктда хавфли, дЭезадаптив ходисаларни олдини олиш учун, Ээго ид қобиғи билан доимий ўзаро таъсирда бўлади.

Суперего қобиғи –шахснинг ахлоқий “Мен”қобиғи бўлиб, ўз ичига, социум талабларига жавоб берадиган аҳлоқий намойиш, қадриятлар, нормалар тизимини олган. Бу қобиқ ижтимоийлашув жараёнида ташкил топади ва Фрейд фикрича (вақт мазмунида ) шахс ривожланишининг сўнгги компоненти ҳисобланади. Суперего қобиғи ид каби инстинктивли бўлмасада, рационал эго билан қарама-қаршиликда туради. Айтиш мумкинки, суперего реалистик мақсаддан идеалистик мақсадни устунлигига ишонтиришга ҳаракат қилади.

З.Фрейднинг психодинамик концепцияси қанчалик кўп рақибларга эга бўлса, шунчалик тарафдорларга ҳам эгадир. Бу энг кўп радикал баҳоланадиган фикрларни завқ билан қабул қилишдан тортиб, шарциз рад этишгача олиб келадиган назариядир. Хаммасидан кўра психоанализни илмий психологияда қабул қилмай туриб, бутун дунёга машҳур психолог П.Фрессом ифодалаганидек, психоанализ - бу ишонч, ишониш учун эса биринчи навбатда тиз чўкиш керак деган эди.

А.Адлернинг шахс назарияси, индивидуал шахс назарияси ёки индивидуал психология сифатида машхурдир. Бу назария хам анъанавий тарзда психоаналитик юналишга таълуқли, хақиқатда хам индивидуал психологиядаги кўпгина қоидалар, Фрейд назариясини антитезиси сифатида вужудга келган .А.Адлер назарияси мантиққа зид равишда эшитилса хам, ўз табиати бўйича ва асосий концептуал қоидаси бўйича замонавий инсонпарвар психологиянинг олдиндан хабар берувчиси ва даракчиси сифатида кўрилиши мумкин.

Адлер назарияси негизини мохияти қуйидаги: 1) сохта финализм, 2) устунликка интилиш, 3) бадал ва тўлиқ қимматга эга эмаслик туйғуси, 4) ижтимоий манфаат, 5) хаёт услуби, 6) креатив “Мен” каби тушунчалар билан боғлиқ .

*Сохта финализм*. Адлер бўйича инсонни асосий мақсади, шахс ҳаёти юналишини аниқловчи, хақиқат билан ўзаро муносабатини текширишни иложи йўқ сохта мақсадни ўзида намоён қилади. Аммо сохталикка қарамасдан, айнан шундай финалли мақсадларни борлиги инсон фаоллигини ҳақиқий стимули ҳисобланади ва уни ҳулқини тушунтириб беради. Баъзи одамлар оғир меҳнат ва озгина муваффақият инсонга деярли хамма нарсага эришишга имконини беради деб ўз ҳаётини қуриши мумкин. Бу уларнинг кўпчилиги оғир меҳнат қилиб, ўзлари муносиб бўлган нарсаларни ололмайдиганларни тасдиқловчи функциядир (Адлер). Инсон хаётига таъсир қиладиган сохта ишончга бошқа мисоллар қуйидагилар хисобланади: “ростгўйлик -яхши сиёсат”, “хамма одамлар тенг бўлиб яралган”. Ишонч шундаки тақводорлар жаннатга тушади, гунохкорларни эса

дўзах кутади, шубхасиз инсон ҳулқига шундай таъсир қилишади. Бу ишонч хам сохта финализмга мисол бўлади. *Устунликка интилиш*. Адлер биринчи навбатда хамма одамлар интилаётганохирги мақсад сифатида хокимятга интилишни айтади. Кейинроқ у "устунликка интилиш" термини фойдасига, " хокимятга интилиш " терминидан воз кечади. Устунликка интилиш фақатгина юқори ижтимоий мақомга ёки раҳбарликка эришишдан иборат бўлмайди, устунликка интилиш бу умумий ўсишга интилиш, "пастдан юқорига қараб ҳаракатланиш". Шу йўл билан устунликка интилишни, ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ, ўзича амалга ошириши мумкин булган, кўпгина усуллар билан ифодалаш мумкин.

*Тўлиқ қимматга эга эмаслик туйғуси ва уни тўлдириш*. Тўлиқ қимматга эга эмаслик туйғуси бу ўзининг ижтимоий ёки психологик ночорлигидан ташвишланиши натижасида юзага келадиган туйғу билан боғлиқ. У ҳаётнинг барча жабҳасида комил эмаслик ёки нуқсонни хис қилиш натижасида юзага келади. Тўлиқ қимматга эга эмаслик туйғуси деярли барча одамларга хос. Инсон қиладиган хамма нарсанинг асосида ўз тўлиқ қимматга эга эмаслик туйғусидан халос бўлишга ва ўз устунлигини мустаҳкамлашга интилиш ётади. Шундай қилиб тўла қимматга эга эмаслик туйғуси паталогия аломати эмас экан. Аксинча инсонни камолатга эришиш сабаби бўлади. Комил эмаслик туйғуси аниқ бир холатларда (масалан, нотўғри тарбия билан боғлиқ) кучайиши ва аномалдаражага етиши мумкин. Бу ҳолатда комил эмаслик комплексининг шаклланиши хақида гапиришади. Адлер комил эмаслик комплексига олиб келувчи, ёшликда ҳис қилинадиган вазиятни 3 та турини ажратади: инсон органининг тўлиқ эмаслиги, хаддан ортиқ васийлик, ота-оналар томонидан рад этилганлик. Комил эмаслик ўрнини тўлдириш, инсонни комил бўлмаган ёки бошқа жабҳасини ривожланишига олиб келади. Тўлиқ бўлмаган органнинг классик мисоли сифатида Демосфенни келтиришимиз мумкин. У ёшлигида дудуқлигидан азият чеккан, лекин барибир буюк нотиқлардан бири бўлиб етишган. Аммо аниқ бир ҳолатларда компенсация гиперкомпенсацияга жой бериши мумкин, натижада ривожланиш аномал йўлдан бориб, устунликни компенсатор комплекси шаклланишига олиб келиши мумкин.

*Ижтимоий манфаат*. Ижтимоий манфаат (ёки умумийлик хисси) Адлер қарашича кооперацияга, гурух билан ўхшашликка интилиш, эмпатияни намоён бўлишини ўзида мужассам этади. Ижтимоий манфаатнинг туб мазмуни инсонларнинг ижтимоий фойда, шахсий даромад, ўз шахсий эхтиёжларига бўйсуниш тенденциясида ифодаланади. Инсон ўз табиати бўйича ижтимоий мавжудот бўлганлиги учун ўз ижтимоий манфаатлари асоси табиий бўлади. Аммо ҳеч қандай таъсирсиз, автоматик тарзда бу

табиий мойилликни амалга ошиши даргумон, бундай ҳолат керакли тарзда номоён бўлиши учун маълум куч бўлиши зарур. Ижтимоий манфаатни ривожланишида ижтимоий муҳит ва тарбия бола ривожланишининг энг дастлабки босқичидан бошлаб катта аҳамиятга эга.

*Ҳаётий услуб*. Ҳаёт услуби нима деганлиги аниқлаш етарлича қийин, Адлер ҳам бу тушунчани ўз ишида турлича ўйлаган. Ха, хамма одамлар устунликка эришишда умумий мақсадга эга, аммо унга эришиш йўли турлича. Хаётий услуб ўзида инсон фазилатларини мужассам этиб, хулқ ва одат усулларини биргаликда олганда индивид мавжудлигини такрорланмас образини намоён қилади. Инсонни барча хулқи уни хаётий услуби орқали аниқланади. Бир одам устунликка эга бўлиш учун ўз интелектини ривожлантиради, бошқа одам эса бу йўлни жисмоний комиллик билан кўради. Адлер бўйича ҳаётий услуб болаликда тахминан 5 ёшларда шаклланади ва жиддий ўзгаришларга учрамайди. Боланинг хаёлан ёки ҳақиқатда ўзига хос тўлақонли эмаслигидан ҳаётий услуб шаклланади деб тахмин қилинади. Ҳаётий услуб бу- мавжуд норасоликни тўлдириш. Унинг асосида бизнинг комил эмаслик туйғусидан холос бўлишимиз учун ҳаракат қилишимиз ва бунинг ҳисобига устунлик туйғусини мустахкамланиши ётади .

*Креатив "Мен"*. Креатив "Мен" концепцияси Адлернинг шахс назариясида энг муҳим ва энг охирги (шунингдек хронологик тартибда ҳам) элемент бўлади. Креатив "Мен" ғоясига кўра, инсон ўз шахсини ўзи яратади. Ирсият ва хаттоки субъэктив ҳаётий тажриба фақатгина инсон ўз шахсини қурадиган анжом ҳисобланади. Маълум бўладики хаттоки Адлер учун ҳам ҳаётий услуб каби энг муҳим тушунча креатив "Мен" га бўйсунади. Ҳаёт услуби шахснинг ижодий қобилиятлари таъсири остида шаклланади. Демак ҳар бир инсон ўзининг шахсий ҳаёт услубини эркин ярата олади. Шундай қилиб, Адлернинг назариясида ҳаётий услубни ҳам, ижтимоий манфаатни ривожланишини ҳам, ҳаётни мақсади ва хаттоки унга эришиш усулларини асосий сабаби айнан креатив "Мен" бўлади деб кўрсатилган.

Психологияда Г.Айзенкнинг шахс концепцияси кенг ёйилган. Унда шахснинг 2 та ўлчови ажратилади: интроверсия-экстраверсия хамда нейтротизм ва барқарорлик. Кўрсатилган бу 2 та ўлчов (ёки ҳолат) бир бирига боғлиқ эмас. Ушбу шахс ўлчовидаги ҳар бир қутблар ўзида қандайдир суперхислатларни намоён қилади, Айзенк бўйича бу ўлчовларнинг ҳар бирининг асосида бир қанча таркибий фазилатлар жами ётади. Бундан ташқари ҳар бир суперхислат (масалан интроверсия) - обрўсиз миқдорий кўрсатгич эмас, балки аниқ масофа континуумидир. Шунинг учун Айзенк назариясида суперхислатга нисбатан "тип" термини қўлланилади.

1. Онгли ижтимоий хулқ тизимида сабрлиликни ўрни қандай?
1. Шахс автаномлиги нима ва у қандай шароитларда ташкил топади?
1. Шахснинг қандай психологик назарияларини биласиз?

**Ўқув-услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати**
**Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар**

1. М.Г.Давлетшин., Ш.Дўстмухамедова, М.Мавлонов, С.Тўйчиев. “Ёш даврлари ва педагогик психология”. Ўқув қўлланма. Т., 2004-й. 8.2. б.т.
2. З.Нишонова, Г.Алимова. “Болалар психологияси ва уни ўқитиш методикаси”. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамг`армаси.Т., 2006-й. 10 б.т.

## 13-МАВЗУ: ПСИХОЛОГИЯДА МОТИВАЦИЯ

Режа:

1. Ижтимоий хулқ мотивлари ва шахс мотивацияси
2. Мотивларнинг турлари
3. Мотивларнинг англанганлик даражаси: ижтимоий установка ва уни ўзгартириш муаммоси

### Ижтимоий хулқ мотивлари ва шахс мотивацияси

Юқорида биз танишиб чиққан фаолият турлари ўз-ўзидан рўй бермайди. Шахснинг жамиятдаги ижтимоий хулқи ва ўзини қандай тутиши, эгаллаган мавқеи ҳам сабабсиз, кузатилмайди. Фаолиятнинг амалга ошиши ва шахс хулқ - атворини тушунтириш учун психологияда *«мотив»* ва *«мотивация»* тушунчалари ишлатилади.

*«Мотивация»* тушунчаси «мотив» тушунчасидан кенгроқ маъно ва мазмунга эга. **Мотивация** - инсон хулқ-атвори, унинг боғланиши, йўналиши ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуини билдиради. Бу тушунча у ёки бу шахс хулқини тушунтириб бериш керак бўлганда ишлатилади, яъни: «нега?», «нима учун?», «нима мақсадда?», «қандай манфаат йўлида?» деган саволларга жавоб қидириш - мотивацияни қидириш демакдир. Демак, у хулқнинг мотивацион таснифини ёритишга олиб келади.

Мотив ва мотивация муаммоларини тадқиқ этишда рус ва собиқ иттифоқ психологлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар,

жумладан, К.Д.Ушинский, И.М.Сеченов, И.П.Павлов, В.М.Бехтеров, А.Ф.Лазурский, В.М.Мясишчев, А.А.Ухтомский, Л.С.Вўгоцкий, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, П.М.Якобсон ва бошқалар.

Ўз замонасининг буюк экспериментатори А.Ф.Лазурский психик жараёнлар ва шахс хусусиятларини тадқиқ этаётганида мотивлар масаласига қизиқиш билан ёндашади. Бунинг учун муаллиф ўз изланишларида “майллар ва хоҳишлар кучи ҳамда заифлиги”, “мотивлар курашига мойиллиги”, “мотивлар муҳокамасига ортилганлиги”, “хоҳишнинг қадриятга эга эканлиги, аниқ хусусиятлилиги” сингари контекстлар орқали ўрганишга интилади. Шунинг билан бирга А.Ф.Лазурский интилиш ривожининг даражаси онгли иродавий зўр бериш билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Мотив муаммоси Д.Н.Узнадзе томонидан ўрганилган бўлиб, унинг моҳиятини тушнтириш, установка назариясига асосланган. Шунинг учун мотивни муаллиф субъект фаоллигининг манбаи, деб тушунтиради, мотивацияни эса иродавий актга олиб келувчи босқич деб ҳисоблайди.

А.Н.Леонтьев мотивация масаласини тушунтиришда инсон онгининг намоён бўлишини таҳлил қилиш воситаси орқали ёндашади. У ҳатти-ҳаракат хулқ мотивига айланишини психологик механизмларини таҳлил қилади.

В.Н.Мясишев фикрича, мотив ҳаракат объектига нисбатан муносабатнинг ифодаланишидир.

Шахснинг жамиятда одамлар орасидаги хулқи ва ўзини тутиши сабабларини ўрганиш тарбиявий аҳамиятга эга бўлган нарса бўлиб, масалани ёритишнинг икки жиҳати фарқланади:

**а)** ички сабаблар, яъни ҳатти-ҳаракат эгасининг субъектив психологик хусусиятлари назарда тутилади (мотивлар, эҳтиёжлар, мақсадлар, мўлжаллар, истаклар, қизиқишлар ва хоказолар);

**б)** ташқи сабаблар - фаолиятнинг ташқи шарт-шароитлари ва ҳолатлари. Яъни, бўлар айни конкрет ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўладиган ташқи стимуллардир.

Шахс хулқ-атворини ичкаридан, ички психологик сабаблар туфайли бошқариш одатда **шахсий диспозициялар** ҳам деб аталади. Улар шахс томонидан англаниши ёки англанмаслиги ҳам мумкин. Яъни, баъзан шундай бўладики, шахс ўзи амалга оширган иши ёки ўзидаги ўзгаришларга нисбатан шаклланган муносабатнинг ҳақиқий сабабини ўзи тушуниб етмайди, «Нега?» деган саволга «Ўзим ҳам билмай қолдим, билмайман», деб жавоб беради. Бу англанмаган диспозициялар ёки установкалар деб аталади. Агар шахс бирор касбга онгли тарзда қизиқиб, унинг барча сир-асрорларини эгаллаш учун

астойдил ҳаракат қилса, бунда вазият бошқачароқ бўлади, яъни, диспозиция англанган, онгли ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан *мотив* - конкретроқ тушунча бўлиб, у шахсдаги у ёки бу хулқ-атворга нисбатан турган мойиллик, ҳозирликни тушунтириб берувчи сабабни назарда тутади. Машҳур немис олими Курт Левин мотивлар муаммоси, айникса, шахсдаги ижтимоий хулқ мотивлари борасида катта кенг ҳамровли тадқиқотлар олиб бориб, шу нарсани аниқлаганки, ҳар бир одам ўзига хос тарзда у ёки бу вазиятни идрок қилиш ва баҳолашга мойил бўлади. Шуниси ажабланарлики, ўша бир конкрет вазият хусусидаги турли шахсларнинг баҳолари ҳам турлича бўлади. Бундан ташқари, бир шахснинг ўзи ҳам ўзидаги ҳолат, кайфиятга боғлиқ холда бир хил вазиятни алоҳида холларда турлича идрок қилишга мойил бўларкан. Шунинг учун ҳам одамнинг айни пайтдаги реал ҳаракатларини ўша маълум шароитдаги ички ва ташқи стимулларга унинг берган баҳоси ёки реакцияси сифатида қарамай, балки унда шунга ўхшаш ҳолатларни идрок қилишга ички бир ҳозирлик - диспозициянинг мавжудлиги билан тушунтириш тўғрироқ бўлади. Шу маънода шахс хулқининг мотивацияси турли шароитлардан орттирилган тажрибага таянган, онгли таҳлиллар, ҳаттоки, ижтимоий тажриба нормаларининг таъсирида шаклланадиган сабаблар комплексини ўз ичига олади. Масалан, техника олийгоҳларида: «Материалларнинг қаршилиги» номли курс бор дейлик. Шу курсни ўзлаштириш ва ундан синовдан ўтиш кўпчиликка осонликча рўй бермайди. Ҳали курс бошланмасданок, ёш талабаларда шу курс ва унинг талабларига нисбатан шундай установка шаклланадики, албатта, бу курс қийин, уни олиб борувчи ўқитувчи ўта талабчан, каттиққўл ва ҳоказо деган. Бундай мотивация мана неча авлод талабалар бошдан кечираётган ҳолат. Энди конкрет шахснинг дарс жараёни бошланган кейинги ҳаракатлари конкрет мотивлар билан изоҳланади ва тиришқоқ талаба учун бу фан ҳам бошқа фанлар қатори тинимсиз изланиш, ўз вақтида дарсларни тайёрлашни талаб қилса, бошқаси учун (дангасароқ талаба учун) бу дарсдан кейин дарс йўқ ва у қачон шу семестр тугашини кутиб ҳаракат қилади.

Ҳар қандай мотивларнинг орқасида шахснинг эҳтиёжлари ётади. Яъни, мақсадли ҳаётда шахсда аввал у ёки бу эҳтиёжлар пайдо бўлади ва айнан уларнинг табиати ва заруратига боғлиқ тарзда хулқ мотивлари намоён бўлади. Мисол учун талабанинг ўқув фаолиятини олиш мумкин. Билим олиш мақсади билим, илм олиш, қизиқувчанлик эҳтиёжини пайдо қилади. Бу эҳтиёж тараққиётнинг маълум бир даврида, масалан, боғча ёшидан бошлаб қониқтирила бошлайди. Болага сотиб олиб берилган китоблар, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари, маълум таълим масканида ташкил этилган шарт-

шароитлар ва у ердаги бевосита билим олишга қаратилган фаолиятнинг ўзи, бола учун мотив ўрнини босади. Яна бир оддий мисол: қўлингизда китоб бор. Сиз ҳали уни ўқишни бошламадингиз. Лекин ўқиш истаги бор, шу истакнинг ортида эса, ўша мазмунни билиш ва унинг моҳиятини билиб олиш эҳтиёжи туради. Рус олими Р. Немов шахсдаги мотивацион соҳани қуйидагича тасаввур қилади. Умуман, ҳар қандай шахсдаги мавжуд эҳтиёжларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. *Биологик эҳтиёжлар* - бу - физиологик (ташналик, очлик, уйку), жинсий, мослашув эҳтиёжлари.
2. *Ижтимоий эҳтиёжлар* - бу - меҳнат қилиш, билиш, эстетик ва ахлоқий-маънавий эҳтиёжлар.

Эҳтиёжларни биологик ҳамда ижтимоий турларга бўлганимиз билан шу нарсани унутмаслигимиз лозимки, шахсдаги ҳар қандай эҳтиёжлар ҳам ижтимоийлашган бўлади, яъни, улар ўша жамият ва муҳитдаги қадриятлар, маданий нормалар ва инсонлараро муносабатлар характерига боғлиқ бўлади. Масалан, энг табиий ва тушунарли ҳисобланган бизнинг емишга - овқатга бўлган эҳтиёжимизни олсак, у ҳам конкрет муҳитга қараб турлича ҳаракатларни келтириб чиқаради. Яна мисол учун, туй маросимлари ёки жуда тўкин дастурхон атрофида ўтирган одам нима учун шунчалик кўп овқат истеъмол қилиб юборганини билмай қолади. Агар бу табиат қўйни ёки пахта даласидаги ҳашар бўлса-чи, бир бурда иссиқ нон ҳам бутун танага роҳат бахш этувчи малҳам бўлиб, очликни билинтирмайди. Камтарона дастурхондан овқат еб ўрганган киши оз-оз ейишга ўрганса, ёшлигидан нормадан ортиқ еб ўрганган одам врач олдига бориб, ўзи учун оздирувчи дори-дармон сўраса сўрайдики, лекин уйда ўзи емишини назорат қилиши кераклигини билмайди. Демак, бу ҳам маданиятга, этикага, оила муҳитига бевосита боғлиқ нарса экан.

Умуман шахс ижтимоий хулқи мотиви ҳақида гап кетганда, унинг икки томони ёки элементи ажратилади: ***ҳаракат дастури ва мақсад.*** Ҳаракат дастури мақсадга эришишнинг воситаларига аниқлик киритади. Шунинг учун ҳам дастурда назарда тутилган воситалар мақсадга эришишни оқлаши керак, акс холда дастур ҳеч нарса бермайди. Масалан, баъзи ота-оналар фарзандларини яхши тарбиялаш ва ундан идеалларидаги шахс етишиб чиқишини орзу қилиб, унинг олдига жуда оғир тарбиявий шартларни қўядилар, бола эркинлиги бўғилади, у қатъий назорат муҳитида ушланади. Оқибатда бола кейинчалик бошқариб бўлмайдиган, қайсар, унча-мунча ташқи таъсирга берилмайдиган бўлиб қолиб, ҳар қандай бошқа ижтимоий шароитда қийналадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам мотив ҳар доим англанган, эҳтиёжлар мувофиқлаштирилган, мақсадлар ва унга етиш

воситалари аниқ бўлиши керак. Шундагина ижтимоий хулқ жамиятга мос бўлади.

## Мотивларнинг турлари

Мотивлар қуйидаги туркумларга ажратилади: шахснинг ижтимоий эҳтиёжларига мос мотивлар; умумийликка эга бўлган мотивлар; фаолиятга мос мотивлар; пайдо бўлиш хусусияти, муддатига кўра мотивлар; акс этиш даражаси нуқтаи-назаридан иерархик вужудга келган мотивлар.

Психологик маълумотларга кўра ҳар қандай фаолият муайян мотивлар таъсирида вужудга келади ва етарли шарт-шароитлар яратилгандагина амалга ошади. Шунинг учун таълим жараёнида ўзлаштириш, эгаллаш ва ўрганишни амалга оширишни таъминлаш учун ўқувчиларда ўқув мотивлари мавжуд бўлиши лозим.

Турли касб эгалари фаолияти мотивларини ўрганишда мотивлар характерини билиш ва уларни ўзгартириш муаммоси аҳамиятга эга. Шундай мотивлардан бири турли хил фаолият соҳаларида **муваффақиятга эришиш мотиви** бўлиб, бундай назариянинг асосчилари америкалик олимлар Д. Макклелланд, Д. Аткинсон ва немис олими Х. Хекхаузенлар ҳисобланади. Уларнинг фикрича, одамда турли ишларни бажаришини таъминловчи асосан икки турдаги мотив бор: **муваффақиятга эришиш мотиви** ҳамда **муваффақияцизликлардан қочиш мотиви.** Одамлар ҳам у ёки бу турли фаолиятларни киришишда қайси мотивга мўлжал қилишларига қараб фарқ қиладилар. Масалан, фақат муваффақият мотиви билан ишлайдиганлар олдиндан ишонч билан шундай иш бошлайдиларки, нима қилиб бўлса ҳам ютуққа эришиш улар учун олий мақсад бўлади. Улар ҳали ишни бошламай туриб, ютуқни кутадилар ва шундай ишни амалга оширишса, одамлар уларнинг барча ҳаракатларини маъқуллашларини биладилар. Бу йўлда улар нафақат ўз куч ва имкониятларини, балки барча ташқи имкониятлар - таниш-билишлар, маблағ каби омиллардан ҳам фойдаланадилар.

Бошқача хулқ-атворни муваффиқияцизликдан қочиш мотивига таянган шахсларда кузатиш мумкин. Масалан, улар биринчилардан фарқли, ишни бошлашдан аввал нима бўлса ҳам мувафикияцизликка дучор бўлмасликни ўйлайдилар. Шу туфайли уларда кўпроқ ишончсизлик, ютуққа эришишга ишонмаслик, пессимизмга ўхшаш ҳолат кузатилади. Шунинг учун бўлса керак, охир-оқибат улар барибир муваффиқияцизликка учраб, «Ўзи сира омадим юришмайдиган одамман-да» деган хулосага келадилар. Агар биринчи тоифали шахслар бир ишни муваффиқиятли тугатгач, кўтаринки руҳ билан иккинчи ишга киришишса, иккинчи тоифа вакиллари, ҳар қандай

ишни якунлагандан сўнг, унинг натижасидан қатъий назар, руҳан тушкунликка тушадилар ва оғриниш ҳисси билан бошқа ишга киришадилар. Бу ўринда *талабчанлик* деган сифатнинг роли катта. Агар муваффиқиятга йўналган шахсларнинг ўзларига нисбатан қўйган талаблари даражаси ҳам юқори бўлса, иккинчи тоифа вакилларининг талаблари аксинча, паст бўлади. Бундай ташқари ҳар биримиздаги ўзимиздаги реал қобилиятлар тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳам ушбу мотивларнинг фаолиятдаги ўрнига таъсир кўрсатади. Масалан, ўзидаги қобилиятларга ишонган шахс ҳаттоки, мағлубиятга учраса ҳам, унчалик қайғурмайди, кейинги сафар ҳаммаси яхши бўлишига ишонади. Ишончсиз шахс эса кичкина берилган танбеҳ ёки танқидни ҳам жуда катта руҳий азоб билан қайғуриб бошдан кечиради. Унинг учун ҳам шахснинг у ёки бу вазиятларда қайғуриш сифати ҳам маълум маънода мотивлар характерини белгилайди.

Шундай қилиб, мотивлар тизими бевосита шахснинг меҳнатга, одамларга ва ўз-ўзига муносабатларидан келиб чиқади ва ундаги характер хусусиятларини ҳам белгилайди. Уларнинг ҳар биримизда реал шарт-шароитларда намоён бўлишини бирор масъулиятли иш олдидан ўзимизни тутишимиз ва муваффақиятларга эришишимиз билан баҳоласак бўлади. Масалан, масъулиятли имтихон топшириш жараёнини олайлик. Баъзи талабалар имтихон олдидан жуда қайғурадилар, ҳаттоки, қўрқадилар ҳам. Улар учун имтихон топшириш жуда катта ташвишдай. Бошқалар эса бу жараённи босиқлик билан бошдан кечириб, ичидан ҳаяжонланаётган бўлсалар ҳам, буни бошқаларга билдирмайдилар. Яна учинчи тоифа кишилари умуман беғам бўлиб, сира коймайдилар. Табиий, шунга мувофиқ тарзда, ҳар бир тоифа вакиллари ишининг муваффақияти ва фаолиятнинг самараси турлича бўлади. Бунга ҳар бир шахсдаги даъвогарлик даражаси ҳам таъсир қилади. Даъвогарлик даражаси юқорироқ бўлганлар билган-билмаганини исбот қилишга ўринсалар, ана шундай даражаси пастлар бор билганини ҳам яхши айтиб беролмай, яна ўқитувчи билан тортишмайдилар ҳам.

Шунинг учун ҳам ҳар биримиз ижтимоий фаолият мотивларидан ташқари, шахсий ҳислатларимизни ҳам билишимиз ва онгли тарзда хулқимизни бошқара олишимиз керак.

## Мотивларнинг англанганлик даражаси: ижтимоий установка ва уни ўзгартириш муаммоси

Юқорида таъкидлаганимиздек, мотивлар, яъни ҳатти-ҳаракатларимизнинг сабаблари биз томонимиздан англаниши ёки англанмаслиги ҳам мумкин. Юқорида келтирилган барча мисолларда ва

ҳолатларда мотив аниқ, яъни шахс нима учун у ёки бу турли фаолиятни амалга ошираётганлигини, нима сабабдан муваффақиятга эришаётганлиги ёки мағлубиятга учраганини билади. Лекин ҳар доим ҳам ижтимоий хулқимизнинг сабаблари бизга аён бўлавермайди. Англанмаган ижтимоий хулқ мотивлари психологияда ижтимоий установка (инглизча «аттитуд») ҳодисаси орқали тушунтирилади.

Ижтимоий установка шахснинг ижтимоий объектлар, ҳодисалар, гуруҳлар ва шахсларни идрок қилиш, баҳолаш ва қабул қилишга нисбатан шундай тайёргарлик ҳолатики, у бу баҳо ёки муносабатнинг аслида қачон шаклланганлигини аниқ англамайди. Масалан, Ватанимизни ҳаммамиз севамиз, байроғимиз муқаддас, немис инвесторларга ишонамиз, негрларга рахмимиз келади, тижорат ишлари билан шуғулланадиганларни албатта пулдор, бадавлат, деб ҳисоблаймиз ва ҳакозо. Бу тасаввурлар, баҳо ва ҳиссиётлар қачон ва қандай қилиб онгимизда ўрнашиб қолганлигига эътибор бермасдан юқорида санаб ўтган ҳиссиётларни бошдан кечираверамиз. Мана шуларнинг барчаси ижтимоий установкалар бўлиб, уларнинг мазмун моҳияти аслида ҳар бир инсон ижтимоий тажрибаси давомида шаклланади ва узоқ муддатли хотирада сақланиб, конкрет вазиятларда руёбга чиқади.

Американлик олим Г. Оллпорт ижтимоий установканинг уч компонентли тизимини ишлаб чиққан:

А. Когнитив компонент - установка объектига алоқадор билимлар, ғоялар, тушунча ва тасаввурлар мажмуи;

Б. Аффектив компонент - устновка объектига нисбатан субъект ҳис қиладиган реал ҳиссиётлар (симпатия, антипатия, лоқайдлик каби эмоционал муносабатлар);

В. Ҳаракат компоненти - субъектнинг объектга нисбатан реал шароитларда амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари мажмуи (хулқда намоён бўлиш).

Бу уч хил компонентлар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, вазиятга қараб у ёки бу компонентнинг роли устиворроқ бўлиши мумкин. Шуни айтиш лозимки, компонентлараро монандлик бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, айрим талабалар талабалик бурчи ва тартиб - интизом билан жуда яхши таниш бўлсалар ҳам, ҳар доим ҳам унга риоя қилавермайдилар. «Тасодифан дарс қолдириш», «жамоатчилик жойларида тартибни бузиш» каби ҳолатлар когнитив ва ҳаракат компонентларида уйғунлик йўқлигини кўрсатади. Бу бир қарашда сўз ва иш бирлиги тамойилининг турли шахсларда турлича намоён бўлишини эслатади. Агар одам бир неча марта била туриб, ижтимоий хулққа зид ҳаракат қилса, ва бу нарса бир неча марта қайтарилса, у бу ҳолатга ўрганиб қолади ва установкага айланиб қолиши

мумкин. Шунинг учун ҳам биз ижтимоий нормалар ва санкциялар воситасида бундай қарама-қаршилик ва тафовут бўлмаслигига ёшларни ўргатиб боришимиз керак. Бу шахснинг истиқболи ва фаолиятининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

**Қисқача хулосалар:**

Шахс ва унинг фаоллиги масаласи доимо долзарбдир. Шахс фаолияти турларига ўйин, меҳнат, ўқиш, мулоқот киради. Шахсдаги ҳаракатлар жисмоний ва ақлий ҳаракатларга бўлинади. Уларнинг ҳар бир ўз тузилмаси ва хусусиятига эга. Шунга кўра ташқи ва ички фаоллик кузатилади. Шахс ҳаракатида мотивлар муҳим бўлиб, улар ижтимоий хулқ мотивлари, шахс мотивацияси, мотивлар каби турларга бўлинади. Шахсда муваффақиятга эришиш ва мағлубиятдан қочиш мотивлари кўринади. Ишлаб чиқариш жараёнида рўй берадиган турли вазиятларда шахс мотивациясининг ўзгариши ва уни бошқариш масалалари муҳим бўлиб, уни ўрганиш ҳар бир шахс учун зарурдир.

**Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. “Мотив” ва “мотивация” тушунчалари қандай маънога эга?
2. Шахсий диспозициялар нима?
3. Мотивларнинг қандай турлари мавжуд?
4. Ижтимоий установка қандай аҳамиятга эга?

**Адабиётлар рўйҳати:**

1. ҒозиевЭ.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
2. “Психология” Уч.Т-2. “Проспект”. Москва - 2004.
3. Гамильтон. Я.С. “Что такое психология”. “Питер”, 2002.
4. Дружинина В. “Психология “. Учебник. “Питер”, 2003.
5. www.эхперт.псйчологй.ру

## 14-МАВЗУ: КИЧИК МАКТАБ ЁШИДА ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК РИВОЖЛАНИШ

Болалар ва ёшларнинг ёшига кўра узига хосликларини ўрганиш билан психологиянинг махсус тармоғи шуғулланади. Бизнинг психологларимиз ёшига кўра қуйидагича даврлаштиришни таклиф зтадилар: дастлабки болалик даври — 3 ёшгача булган (илк болалик ёшидаги болалар боғчаси гуруҳи), боғча ёшига яқин булган ёшлар — болалар ҳаётининг 4- йили

(болалар боғчасининг кичик ёшдагилар гуруҳи), уртача ёшдаги гуруҳ — 5 ёш-лилар, катта ёшдагилар гуруҳи — 6 ёшлилар ва тайёрлов гуруҳи — 7 ёшлиларга булинадиган — мактабгача булган ёшдагилар даврига бўлинади. Мактаб ёшидаги-лар таълим ва тарбиянинг асосий босқичларига мувофиқ равишда бошланғич (И—ИИ—ИИИ синфларга киритиладиган), ўрта (ИВ синфдан ИХ синфларга қадар) ва юқори (ИХ дан ХИ синфларга қадар) деб номланадиган ёш даврларига бўлинади.

Бу ўринда биз юқорида тилга олиб ўтган номлардаги маълум узгарувчанлик ва шартлиликни таъкидлаб ўтар эканмиз, айрим еш гуруҳлари орасидаги чегара, ажратилиш ўрни масалаларини ҳал этишда маълум даражада таъсир кўрсатадиган баъзи бир янги ҳодисаларга диққат-эътиборни қаратиш лозим деб биламиз. Акселерация — яъни кўп жойларда сунгги пайтларда кузатилган болаларнинг жисмоний ва руҳий, анча барваҳт буйига усиши ва шунга ухшашлар бунга мисол бўла олади.

Таълим муддатининг узайтирилиши билан бир қаторда ўспиринларнинг ижтимоий балоғатга етишиши анча кеч содир булиҳи, жинсий балоғатга етганлик билан шахснинг иқтисодий мустаҳиллигининг бошланиши урта-сида фарқлар вужудга келиши кузатилади. Инсон ривожланишининг айрим босқичларини ёшига кура чегаралаш, ажратиш масалаларини туғри, оқилона ҳал этиш фақатгина таълим беришни бошлаш муддатини белгилаш, уқув ҳажми, ўқувчилар учун кун тартиби, уларга таълим бериш ва тарбиялашнинг воситалари ҳамда усулларини танлаш учунгина эмас, балки ҳуқуқий, тиббий тажриба, бошланғич синф дарсларини психологик тайёрлаш хусусиятларидаги меъёрлаш билан булган кўпгина масалаларни ҳал этиш учун ҳам зарурдир

Ўспирин ешидаги уқувчиларни тарбиялашда маълум бир қийинчшшклар руй беради. Булар тарбиявий таъсирга уларнинг умумий реакцияларида, норозиликла-рида намоён булади. Бу ёш даври туқнашувларга бой булган мушкул, жиддий давр ҳисобланади. Агарда оиладаги яхши муҳит, шарт-шароит ва мактаб жамоасида дустлик, биродарликдек соғлом муҳит мавжуд булганда, уларнинг жисмоний бошланғич синф дарсларини психологик тайёрлаш хусусиятларини ривожлантиришнинг узига хослигини ҳисобга олган туғри тарбияни ташкил этган ҳолларда ўспиринлар шахсини шакллантиришга педагогик раҳбарликлар қийинчиликларини ҳал этиш мумкин. Бунга ижтимоий муҳит, мактаблардаги ёшлар ташкилотларининг, шунингдек, жамоатчиликнинг фаолияти кўмаклашади, кучларни умумлаштириб бу ёшдаги Уқувчиларни фаолиятнинг турли-туман турларига фаол жалб этишга ҳаракат қилади

Шундай қилиб, бу ёшдаги уқувчилар билан ишлашда педагогик вазминлик ва чидам, ҳамда хушмуомалаликни сақлаган ҳолда уларга индивидуал ёндошувни мактабда ҳам шунингдек мактабдан ташқарида ҳам уларнинг фаолиятини тўғри ташкил этиш тарбиячшіар-нинг зарур вазифалари ҳисобланади.

Ўспиринларнинг ҳаётида, хусусан ВИИИ синфда, улар тўлиқ ўрта маълумотни амалга ошириш зарур бўлганда ҳар хил касбларга қизиқиши кўп урин эгаллайди. Яъни қайсидир бир мактаб фанлари юзасидан ўзининг юқори даражадаги қизиқиш соҳасини белгилаш (келгусида эса билимлар тармоғини) ва шунингдек, уларнинг ўзлари жалб этилган амалий фаолият турига меҳр қўйиши ўспиринларнинг ҳаётида катта ўрин эгаллайди. Ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари одатда юқори ўспи-ринлик ёшида бошланади.

Мактаб шароитида (ёки бошқа ўқув муассасасининг) тарбиялаш босқичи якунланаётган босқичда, яъни илк болалик даври ёки юқори мактаб ёшидагилар даврида тарбиянинг роли янада юқори ҳисобланади. Ўқувчиларда келажакка йўналтирилган узоқ муддатли режалар тузилади, дунёқарашнинг асослари шаклланади, Ҳаётдаги ўз ўрнига ва ҳаётга мустақил қарашлари вужудга келади. Бу босқичда ҳам шубҳасиз тарбиячи томонидан маълум мақсадга йўналтирилган тарбия белгиловчи рол ўйнаганларига қарамасдан, хусусан шу ўринда шахс фаоллиги намоён бўлади.

Бу босқичда тарбиянинг асосий вазифаси ўқувчиларга касбни танлашда, уларнинг ўз оиласини тузишга тай-ёрланишларида, ижтимоий фаоллигини шакллантириш-да, ўзининг фуқаровий мавқеини белгилашда ёрдам беришдан иборатдир.

Бу ўринда ҳам тарбиялашга якка (индивидуал), алоғида шахсни ажратиб олган ҳолда ёндошиш зарур. Чунки бу ёшдаги хар бир ўқувчида маънавий эҳтиёж-ларини бошланғич синф дарсларини психологик тайёрлаш хусусиятларини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар асосида белгиланадиган, шахсий қизиқишлар соҳасини акс эттирадиган индивидуаллик яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, индивидуал ёндошиш индивидуал иқтидорлар ва қобилиятларни ривожлантириш учун яхши шарт-шароитларни яратишга зарур бўлибгина қолмасдан, балки яхлит, умумий ўқув дастурининг ўқувчиларини бажаришда қийналаётган кимсаларга ёки хатти-харакатлар меъёридан четга чиқиб, меҳнат ва жамоат интизомини бузганларга ёрдам кўрсатиш учун ҳам зарурдир. Мактаб ёшларни ҳаётга ва жамоада меҳнат қилишга тайёрлашга, хар бир балоқатга етмаган ёшлар вакилининг шахс сифатидаги йўналишини белгилаб берадиган

дунёқарашини шакллантириш учун жамият олдида жуда ҳам масъулиятли бўлиб, унда беқиёс буюк жавобгарлик ҳисси ётади.

Ўқувчиларда бошланғич синф дарсларини психологик тайёрлаш хусусиятларини шакллантириш натижасида меҳр - муҳаббат, мурувват ва оқибат, сахийлик, саховат диёнат, қаноат, ҳиммат, адолат, сабр-тоқат, меҳрибонлик, ростгуйлик фаҳм-фаросатлилик,зийраклик каби маънавий хусусиятлар таркиб топади. Бошланғич синф дарсларини психологик тайёрлаш хусусиятларини шакллантириш ҳақидаги билим ва дунёқарашини ривожлантириб боради. Кичик ёшдаги ўқувчиларда бошланғич синф дарсларини психологик тайёрлаш хусусиятларининг шакллантиришни режалаштириш ҳамда уларга нисбатан муносабатини аниқлаш дарс ва синфдан ташқари ташкил этилувчи тадбирларнинг асосий йўналишини кўрсатиб беради. Натижага кўра, бошланғич синф дарсларини психологик тайёрлаш хусусиятларини шакллантириш ишига раҳбарлик, ташкилий жараён каби бир қатор вазифаларни ҳал этиш лозимлиги аён бўлди. Хусусан, кичик ёшдаги ўқувчиларда бошланғич синф дарсларини психологик тайёрлаш хусусиятларини шакллан-тириш самарадорлигини таъмин этувчи масалаларни ўрганиш ва уларнинг муваффақиятини белгиловчи чора - тадбирларни кўриш, Ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига, унинг янги восита ва усулларини излаб топишга боғлиқдир.

Инсон психикаси доимо ривожланишда. Бола инсоният тарихи давомида жамғарган тажрибаларни ўзлаштириши жараёнида ривожланади. Бу жараён катталар томонидан доимий назорат, яъни таълим шароитида амалга ошади. Таълим боланинг психик ривожланиши жараёнида белгиловчи ролъ ўйнайди. Таълим табиий истеъдод, ижтимоий муҳит ва у ёки бу ёш учун самарали, тушунарли таълим усулларига асосланади. Шундай қилиб, шу нарсани кўриш мумкинки, гўдакликда кўргазмали-ҳаракатли фикрлаш, кейин эса кўргазмали-образли, оғзаки-мантиқий, мавҳум, умумий назарий фикрлаш турлари пайдо бўлади.

Ривожланиш жараёнида фақат билим ва ҳаракат усулларининг ўзгариши, муракаблашиши содир бўлмайди. Боланинг психик ривожланиши унинг бутун шахсидаги ўзгаришлар, яъни шахснинг умумий хусусиятлари ривожланишини ўз ичига олади. Ривожланиш динамикасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) бола шахсини йўналтиришдаги умумий хусусиятлар (ўқиш, англаш, атрофдагилар билан муносабат), 2) фаолиятининг психологик тузилиши хусусиятлари (мотив, мақсад, объэкт) ва 3) англаш механизимининг ривожланиш даражаси.

Шундай қилиб, боланинг бутун ривожланиш жараёнини уч қисмга бўлиш мумкин: 1) таълим жараёнида билим ва фаолият усулларининг ривожланиши, 2) эгалланган усулларни татбиқ этиш механизмларининг психологик ривожланиши, 3) шахс умумий хусусиятларининг ривожланиши (йўналтирилганлик, фаолиятнинг психологик тузилиши, англаш ва фикрлаш). Кўрсатилган ривожланиш йўлларининг ҳар бири ўзига хос. Бу йўлларнинг барчаси ўзаро боғлиқлик ва фақат биргаликдагина **психик ривожланиш** деб аталувчи шахсдаги ўзгаришлар жараёнини ташкил этади.

## 2. Таълим ва тарбия жараёнида бола психик ривожланишининг асосий йўллари

Инсон психик ривожланишининг ижтимоий шартлилиги ривожланиш жараёнини билим ва кўникмаларнинг оддий тўпланиб боришига боғлаш мумкинлигини англатмайди. Инсон психик ривожланишининг ижтимоий табиатини ҳисобга олиш мазкур жараённинг мураккаблиги ва кўпқирралилигини тушуниш имконини беради, чунки фақат шундай ёндашувдагина ривожланиш у ёки бу алоҳида вазифаларнинг миқдорий ортиши эмас, аксинча инсоннинг умуман ривожланиши сифатида намоён бўлади.

**Таълим ва психик ривожланиш мазмуни.** Билим ва фаолият услубининг мураккаблашиши таълим жараёнида болалар ривожланишининг асосий ва белгиловчи томонини ташкил этади. Масалан, швейсариялик психолог Ж.Пиажа ўзи олиб борган тадқиқотлар асосида таъкидлашича, 7-8 ёшдан кичик болалар рақам билан боғлиқ фаолиятга қодир эмас. Шунингдек, боланинг психик ривожланишига таълим мазмунининг ўзгариши ва унинг таъсири ҳақида Л.А.Венгер, П.Я.Галъперин, Д.Б.Элъконин, В.В.Давидов ва бошқалар ёзган.

**Усул ва билимларни қўллаш психологик механизмларининг ривожланиши.** Фаолиятнинг умумий тури аниқлангач, болалар томонидан айни усуллар турли даражада қўлланилиши мумкин. Ўқувчилар фаолиятнинг нисбатан Юқори шакллари ва турларига (шунингдек, ақлий) масалан, аниқ ва абстракт билимларни боғлай олиш ва ўзаро нисбатини аниқлай билишга ўргатилиши лозим.

**Шахс умумий хусусиятларининг ривожланиши.** Ривожланиш жараёнида фақат билим ва фаолият усулларининг ўзгариши ва мураккаблашиши содир бўлиб қолмайди. Боланинг психик ривожланиши унинг бутун шахсидаги ўзгаришларни, яъни шахс умумий хусусиятларининг ривожланишини ўз ичига олади. Ривожланиш жараёнида болалар психик

фаолиятининг турли жиҳатлари ўзгаради, усуллар йиғилиши ва ўзгариши содир бўлади. Бола кўп миқдордаги турли ҳаракатларни бажара олади, билим ва тасаввурлари ўзгаради. Мазкур ўзгаришлар ичидан нисбатан умумий ва белгиловчи ўзгаришларни ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади. Улар қуйидагилар:

**1. Боланинг шахсий йўналтирилганлик хусусиятининг умумий ривожланиши**. Унга уч турни киритиш мумкин: а) таълимий йўналганлик (яхши ўқиш, яхши баҳо олиш), б) билим олишга йўналганлик (масалаларни ҳал этиш, янги вазифалар олиш), в) атрофдагилар билан муносабат.

Шундай қилиб, шахсий йўналганликни ҳисобга олиш мактаб ўқувчилари таълими (билим ва усулларни эгаллаш) ва тарбиясини (шахсият ривожланиши) янада самарали амалга ошириш учун биринчи ва зарур шартдир.

**2. Фаолият психик тузилишининг ривожланиши (мотив, мақсад, объэкт).** Масалан, мактаб ўқувчилари боғчага совға учун арча ўйинчоқларини тайёрлашади. **Мотив** – турлича (болакайлар кўнглини олиш, ўқитувчи талабини бажариш, жараённинг ўзидан қониқиш). **Мақсад** – арча учун ўйинчоқлар тайёрлаш. **Объэкт** – ўйинчоқлар тайёрланадиган материаллар.

²ар қандай фаолият ўз ичига қатор унсурларни (мотив, мақсад, объэкт) олади. ²аммаси биргаликда фаолият тузилишининг ўзига хос хусусиятини яққол кўрсатиб беради.

**3. Онг механизмининг ривожланиши.** Бу фикрий фаолиятнинг кўргазмали-ҳаракатли, кўргазмали-образлидан абстракт, назарийга ўзгаришидир. Болада тушунчалар ва тушунчалар тизими мунтазам шаклланиб боради. Боланинг англаш ва фикрлашининг ривожланиши даражаси қанча Юқори бўлса, у ўзлаштирган, фойдаланаётган тушунчалар шунча мураккаб бўлади.

Шу тарзда, умумий ҳолда бола психик ривожланиши жараёнини уч асосий йўналишга бўлиш мумкин: 1) таълим жараёнида билим ва фаолият усулларининг ривожланиши, 2) ўзлаштирилган усуллар қўллаш психологик механизмларининг ривожланиши, 3) шахснинг умумий хусусиятларининг ривожланиши.

3. Таълим жараёнида болалар ривожланишининг педагогик шартлари ва қонуниятлари.

Билим, уни қўллаш механизмлари ва шахс умумий хусусиятлари ривожланишининг педагогик шартлари таълим жараёнида болалар ривожланишининг умумий қонуниятларига боғлиқ. Бола психик ривожланишининг турли тарафлари учун алоҳида, аниқ педагогик шартларни

ҳам инобатга олиш муҳим. Ўқиш жараёнида ўқувчилар турли ўқув предметлари бўйича билим ва ҳаракат усулларини эгаллайдилар. Ўқишнинг ҳар хил турлари бўйича янги билим ва маҳоратларни эгаллаб бориш билан бир қаторда бу шартлар билан мувофиқ равишда бола психикаси ҳам ривожланиб боради.

## 15--МАВЗУ: КИЧИК ЁШДАГИ ЎҚУВЧИНИНГ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ

Кичик мактаб ёши (7-11 ёш ) – 1-4 синф (бошланғич мактаб)га тўғри келади. Мактабгача ёш билан таққослаганда асосий фаолият тури ўқиш ҳисобланади. Асосий фаолият турининг алмашинуви боланинг психологик ривожланишига ҳам таъсир этади. ²ар қандай ўтиш ёши каби, бу ёш ҳам ўз вақтида илғаш ва қўллаб-қувватлаш зарур бўлган ривожланишнинг яширин имкониятларига бой.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг жисмоний хусусиятлари қуйидагилардан иборат: умуртқа поғонасининг барча букумлари шаклланади, скелетнинг суякланиши ҳали якунланмайди, 1-2-синф ўқувчилари тез чарчайди (айниқса, ёзма ишларда), Юрак мушаклари қон билан яхши таъминланади, бош мия, айниқса, бошнинг пешона қисми катталашади.

Мактаб ҳаётининг биринчи босқичи учун шу нарса характерлики, бола синфдаги ва уйдаги хулқини назорат қилувчи ўқитувчининг янги талабларига бўйсунади, шунингдек, ўқув фанларининг мазмунига қизиқа бошлайди.

Биринчи синф ўқувчилари бошдан кечирадиган уч асосий қийинчилик бор: қийинчиликнинг биринчи тури янги мактаб режими билан боғлиқ (ўз вақтида уйғониш ва туриш керак, дарс қолдириш мумкин эмас, барча дарсларда жим ўтириш талаб этилади, уй вазифаларини бажариш лозим ва бошқалар). Иккинчи тур қийинчилик ўқитувчи, синфдошлар ва оиладаги ўзаро муносабатлар хусусиятидан келиб чиқади. Қийинчиликларнинг учинчи тури – ўқув йили ўрталаридан ўқув материали ошиб боради.

Мактабга қадам қўйиш билан бола ҳаётида муҳим психологик ўзгаришлар содир бўлади. У янги режимнинг айрим муҳим одат-ларини ўзлаштиради, ўқитувчи ва ўртоқлари билан ишончли муносабатлар ўрнатади. Ўқув материали мазмунига нисбатан пайдо бўлган қизиқиш асосида унда ўқишга бўлган ижобий муносабат мустаҳкамланади.

## 1. Кичик ёшдаги ўқувчининг ўқув фаолияти

Ўқув фаолиятининг мазмунини илмий тушунчалар, фан қонуниятлари ва уларга таянган амалий масалаларни ҳал этиш услуби ташкил этади. Шундай қилиб ўқиш – бу билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишга йўналтирилган жараён.

Ўқув фаолияти аниқ бир тузилишга эга. Унинг таркибий қисмлари қуйидагилар: 1) ўқиш вазияти (ёки вазифалари), 2) ўқиш ҳаракати, 3) назорат, 4) баҳо.

Кичик мактаб ёши давомида болаларнинг ўқишга муносабатида муайян динамика кузатилади. Дастлаб улар ўқишга умумий ҳолда ижтимоий фаолият сифатида интилишади. Кейин эса уларни ўқув ишининг алоҳида усуллари жалб этади. Ниҳоят, бола ўқув фаолиятининг ички мазмунига қизиқиб, ўқув-назарий вазифаларни аниқ-амалий вазифаларга мустақил ўзгартиради. Унинг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш замонавий болалар ва педагогика психологияси вазифаларидан биридир.

## 2. Кичик ёшдаги ўқувчилар шахсининг ривожланиши

**Ахлоқий меъёр ва қоидаларни ўзлаштириш.** Мактабда бола доимий ва мақсадли назорат қилинувчи аниқ ва кенг ахлоқий талаблар тизимига дуч келади. Этти-саккиз ёшли болалар меъёр ва қоидалар моҳиятини аниқ тушунади ва уларни ҳар куни бажаришга психологик жиҳатдан тайёр бўлади. Лекин ўқитувчи бундан ҳар доим ҳам тўғри ва ўз вақтида фойдалана олмайди. Ўқувчини кичкина деб ҳисоблайди ва ҳоказо. Шунинг учун ўқитувчида аниқ ва равшан тарбия тизими бўлиши керак.

**Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг ўзаро ва ўқитувчи билан муносабатлари.** Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари ўзаро муносабатининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг дўстлиги, одатда, ташқи ҳаётий шарт-шароитлар умумийлигига ва тасодифий қизиқишларга асосланади (болалар бир партада ўтиришади, саргузаштли адабиётга қизиқишади ва бошқалар). Ўқитувчи фикри кичик мактаб ўқувчиси учун муҳим ва қатъийдир. Кичик мактаб ўқувчилари унинг мавқеини сўзсиз тан оладилар. Улар барча масалалар Юзасидан ўқитувчига мурожаат қилишади.

### 3. Эмоциялар ва уларнинг кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида ривожланиши

Худди бошқа психик жараёнлар каби болалар эмосиясининг умумий хусусиятлари ҳам ўзгаради. Кичик мактаб ёши давомида эмосияларни намоён этишда ўзини тийиб туриш кераклигини англаш кузатилади. Эмосионал ҳолат барқарорлашувининг ортиши -психик жараёнлар унумдорлигининг шаклланишидир. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари каттароқ ўқувчилар, шунингдек, ўсмирларга нисбатан анча вазминроқ.

## 16-МАВЗУ: КИЧИК ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА АНГЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.

**Идрок ривожи.** Жисмоний жараёнлар ривожланиши бутун кичик мактаб ёши давомида амалга ошади. Гарчи болалар мактабга этарли ривожланган идрок билан келишса-да (уларда кўриш, эшитиш ўткирлашади, улар турли шакллар ва рангларни яхши фарқлайдилар), уларнинг ўқув фаолиятидаги идроки фақат шакл ва рангларни ўрганиш ва англашдан иборат бўлади. Биринчи синфда қабул қилинган предметлар таркибий қисми ва хусусиятларининг тизимли таҳлили мавжуд эмас. Боланинг идрок этилган предметларни таҳлил қилиш ва фарқлаш имконияти унда шунчаки ҳис этишдан кўра мураккаброқ фаолият турининг шаклланиши билан боғлиқ. **Кузатиш** деб аталган фаолият тури мактабда ўқиш жараёнида жуда интенсив равишда шаклланиб боради, кейинчалик идрок бирор мақсадга қаратила боради.

Бола кузатувчанлиги ҳақида шахснинг алоҳида хусусияти сифатида гапириш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бошланғич таълимда кичик ёшдаги ўқувчиларнинг барчасида бу муҳим хислатни сезиларли ривожлантириш мумкин.

**Диққатнинг ривожланиши.** Мактабга келувчи болалар мақсадли диққатга эга бўлмайдилар, улар асосан бевосита ўзлари учун қизиқ бўлган, ёрқинлиги ва ноодатийлиги билан ажралиб турувчи (ихтиёрсиз диққат) нарсаларга эътибор берадилар. Мактаб биринчи кунданоқ боладан уни қизиқтирмайдиган нарсаларни кузатишни ва маълумотларни ўзлаштиришни талаб қилади. Бола аста-секин диққатини ташқи томондан жалб этувчи нарсаларга эмас, керакли нарсаларга йўналтириш ва қатъий сақлашни ўрганиб боради. 2-3-синфда кўпчилик ўқувчилар аллақачон ихтиёрий

диққатга эга бўладилар. Ихтиёрий диққат, уни у ёки бу масалага мақсадли йўналтириш – кичик мактаб ёшининг муҳим Ютуғидир.

Кичик мактаб ёшида диққатнинг ривожланиши ихтиёрсиз ва ихтиёрий диққатнинг алмашинувига, унинг ҳажми кенгайишига ва турли ҳаракат турлари ўртасида диққатни тақсимлай олишга боғлиқ.

**Хотиранинг ривожланиши.** Этти ёшли бола асосан ташқи томондан ёрқин ва Ээмосионал жиҳатдан таъсирли воқЭеа, тасвир, ҳикояларни Ээслаб қолади. ЛЭекин мактаб ҳаёти шундайки, бошиданоқ болалардан матЭериални ихтиёрий Ээслаб қолиш талаб Ээтилади. Ўқувчилар кун тартиби, ахлоқ қоидалари, уй вазифаларини махсус Ээслаб қолишлари, кЭейин Ээса уларга риоя Ээтишлари лозим.

Ўқув материалини эслаб қолиш алоҳида билимни талаб этади. Усиз ўқув хотираси заиф ва тартибсизлигича қолаверади. Ўқувчи махсус аниқлаш, гуруҳлаш ва таққослашни талаб этувчи нарсани бевосита эслаб қолишга ҳаракат қилаётганида бу «ёмон хотира» панд беради. Ўқув материали билан ишлаш усулларининг шакл-ланиши «яхши хотира»ни янада самаралироқ тарбиялаш йўли сифатида намоён бўлади. Бу жараёнда нутқ устида ишлаш каби хотиранинг ихтиёрий ва ихтиёрсиз турларидан оқилона фойдаланиш лозим. Аниқ бир материал билан ишлашда ҳам шундай.

**Тасаввурнинг ривожланиши.** Тасаввур қобилиятининг ривожланиши икки босқичда кечади. Дастлаб яратилувчи образлар реал объэктга яқин тавсифланади (деталларга бой бўлмаган ҳолда). Иккинчи синф охири, кейин эса учинчи синфда иккинчи босқич бошланади. Аввало, аломатлар ва таркибий қисмлар микдори сези-ларли тарзда ошади.

**Яратувчи (репродуктив)** тасаввур кичик мактаб ёшида барча машғулотларда ривожланади. Кичик мактаб ўқувчиларининг бирор предметнинг келиб чиқиши ва қурилиши шарт-шароитини кўрсатишга ҳаракат қилиши - уларда ижодий (продуктив) тасаввур ривожланишида муҳим психологик асосдир.

**Фикрлашнинг ривожланиши.** Кичик ёшдаги мактаб ўқув-чилари фикрлашининг ривожланишида икки асосий босқич куза-тилади. **Биринчи босқичда** (1-2-синф) фикрлашда **кўргазмали-ҳаракатлилик** устунлик қилади, уни яна **амалий-ҳаракатлилик ёки ҳиссийлик** деб ҳам аташади. Бу босқичда болаларнинг нарсаларни умумлаштириши предметларнинг яққол белгилари таъсири остида рўй беради. Фикрлаш ривожланишининг **иккинчи босқичи** (3-синф) ўқувчилар томонидан тушунчаларнинг алоҳида хусусиятлари орасидаги ўзаро муносабатни билиб олиш, яъни таснифлашга (масалан, «стол» – от сўз туркуми) боғлиқ. Болалар ўқитувчига у ёки бу таснифни қандай ўзлаштирганликлари ҳақида ҳисоб берадилар. Абстракт,

мавҳум ва назарий фикрлаш нисбатан мураккаб фикрлаш турининг кейинги босқичи бўлиб ҳисобланади (масалан: 1Қ1қ).



# Билиш фаолиятининг психологияси.

- Одамнинг ташқи олам хусусиятларини онгида акс эттирилиши, шахсни ривожланишига боғлик тарзда кечади.
- Шахсни ривожланиши касбий малакаларни ва иқтидорни ўсиши билан боғлик.

# Сезги.



- Сезги- бу махсус органлар орқали инсон миясига таъсир қилиб, атроф муҳитдаги айрим предмет ва ходисалар хусусиятларини бош мия яримшарларида акс эттирадиган содда руҳий жараён.
- Кўриш.
- Эшитиш.
- Таъм билиш.
- Хид билиш.
- Тери сезгиси.

# Идрок.

- Бу билишимизни шундай шаклики у борлиқдаги кўплаб хилма-хил предмет ва ходисалар орасида бизга айни пайтда керак булган объектни барча хусусиятлари билан яхлит акс эттиришимизни таъминлайди.



# Идрокнинг хусусиятлари

1. Предметлилик.
2. Яхлитлик.
3. Тизимлилик.
4. Онглилик.
5. Саралаш.
6. Апперцепция.

## Диққат.

- Онгимизнинг муайян объектга қаратилиши  ва унда тупланишидан иборат руҳий жараён.



## Шахсни билиш жараёнлари.

- Онгнинг  мухим акс эттириш шакллари бу билиш жараёнлари.
- Сезгилар.
- Идрок.
- Диққат.
-  Хотира.
- Тафаккур.
- Ҳаёл.

## Хотира.

- Идрок қилинган нарса ва ходисаларнинг ёки инсон тажрибасидаги ахборотларни эсда қолдириш ва зарур вақтда эсга туширишдан иборат булган руҳий жараён.



## Хотирада сақлаш қонунлари

1. Англанганлик.
2. Қизиқиш.
3. Илгариги билимлар.
4. Эслаб қолишга тайёрлик.
5. Ассоциациялар.
6. Кучли таассуротлар.
7. Тормозланиш.

## Тафаккур.

- Тафаккур инсон онгининг билиш обьектлари ҳисобланмиш нарса ва ходисалар ўртасида мураккаб алоқаларни таъминловчи умумлашган ва мавҳумлашган акс эттириш жараёни.
- Тафаккур нутқ билан чамбарчас боғлик ва унда намоён бўлади.

## Тафаккур турлари

| | |
|---|---|
| Шаклига кўра. | Кўргазмали харакат, Кўргазмали образли, мантиқий. |
| Масаланинг характерига кўра. | Назарий ва амалий. |
| Ижодийлик элементига кўра. | Продуктив-репродуктив |
| Фикр ёйиклигига кўра. | Конкрет ва абстракт. |

## Мустақил фикрлаш шарт - шароитлари

- Мустақил фикрлаш шахснинг шундай қобилиятики, у туфайли одам нарса ва ходисалар хусусида ўз қараши ва ностандарт ечимларга эга бўлади.

## Тавсиялар.

1.Асосий мавзулар бўйича муаммоли машғулотлар уюштириш.
2. Саволни тўғри туза олиш.
3. Диалог, бахс, суҳбат шаклида фикрлашни йўналтириш
4. Таълим жараёнида муаммони турли нуқтаи назарлардан келиб чиқиб тахлил қилиш
5.Талабаларда назарий тафаккурни шакллантириш
6. Дарсда баҳога эмас, дарс мазмунига диққатни жалб қилиш керак.
7. Кўпроқ ижодий топшириқлар бериш.
8. Мураккаб топшириқларни бажаришда ўқитувчи, ўқувчиларга меъёрида ёрдам бериши керак.

## 17-МАВЗУ: БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ПСИХОЛОГИК — ПЕДАГОГИКА ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Режа:**

4. Педагогик психология фани ҳақида умумий тушунча.
5. Педагогик психология фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.
6. Педагогик психология фанининг методлари.

***Ўқув машғулотининг мақсади:***Талабаларда курс ҳақида дастлабки тушунчаларни шакллантириш.

***Ўқув фаолиятининг натижаси***: Талабаларга фаннинг предмети, фанлар тизимида тутган ўрни назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, аудиторияда муаммоли топшириқларни муҳокама этиш орқали фаннинг амалий фаолиятдаги аҳамияти асослаб берилади.

## Бошланғич таълимда психологик-педагогика назарияси ва технологияси фани ҳақида умумий тушунча

Маълумки, қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да шахс камолоти энг асосий масала қилиб олинган. Республикамизда уларда кўрсатиб ўтилган вазифаларни рўёбга чиқариш бўйича жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Педагогик психология психология фанининг муҳим тармоқларидан биридир. Педагогик психология мураккаб тузилишига эга бўлиб, инсон ҳаётининг барча соҳаларининг, айниқса, таълим ва тарбиявий томонларини ўз ичига қамраб олади.

Педагогик психология курсининг мақсади - талабаларга таълим ва тарбиянинг мазмуни, ундаги психологик қонуниятлар, инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти, педагогик психологиянинг методлари билан таништиришдан иборатдир.

Педагогик психология фанининг асосий вазифаларига бакалаврларни ижтимоий фаолиятининг таълим ва тарбия каби йўналишларида ўқитувчи шахси меҳнатини ташкил этиш, педагогик жамоаларда ишни ташкил этиш омиллари, механизмлари ва шарт-шароитлари билан таништириш, таълим фаолият мотивларини мукаммал ўзлаштириш, ўқувчиларнинг таълимдаги қобилият ва иктидорини ўстириш йўллари ҳамда уларни ривожлантириш омилларига ўргатиш, бу борада ижтимоий-психологик ҳодисалар табиати ва моҳиятини тушунишга кўмаклашишдан иборатдир.

## Бошланғич таълимда психологик-педагогика назарияси ва технологияси фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

Бошланғич таълимда психологик-педагогика назарияси ва технологияси – психология илмининг тармоғи сифатида, таълим ва тарбиянинг шахсга самарали таъсир этувчи омиллари, қонуниятлари ва механизмларини ўрганувчи фандир.

Таълим-тарбия муассасаларидаги фаолият ва ҳатти-ҳаракатларининг психологик қонуниятларини ўрганувчи педагогик психология икки фанни, яъни психология ва педагогика фанларининг туташган жойидан ўрин эгаллагандир. Педагогик психологиянинг предмети ўқув муассасаларида билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш қонуниятларини, бу жараёнларда содир бўладиган индивидуал тафовутларни, ўқувчиларда фаол, мустақил ва ижодий тафаккурни таркиб топтириш қонуниятларини тадқиқ этишдир.

Шунингдек, педагогик психология - таълим-тарбиянинг таъсири окибатида ўқувчилар психикасида содир бўладиган ўзгаришларни, ўқув материалларининг ўқувчиларнинг ёш даврларига мос келишини, турли таълим методларининг психологик жиҳатдан самарадорлигини, дарсликларининг тартибига нисбатан бўлган психологик талаблар каби муаммоларни ҳам ўрганади.

Педагогик психология ўқитиш ва тарбиянинг психологик асослари ҳақидаги фандир. Бунинг маъноси шуки, педагогик психология ўқувчилар томонидан билим, иқтидор ва малакаларни ўзлаштиришнинг психологик қонуниятларини ва шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар шахсининг таркиб топишини ўрганадиган фандир.

Педагогик психологиянинг вазифасига, шунингдек, ўқувчилар ва ўқитувчилар, тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабати, ўқитувчи шахсига нисбатан қўйиладиган талабларни ўрганиш, ўқитувчилик қобилиятининг мазмунини ва унинг таркиб топишини очиб бериш ва бошқа масалаларни ҳам ўрганиш киради. Педагогик психология таълим муассасаларида ўқитиш жараёнида ўқувчилар томонидан билим ва малакаларни эгаллашнинг қонуниятларини ва тарбия жараёнида бола шахсининг таркиб топишини ўрганади.

Ўқитиш ва тарбиялашнинг психологик қонуниятларини ўрганиш педагогик психологиянинг предметини ташкил қилади. Бу фан ўқувчилар ва тарбияланувчилар тафаккурининг шаклланишини текширади; ўзлаштириш жараёнининг идора қилиш, ақлий фаолият усуллари ва малакаларининг таркиб топиш муаммоларини ўрганади, ўқитиш жараёнининг, ўқувчи ва ўқитувчи, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги муносабатларнинг, таълим олувчилар жамоасидаги ўзаро муносабатларнинг муваффақиятли бўлишига таъсир қиладиган психологик омилларни аниқлайди; ўқувчиларнинг индивидуал-психологак тафовутини, болалар билан олиб бориладиган ўқув-тарбия ишларининг психологик хусусиятларини ўрганади.

Педагогик психологиянинг предмети таълим тарбиянинг психологик қонуниятларини ўрганади. Педагогик психология таълим жараёнини бошқаришнинг психологик масалаларини ўрганади. Билиш жараёнларининг ривожланишини текширади. Ақлий тараққиётнинг ишончли мезонларини излайди. Тарбиячилар ва тарбияланувчилар орасидаги ўзаро масалаларни ўрганади. Бундан ташкари педагогик психология болаларга индивидуал ёндашув масалаларини ҳам ўрганади.

## Педагогик психология фанининг методлари

Педагогик-психологияда бир неча методлар мавжуд:

Тажрибада қўлланиладиган методлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Кузатиш методи.
2. Эксперимент методи.
3. Психологик-педагогик эксперимент - ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини табиий шароитда махсус усуллар ёрдамида ўрганишдир.
4. Анкета методи.
5. Сухбат методи.
6. Тест методи.
7. Биографик (таржимаи ҳол) методи.
8. Социометрик метод.

## Савол ва топшириқлар:

8. Абу Наср Форобийнинг «Бахт-саодатга эришув» асарини мутоала қилинг ва алломанинг қуйидаги қарашларини ёзма баён этинг:

а) инсоний камолотга эришувда ақлий билишнинг аҳамияти.

б) иродавий фазилатларни шакллантириш ва одатга айлантиришда инсон қудрати, таълим ва тарбиянинг кучи ҳақида.

в) ёшларнинг касб-ҳунар ва иш-тажрибани эгаллаши тўғрисида.

9. Педагогик психология фанининг вужудга келиш сабабларини кўрсатинг.
10. Турли даврларда психик ривожланиш ҳақидаги талқинларнинг моҳиятини ёритиб беринг.
11. Фаннинг предмети, амалий вазифалари нималардан иборат? Унинг истиқболи ҳақида нима дея оласиз?
12. Педагогик психологияда тадқиқотларни ташкил этиш ва илмий методлари ҳақида маълумот беринг.
13. Таълимда психологик кўмакни ташкил этиш.
14. Педагогик психология фанининг ривожланиш тарихи.

## 18-МАВЗУ: ТЕХНОЛОГИЯ ТУШУНЧАСИНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИКАДА ҚЎЛЛАНИШИ

Режа:

1. Технологиянинг назарий белгилари.
2. Бошланғич таълим мазмуни технологияси.
1. Ўқувчиларни педагогик жиҳатдан баҳолаш технологияси.

**Таянч тушунчалар:** Таълим. Технaлогия. Таълим технaлогияси.

«Таълим тўғрисида» ги қонунга ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» га асосланган Бошланғич таълимнинг ўқув-тарбия жараёни мазмунини олдиндан англаган ҳолда, аввало, психологик-педагогик асосга қурилган таълимнинг замонавий инсоний-ахлоқий ва табиатан яратилган намунавий технологияси яратилди. Бошланғич таълим технологиясини таҳлил қилиш натижасида ушбу технология асосида турган қуйидаги психологик-педагогик қоидаларни вужудга келтириш имкони бўлди:

1. Таълим жараёни (ўқитиш ва тарбиялаш) «болани ўқишга ўргатиш» принсипига қурилиши керак.

2. Таълим жараёнида (ўқитиш ва тарбиялаш) ҳар бир боланинг шахсий хусусиятлари намоён бўлиб, ва табиий эркин фаол иштирок этадиран бўлсин.

3. Таълим жараёни шундай қуриладики, бу ўқитишдан ва бошқа фаолиятлардан англашилган мақсад болаларнинг табиий ва ўсиб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ бўлган муҳим ва уларга тушунарли бўлишини таъминлашдир. Шу билан бирга таълим жараёни ўқувчилар фаолиятининг ички имкониятлари устиворлигига қурилади. Баҳодан эса қулайликларнинг ташқи сабабларидан ёрдамчи восита сифатида фойдаланилади, холос.

4. Болалар томонидан ўрганилаётган фаннинг асосий билим-малакаларни эгаллаш улар учун қизиқарли ва тушунарли жараёнда амалга оширилади. Зеро, бу малакани эгаллаш, асосан тасаввур орқали амалга ошиб, улар бир болада кучли хотирлаш пайдо қилади. Боланинг асосий ўқув малакасини тез ва соз эгаллаши унинг умумий психологик ва ақлий ривожланишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, суст тайёрланган ва етарли ривожланмаган болаларда нуқсонларнинг бартараф бўлишига олиб келади, табиатан қобилиятли бўлган болаларни эса ривожлантириб, янада юқори қобилиятларини юзага чиқаради.

5. Малака ва кўникмаларни эгаллаш, уларни такомиллаштириш болалар ижодиёти жараёнида бадиий ўқиш, халқ иқтисодиётини, бадиий меҳнатни ўрганиш орқали амалга ошади.

6. Бошқа таълим тизимларига қараганда мутлақо ўзгача таълим психофизиологик модели ишлатилади. Бу аналитик-синтетик жараёнларни автоматлаштириш эмас, албатта.

7. Ўқув синфлари турли хиллик принсипи: болаларнинг мактаб таълимига олдиндан тайёргарлиги даражаси бўйича ҳамда умумий психик ва ақлий тараққиёти бўйича жалб қилинади.

8. Бола материални фақатгина эшитиш ёки ҳис қилиш аъзолари орқали ўзлаштирмайди, балки ўзида билишга нисбатан пайдо бўлган эҳтиёжни қондириш учун ўзлаштиради.

9. Таълимнинг муваффақиятли бўлиш шарти: ўқув материалини муаммолаштириш (билим-болалар, ҳайратланиш ва қизиқувчанлик); боланинг фаоллиги (билимлар қизиқиш билан ўзлаштирилиши лозим); таълимнинг бола ҳаёти билан, ўйин, меҳнат билан алоқаси.

10. Муаммоли вазият пайдо бўлганда ўқитувчидан ўқув материалини муаммолаштиришни, дифференциал ва индивидуал ёндашишни талаб этилади.

Дарс жараёнида дидактик, тарбиявий мақсадларни амалга ошириш ва болани ривожлантириш.

1. Бутун дарс давомида ҳар бир ўқувчинииг онгли ақлий фаолиятига эришиш: бу – ўқувчилар бутун машғулот давомида ишлайди деганидир. Ўқувчи уй вазифасини текширишга киришади, янги материалларнинг баёнини тинглайди, уларни мустаҳкамлашда фаол қатнашади, мустақил ишларни бажаради. Бунда ўқувчиларни билиш фаолиятига механик тарзда киритилади деб ўйлаш нотўғри. Бу ерда гап табиий механизмларнинг ўқувчини фаол бўлишга гўё мажбур қилаётгандай таъсир этиши ҳақида кетяпти. Зеро, ўқув машғулотида ўша мезонни амалга ошириш учун ривожланиб борувчи усулни қўллаш зарур ва бунда ҳар бир ўқувчи фаолиятини дарснинг барча босқичида режали назорат қилиш лозим бўлади.

2. Ўқувчининг ўз фаолиятига ва ўзгалар фаолиятига ҳиссий алоқадорлигини таъминлаш. Бунда биз ақлий жараённинг ривожланиши кечинмаларсиз (ҳис қилиш) амалга ошмаслигидан келиб чиқамиз. Айни кечинмалар ўзгаришларни ва интеллектдан кейинги ривожлантиришни кучайтиради. Амалда болаларнинг ҳиссиётлари уларнинг ишларини ҳаракатлантирувчи кучга эга бўлиши маълум. Агар дарсда ўқувчи ўз муваффақияти ёки омадсизлиги ҳақида ташвишланса, бу ҳолат мотивлаштириш ва феъл-атворларини бошқариш марказини қўзғатишга ёрдам беради (Л. С. Вигоцкий). Агарда ўқитувчи ўқувчининг ўз фаолиятига ҳиссий алоқадорлигини таъминласа, шарт-шароит яраца, унда ҳиссий

алоқадорлик бола интеллектуал ривожланишининг ички ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолади.

3. Дарсда ўқувчи билиш фаолиятини мотивлаштириш. Ривожланаётган усул тузилишига «ўзаро ижтимоий таъсир» деган таркибий қисм киради. Яъни, ҳар бир ўқувчига ўз билимини намойиш қилиш, амалий фаолиятга қодир бўлиш ва бунинг учун билим олиш имкониятини беришдир. Бошқалар билан ўзаро ижтимоий таъсирни амалга ошириш дарсда жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлашдир, энг мураккаби – ўқитувчи ҳикоясидир. Янги материални тушунтираётган ўқитувчининг нутқи фикрни жамлашни, диққат қилишни талаб этади, негаки дарсда фаол ақлий жараёнлар ички туйғу орқали ўтиши лозим. Ўқувчи учун бу анча қийин масала. Шунинг учун дарсда ўқитувчи турлича ўзаро таъсир шаклларини ўқувчилар билан ёки ўқитувчилар бир-бири билан муносабатларини уйғунлаштириши зарур.

4. Бутун дарс давомида ўқувчиларнинг рефлексия ва ўз-ўзини назорат қилишини таъмиилаш. Дарснинг ҳар бир босқичида ўқувчи ўз фаолияти натижаларини жамлаб, баҳолайди. Масалан, янги материални ўрганишда ҳар бир ўқувчи ўз диққатини, хотирлаб қолишини, хотирлашнинг мукаммаллигини, тушунишини ўзича баҳолайди; дарсни мустаҳкамлаш ва мустақил ишлаш пайтида ўқувчилар ўзларини ўқитувчи қўйган мезонлар бўйича баҳолайдилар. Агар ўқувчи билими талаб даражасидан паст бўлса, дарс давомида унга бошқа болаларнинг ёрдами ёки унинг ўзи мустақил ишлаган ҳолда натижаларни яхшилаш имкониятини беради. Ўқувчиларнинг фаолияти жараёнида рефлексия ва ўз-ўзини назоратни таъминлаш улардаги ёмон баҳодан қўрқиш ҳиссини пасайтиради. Бошланғич синфларда, айниқса, 1-2-синфларда «икки», «уч» баҳолар қўйилмайди.

5. Дарсда мустақил иш ёки ижодий топшириқнинг бўлиши. Вазиятларнинг ўзгаришида ижодий топшириқлар бериш методини қўллаш талаб қилинади. Мустақил иш ҳап қандай дарс турининг мажбурий элементи ҳисобланади. Зеро, бизнинг «ўзаро таъсирнинг ижтимоий технологияси», «дарс мобайнидаги фаолият жараёнида ўқувчиларнинг рефлексияси ва ўз-ўзини назорат», «дарсда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини мотивлаштириш» тавсияларимиз иш натижаларини баҳолаш учун муҳимдир. Ўқувчилар ишни бажариб, табиий ҳолда дарҳол унинг натижаларини муҳокама қилишда қандай хатолар қилгани ва уларнинг сабаби ҳақида ўйлайдилар. Шунингдек, натижаларга ҳиссий муносабат ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. Кечиктирилган умидлар натижаларнинг таъсир даражасини пасайтиради, яъни ўқувчиларнинг билим ёки ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун ҳиссий соҳада ўзаро таъсир шунчалар кучсиз бўлиб, ақлий жараёнга ўқитувчи истагандек қилмай қўяди.

6. Дарс мақсадига эришиш. Тажрибадан маълумки, ривожланаётган усул асосига қурилган дарслар боланинг ижобий феъл-атворини қапоп топтиради, инсоний муносабатлар маданиятини шакллантиради.

**Дарснинг асосий мақсади** – бола интеллектини, тафаккурини теранлаштириш ривожланиб борувчи усул ёрдамида амалга оширилади.

**Дидактик мақсад** – бу дарсда ўрганилаётган мавзу бўйича билимларни ўзлаштириш ва малакали таъсир усулларини шакллантиришдир.

**Тарбиявий мақсад** – ўзаро таъсир жараёнида тафаккурни умумлаштириш ҳисобига амалга оширилади. Дидактик мақсадларга эришиш олинган баҳога мувофиқ келадиган билимни

ўзлаштириш даражаси билан характерланади. Тарбиявий мақсад – муайян мақсадларга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги фаолият жараёнида эгалланилган хулқ-атвор нормасидир. Ривожланиб борувчи усул асосига қурилган дарслар боланинг ижобий хулқ-атворини мустаҳкамлайди, инсоний муносабатлар маданиятини шакллантиради. Дарснинг ушбу технологиясини ташкил этиш ўқитувчининг дарсда ўқувчи билиш фаолиятини бошқариш сифатларига боғлиқдир. Таклиф этилаётган технология унинг мумтоз хилидан шу билан фарқланадики, бунда билимларни ўзлаштириш жараёни ўзича идрок қилиш, англаш, ёдда сақлаш, умумлаштириш ва системалаштириш жиҳатларини қамраб олади.

**Таълим технологияси** – ўқув машғулотларида кўрсатилган барча билиш жараёнларини амалга ошириб, пировард натижада барча фаолият турларини тўлиқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Бундай дарсларда дарс қисмларининг ички алоқаси: мақсад, мазмун ва иш усули билан амалга ошириладиган таълим, мумтоз тизимнинг босқичлари сақланиб қолади. Яъни, уй вазифаларини текшириш, унинг асосида янги билимлар, малака ва ақлий фаолиятнинг турларини эгаллаш босқичлари, шунингдек мустаҳкамлаш ва мустақил ишлаш, дарсни умумлаштириш ва уй вазифасини тушунтириш сингарилар ётади.

Ўқувчиларни педагогик жиҳатдан баҳолаш технологияси.

Билимларни ўзлаштириш даражасини баҳолай туриб, биз бошланғич синфларда «икки», «бир», айниқса, 1-2-синфларда журналга ҳам, дафтарга ҳам қўймасликни таъкидлаган эдик. Ўқитувчи ўз фаолияти давомида, яъни айрим ҳолларда баҳо баллари уларнинг сўз шакли билан «аъло», «яхши» деб алмаштиради. Педагогик баҳолаш умуман боланинг шахсини эмас, балки кўрсатган сифатларини баҳолашни назарда тутади:

1. Ўқувчиларнинг ижтимоий қимматли ютуқларини тақдирлаш.
2. Хулқ-атвор белгилари кўринмаганда баҳолаш муддатини чўзиш.

## Савол ва топшириқлар:

1. Технология тушунчасини таъсисланг.
2. Бошланғич таълим техналогияси ўз ичига нималарни олади?
3. Ўқувчиларни педагогик жиҳатдан баҳолаш хақида гапиринг.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:


1. И.А.Каримов “Баркамол авлод орзуси” Шарқ 1999 йил.
2. И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” Маънавият-2008 й
3. Ж.Ғ.Йўлдашев “Педагогик технология асослари” Т Ўқтиувчи--1994 й
4. Р.А.Мавлонова ва бошқалар “Педагогик технология” Фан 2008 й.
5. Ж.Ғ.Йўлдашев “Интерфаол таълим сифат кафолати” ЎМОИ Т-2007 й.


# 19-МАВЗУ: ДАРС ТАЪЛИМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ривожлантирувчи таълим нима ўзи, у қандай бўлиши керак? Ўқитишнинг бошланғич даврида (1—4 синфда) таълим мазмуни ўқувчилар томонидан умумий қонуниятларга биноан ўзлаштирилади:

Ривожлантирувчи таълим шароитида идрок этиш (идрок — тушуниш (англаш) — қабул қилиш (репродуктив фаолиятда — ёдда тутиш) — янги шароитларда фойдаланиш) нинг ўзига хос томони ўқувчининг ўзлаштирилмаган соҳани (муаммони) — тенглаштириш, таққослаш, қонуниятларни аниқлаш, қўйилган муаммоларни ҳал этишнинг турли йўлларини излаш, танланган ўқувчи учун оптимал бўлган усулни амалий тарзда ўзлаштиришдаги фаол фаолият пайтидаги ўқувчининг субектив ҳолати ҳисобланади, ва ниҳоят, фаолият натижаси сифатида ўқувчи ахборотни ўзлаштирибгина қолмай, ижтимой изланишга ва натижалардан қониқишга алоқадорлик ҳиссини сезади, англайди.

Ахборотни тушунишни уч босқичга бўлиш мумкин, улар болага келажакдаги билимида яхлит мазмуний таянч бўлиб ҳисобланади.

1. Бутунлик ва қисмларнинг нисбатан деган фалсафий тушунчанинг асосий ғояси. Математикада қўшиш қоидасининг аниқ маъноси биринчи

синф болаларига ноаниқ, интуитив тушуниш асосида берилади: қўшиш — бу ҳаммасини бирга йиғиш, қисмларни яхлит қилиб йиғиш.

Биринчи синфда бундай нисбатни тушуниш асосида сонлар таркибини, шунингдек, умумлашган моделга қўшув ҳаракати қонунларини, қўшишнинг ва айирувнинг номаълум компонентларини топиш қоидаларини (шу жумладан, тенгламаларни ечишда ҳам) вазифа — схема моделига асосланиб, қўшув ва айирувга оид оддий масалаларни ечишни ҳам кўриб чиқиш мумкин.

**Б+МКК К — айлана (бутун) — айлантириб чиз.**

**М+БКК Б — катта (қисм) — тагига чиз.**

**К—МКБ М — кичик (қисм) — тагига чиз.**

Ўқитувчи ўз-ўзидан равшан кўриниб турувчи, жойлаштирилган қонун маъносини тушунтириши шартми? Қўшилаётган, айрилаётган нарсани топиш қоидасини тушунтириш керакми? Агар тушунарли бўлса, қисмни излаш нима учун керак? Кичраяётганни топиш қоидасини ёдда сақлаш керакми, равшан бўлса, бутунни излаб нима қилади? Методик тавсияномаларда булар илгари ифодаланган. Унга, асосан, биринчи синф ўқувчилари осонлик билан тенгламаларни (бутун ва қисмни топиш асосида) еча оладилар, мунтазам равишда компонентлар номини ва уларни топишни ўзлаштирадилар.

Қўшиш ва айиришга оид оддий масалаларни ечишда юқорида эслатилган усулни танлаш модели пайдо бўлгандан кейин „Схемага қара. Нимани излаш лозим, бутунними ёки қисмни?“ деган саволга жавоб изланади.

Бошқа ҳолда, сонлар билан ишлашда ё бирданига бутун сон билан ёки қисмлар бўйича (сонни қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш) бажариш мумкин. Зеро, кўпгина амалларда ҳаракат принсипи умумийдир.

**60-2 60 : 2 16-6 60 : 5 1205**

**90-3 90 : 3 23-3 54 : 3 12 бутун, 5 бирлик**

**200-4 200 : 4 18-4 92 : 4 1минг, 8 бирликни** дарҳол кўпайтирамиз, сон суммаси билан алмаштирамиз, бўламиз -> (кўпайтирамиз, бўламиз) -> қисмлар бўйича.

2. Фалсафанинг қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуниятининг пайдо бўлиши туфайли, бошланғич мактабда ҳам ҳар қандай ҳодисанинг акс (тескари) томони бор, деган нарсани ҳис қилишга, тушунишга, кўришга имкон беряпти. Амалий ҳолатларда (тортмоқ-итармоқ, чизмоқ-ўчирмоқ, қўймоқ-олмоқ...), математик амаллар ва нисбатларда (қўшиш - айириш, кўпайтириш - унга тескари бўлиш, кўп - оз, кенг - тор), мисолларда, нисбатларда, она тили дарсларида тил ҳодисаларида (антонимлар), адабий қаҳрамонларни тавсифлашда, жонли ва жонсиз табиат

муносабатларида бола тили билан айтиладиган „Бирисиз иккинчиси бўлмайди“ мазмунидаги ушбу қонуннинг мужассамлигини кўрамиз.

3. Қайта ўзгартириш ғояси. Дунёда ҳеч нарса изсиз кетмайди. Биронта ҳодисадаги қайсидир ўзгариш ўз ортидан оқибатини олиб келади. Математикада бу тадқиқотлар турли-туман материаллар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Компонентлар ўзгаришига қараб натижалар ўзгаришини кузатилганда, ечилган масала билан қўшимча ишлашда ундан кенг фойдаланилади (агар масалада ...ўрнига мураккаблашган тенгламалар ечишга ўтишда, ечим ва жавоб қандай ўзгариши мумкин?)

**(x — 8 = 12 ^ x - 8 = 3 6 : 3 ^ x - 4 • 2 = 3 6 : 3).**

Қайта ўзгартириш ғояси ўқувчиларнинг ўзларига маълум билимлардан қочиб, ўзлари учун янги бўлган масалани кутишга, ечиб кўришга имкон беради.

| | | | |
|---|---|---|---|
| **23** | **23** | **23** | **123** |
| **+ 16** | **+17** | **+18** | **+418** |

Дарс мавзуси: „Босқичларга ўтиш орқали ёзма қўшиш усуллари“.

48 : 2 ^Д (40 + 8) : 2 648 : 2 Қ> 648 : 2 748 : 2 Қ> 748 : 2

Ўқувчилар бунга ўхшаш тадқиқот фаолиятини мантиқий урғуни аниқлаш ва гапда сўз таркибини аниқлаш вазифаларида, деформацияланган матнни (тестни) тиклашда амалга оширадилар.

Табиатшуносликда сабаб-оқибат алоқаларининг аниқланиши, бу - ҳаётнинг бошқа соҳасида айни шу фалсафий моҳиятни намоён этишдир.

Албатта, таклиф этилаётган далиллар кўпгина ўқувчилар учун кутилмаган нарса бўлиши мумкин ва буларни бошланғич синфлар иш тажрибасида мақбул деб ҳисоблаган кишилар эса фанлараро алоқалар ва умумлаштиришларни қайта кўриб чиқишлари керак бўлади.

## 20-МАВЗУ: ШАХСГА ТАЪСИР КЎРСАТИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ МУАММОЛАРИ

### Шахс ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар

Бола шахсининг ривожланишига ирсият, муҳит ва тарбия каби омиллар таъсир этади. Бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири деганда, ота-оналарга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларнинг такрорланишини тушунмоқ керак. Ҳар бир бола ота-онасидан мерос шаклида баъзи биологик сифатларга (тананинг тузилиши, сочининг, кўзининг, терисининг ранги,

бўйи-басти ва бошқалар) эга бўлган ҳолда дунёга келади. Булар жисмоний хусусиятлардир. Олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ҳам туғма ўтади. Бу физиологик хусусият ҳисобланади.

Академик И.П.Павлов таълимотига кўра бола бир қатор туғма хусусият ва инстинктларга эга ҳолда туғилади ва булар шарциз рефлекслар гуруҳини ташкил этади. Булар орасида ошқозон рефлекси (сўлак ажратиш), муҳофаза рефлекси (иссиқдан қўлни тортиш, ёруғдан кўзини қисиш) кабилар алоҳида аҳамият касб этади. Аммо бу хусусиятлар инсонга ҳам, ҳайвонга ҳам тааллуқлидир. Айни вақтда инсонларга хос бўлган хусусиятлар ҳам ирсият йўли билан ўтади. Масалан, тананинг вертикал ҳолдаги ҳаракати, тафаккур ва нутқ ривожланиши, меҳнат қилиш қобилияти - булар туғма имкониятлар бўлиб, уларнинг ривожланиши учун инсон боласи одамлар орасида яшаб, улар билан алоқа қилиши даркор. Бу руҳий имкониятларнинг чиндан ҳам ривожлан-моғи, рўёбга чиқмоғи учун бола фақат ўсибгина қолмай, балки шу ўсиш жараёнида инсонлар орасида яшамоғи, улғаймоғи ва ижтимоий ҳаётда иштирок этмоғи керак. Чунки инсон биологик мавжудот сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатида ривожланади ва камолга етади. Бола нутқни эгаллаши учун нутқ шароитида, меҳнат қилиш учун меҳнат шароитида, ақлий тараққий этмоғи учун ақлий фаолият шароитида яшамоғи керак. Ана ўшанда боланинг нимага, қандай соҳага лаёқатъи борлиги намоён бўлади. Физиология ва психология фанининг кўрсатишича, инсон боласи тайёр қобилият билан эмас, балки бирор хил қобилиятнинг рўёбга чиқиши ва ривожланишига таъсир этадиган потенсиал имкониятлар, яъни шахс хусусиятини ифодалайдиган лаёқат билан туғилади. Туғма лаёқат ўз ҳолича ривожлана олмайди, гўё у „мудроқ“ ҳолатда бўлиб, унинг уйғониши - ривожланиши учун қулай муҳит керак.

Агар бола ўз лаёқатъига мос шароитда ўсиб, зарур фаолият билан шуғулланса, лаёқат эрта кўриниб, ривожланиши, акс ҳолда йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шунинг учун педагогик лаёқатнинг намоён бўлиши ва қобилият сифатида ривожланиши тўла-тўкис ҳаёт шароитига ва тарбияга боғлиқ.

## Инсон камолоти ва шахснинг ривожланишида муҳитнинг роли

Инсон камолотига таъсир этадиган омиллардан бири ташқи муҳитдир. Муҳит деганда кишига табиий таъсир этадиган ташқи воқеалар мажмуйи тушунилади. Бунга табиий муҳит, ижтимоий муҳит, оила муҳити (микромуҳит) киради.

Табиий (географик) муҳит (иқлим, табиий шароит) сўзсиз инсон-нинг ҳаёт тарзига, харакатерига ва меҳнат фаолиятига таъсир этади. Масалан,

тропик минтақада ҳаёт кечираётган инсонларнинг ҳаёт тарзи узоқ шимолдаги инсонлар ҳаёт тарзидан фарқланади, бу уларнинг ҳаёт тарзига ва уларнинг ривожланишига таъсир этадиган қатор омиллар билан исботланади.

Шу билан бирга, инсон камолотида микромуҳит - оила шароити ҳам катта таъсир кучига эга. Чунки бола кўз очиб ота-онасини, қариндош-уруғини кўради. Унинг интенсив жисмоний ва психологик ривожланадиган даври оила таъсирида шаклланади. Халқимизда „Қуш уясида кўрганини қилади“ деган мақол бекорга айтилмаган. Оиланинг ҳаёт тарзи, ундаги бола тарбиясига ижобий таъсир этадиган тарбиявий муҳит унинг камолотида муҳим аҳамият касб этади.

Бола камолотида ижтимоий муҳит ҳам муҳимдир. Чунки ишлаб чиқариш муносабатлари ва уларни тартибга солиб турадиган ижтимоий қонун-қоидалар кишига алоҳида таъсир қилади. Ижтимоий алоқа, яъни инсонлараро ўзаро муносабат натижасида одам боласи ҳаётга ва меҳнатга тайёрланади, керакли тажриба ва билимларни эгаллайди.

Инсон камолотига ижтимоий муҳитнинг таъсири турли тарихий даврда (формацияларда) турлича бўлади, турли социал гуруҳларга ҳам турлича таъсир этади. Шундай экан, ҳозирги замон педагогика фани муҳитга, унинг инсон ривожланишидаги таъсирининг ролига алоҳида эътибор беради. Муҳит тушунчасига кирадиган ижтимоий ҳаёт воқеаларининг шахсга таъсири ғоят муҳим эканлигини кўрсатади ва ижтимоий муҳит абадий эмас, ўзгарувчан деб қарайди. Шунинг учун муҳит инсон тақдирини белгилаб берадиган омил деб ҳисоб-ланмайди. Аммо унинг таъсири ҳам рад этилмайди.

## Инсоннинг камол топишида тарбиянинг роли

Тарбия муҳит каби инсон камолотига таъсир этувчи ташқи омил-лардан ҳисобланади. Тарбиянинг хусусияти шундаки, у аниқ мақсадни кўзлаб, инсонда ижобий фазилатларни таркиб топтириш йўлида тарбиячи раҳбарлигида мунтазам амалга ошириб борилади.

Аммо тарбия таъсирининг кучи ва унинг натижаси ирсият ва муҳит каби омилларнинг ҳамкорлиги билан белгиланади.

Инсон камолоти ирсият йўли билан орттирилган ва табиий лаёқатлар билан белгиланиб қолмай, балки бутун ҳаёти даврида уни қуршаб олган воқелик таъсирида орттирган хусусият ва сифатлар билан ҳам белгиланади.

Шубҳасиз, тарбия одамнинг кўзи, сочи, терисининг рангига, унинг бадани тузилишига таъсир эта олмайди, лекин жисмоний тараққиётга таъсир этиши мумкин. Чунки махсус ташкил этилган жисмоний машқлар орқали

боланинг саломатлиги мустаҳкамланади ва чиниқтирилади. Инсоннинг табиий қобилияти фақат тарбия орқали, уни маълум бир фаолият турига жалб қилиш орқали ривожланиши мумкин.

Маълумки, бола лаёқатъини ривожлантириш, уни қобилиятга айлантириш ва ҳаётга мос ҳолда ўстириш учун меҳнацеварлик ва ишчанлик керак. Меҳнацеварлик ва муттасил ўтириб ишлаш каби фазилатлар фақат тарбия натижасида орттириладиган фазилатлардир. Гарчанд инсон камолотига таъсир этадиган омиллар бир қанча бўлса ҳам, лекин махсус тарбия муассасаларида тарбиячи раҳбарлигида амалга ошириладиган тарбия жараёни етакчи ҳисобланади. Чунки, биринчидан, тарбия таъсирида турли фазилатлар ўзлаштирилади ва билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўникмалар, малакалар ҳам махсус уюштирилган тарбия орқали ҳосил қилинади.

Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликларни ҳам ўзгартириб, шахсни камолга етказиш мумкин. Масалан, кўрлар, гунглар ҳам ўқитилиб, соғлом кишилар қатори ҳаётга тайёрланади. Учинчидан, тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш ёки бартараф қилиш мумкин.

Тўртинчидан, тарбия доимо келажакка қаратилган мақсадни белгилайди. Шу туфайли, у шахснинг камолга етишини тезлаштирувчи рол ўйнайди. Инсон камол топишида мактабнинг аҳамияти катта. Болалар мактабга қадам қўяр экан, улар ўқув меҳнати билан банд бўладилар. Болалар мактабда фан асосларини эгаллаш билан бирга, уларда секин-аста илмий дунёқараш шаклланиб боради. Ўқитувчи-тарбиячиларнинг раҳбарлигида инсонга хос бўлган юксак фазилатларни эгаллайдилар. Тарбиявий ишларни режа асосида ташкил этиш болани тарбиялашда оилага ҳар вақт ёрдам кўрсатади. Тарбиячи ўз тарбияланувчисининг оилавий шароитидан хабардор бўлиши, педагогик маслаҳатларга, ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга ёрдам бериши муҳим. Тарбиячи учун бола бўш вақтини кимлар билан ўтказаётгани ва нималар билан машғул бўлаётгани аҳамияциз эмас. Чунки ўз ҳолига ташлаб қўйилган бола кўчанинг салбий таъсирига берилиб кетиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, инсон фақат фаолиятда ривожланади, ундан ташқарида ривожланиш йўқ. Бола жуда ёшлигидан бошлабоқ катталар ёрдамида ташқи муҳит билан турли хил алоқада бўлади. Мактаб ёшида бу алоқалар ўқиш ва шу билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият билан боғланади ва булар ривожланиш учун манба саналади.

Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият шахснинг ақлий ва иродавий ривожланишига таъсир этади. Демак, бола улғая борган сари унинг фаолияти ҳам шакли ва мазмуни билан ҳамоҳанг ўзгариб бораверар экан.

Масалан, боғча ёшида болаларнинг асосий фаолият тури ўйин бўлса, мактаб ўқувчиси учун ўқиб, меҳнат қилиш асосий фаолият бўлиб қолади. Демак, бола ҳаётида фаолият турларининг ўзаро муносабати ҳам ўзгаради ва бунинг таъсирида бола камолоти ҳам янги, юқорироқ босқичга кўтарилади.

Умуман, педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият бола шахсининг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний ва иродавий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Раҳбарлик қилинмаган фаолият эса бирёқлама ёки салбий таъсир этиши мумкин.

Шундай қилиб, инсон тараққиётининг илмий консепсияси инсон камолотига таъсир этадиган омилларни таҳлил этиб, инсон камолоти ва унинг шахсини шакллантиришни ягона ва бир бутун жараён эканлигини таъкидлайди. Бу жараёнда инсоннинг фаоллигига катта ўрин берилади. У фаоллиги билан ўз шахсини шакллантира олади. Тарбиячи томонидан қўйиладиган мақсад аниқ бўлса ва бу мақсадга эришиш учун одам астойдил ҳаракат қилса, кутилган натижага эришилади.

### Савол ва топшириқлар

1. Шахс камолотига қандай омиллар таъсир этар экан?
2. Инсоний фазилатларни айтиб, таърифлаб беринг.
3. Ижтимоий муҳит ва унинг инсон камолотига таъсири ҳақида гапириб беринг.
4. Шахс тушунчасини тарифланг.
5. Одам боласининг ривожланиши қандай жараён ҳисобланади ?
6. Инсонни нималар шахс даражасига кўтаради?

### Ўқув-услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати
### Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. М.Г.Давлетшин., Ш.Дўстмухамедова, М.Мавлонов, С.Тўйчиев. “Ёш даврлари ва педагоги психология”. Ўқув қўлланма. Т., 2004-й. 8.2. б.т.
2. З.Нишонова, Г.Алимова. “Болалар психологияси ва уни ўқитиш методикаси”. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамг`армаси.Т., 2006-й. 10 б.т.

### Қўшимча адабиётлар:

1. Р.А.Мавлонова, О.Тўраева, К.Холиқбердиев “пэдагогика” дарслик. Т.: Ўқитувчи 2006 й.
2. Р.Г`.Қодиров “Ёш даврлари ва пэдагогик психология”. Тошкент:. “Мусиқа” 2005 й.

3. С.Д. Замрамная «Болалар ақлий ривожланишининг психолоъэдагогик диагностикаси». М 1995.

4. О.Л.Карбанова «Боланинг психологик ривожланишини коррекцияловчи ўйини» - М-1997 й. Коррекцион педагогика (пузанова Б таҳрири остида) М 1998 й.

5. Копенка В. Педагогическая коррекция. – М. 1994.

**ЭлЭктрон та`лим рЭесурслари**

1. www.тдпу.уз
2. www. педагог. уз
3. www. Зиёнет. уз
4. тдпу-ИНТРАНЕТ.

## Маъруза машғулотларининг номи

1. Бошланғич таълимда психологик —педагогика назарияси ва технологияси фанининг предмети ҳамда методлари.

2. Педагогиканинг асосий қўзғатувчи мотивлари

3. Мослаштириш стратегияси

4. Ўқитувчи фаолиятидаги тўсиқлар

5. Педагогика ва умумий психология фанларини интеграциялаш

6. Педагогик жараёнда ўқувчи шахси

7. Ўқув фаолиятида автономлик—тобелик

8. Шахснинг оилада ривожланиши ва ижтимоийлашуви

9. Психологияда шахс

10. Мен-шахс концепцияси.

11. Шахснинг ижтимоий етуклиги

12. “Шахс” моделининг айрим турлари

13. Психологияда мотивация

14. Кичик мактаб ёшида психологик-педагогик ривожланиш

15. Кичик ёшдаги ўқувчининг ўқув фаолияти

16. Кичик ёшдаги ўқувчиларда англаш жараёнининг ривожланиши.

17. Бошланғич таълимда психологик —педагогика технологияси

18. Технология тушунчасининг психологик-педагогикада қўлланиши

19. Дарс таълимида ривожлантириш технологияси

20. Шахсга таъсир кўрсатишнинг педагогик-психологик технологияси муаммолари